

Шакрulloддин Наваҳоний



ИСЛОМ НИЗОМИ

ХИЗБУТ ТАХРИР
НАШРЛАРИДАН
1424х – 2003м

Оят таржимасининг маъноси

Шу нарса эътироф қилиниши лозимки, Қуръон ояти деб араб тилидаги матнгагина айтилади. Ушбу китоб ичида *курсив* қилиб ўзбек тилида келтирилган матн оятлар таржимасининг маъносидир.

ﷺ - соллоллоҳу алайҳи ва саллам

ﷻ - разияллоҳу анҳу / анҳо

ﷺ - алайҳис-салом

Тақийюддин Набаҳоний. Ислом низоми

Ўзбек тилидаги тўртинчи,

тузатилган ва тўлдирилган нашри

1424 ҳижрий - 2003 милодий йил

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

ИЙМОН ЙЎЛИ

Инсон ҳаёт, коинот ва инсон ҳақидаги ҳамда буларнинг дунё ҳаётидан илгариги Вужудга ва дунё ҳаётидан кейинги Ҳаётга алоқадорлиги ҳақидаги фикр билан уйғонади. Шунга кўра, бугунги инсон уйғониши учун унинг фикрини тубдан умумий равишда ўзгартириб, унга бошқа фикрни вужудга келтириб бериш керак. Чунки ушбу фикр нарсалар ҳақидаги тушунчаларни вужудга келтириб, уларни бир нуқтага боғлайди. Инсон ҳаёт ҳақидаги тушунчаларига кўра ҳаётдаги турмуш тарзини шакллантиради. Масалан, инсоннинг ўзи ёқтирадиган шахс ҳақидаги тушунчалари унинг ушбу шахсга нисбатан қўллайдиган муомала тарзини шакллантиради. Шунингдек, унинг ўзи ёқтирмайдиган шахс ҳақидаги тушунчалари ҳам бу шахсга нисбатан қўллайдиган муомала тарзини белгилайди. Ўзи танимайдиган, у ҳақда ҳеч қандай тушунчага эга бўлмаган бошқа бир шахсга нисбатан қўллайдиган муомалада ҳам инсондаги тушунчалар асосий ўринни эгаллайди. Демак, инсоннинг яшаш тарзи унинг тушунчаларига боғлиқдир. Биз инсоннинг тубан яшаш тарзини ўзгартириб, уни юксак яшаш тарзига айлантirmoқчи бўлсак, аввало унинг тушунчасини ўзгартиришимиз керак:

إِنَّ اللَّهَ لَا يُغَيِّرُ مَا بِقَوْمٍ حَتَّى يُغَيِّرُوا مَا بِأَنْفُسِهِمْ

– „Аниқки, то бирон қавм ўзларини ўзгартирмагунларича, Оллоҳ уларнинг аҳволини ўзгартирмас“.

[13:11]

Тушунчаларни ўзгартиришнинг ягона йўли дунё ҳаёти ҳақидаги фикрни вужудга келтиришдир, токи шу фикр ёрдамида дунё ҳаёти ҳақидаги энг тўғри тушунчалар вужудга келсин. Коинот, инсон, ҳаёт, бу дунё ҳаётидан илгариги Вужуд ва бу дунё ҳаётидан кейинги ҳаёт ҳақидаги ҳамда коинот, инсон ва ҳаётнинг мазкур Вужуд ва ҳаётга боғлиқлиги ҳақидаги фикр вужудга келтирилгандан кейингина бу дунё ҳаёти ҳақидаги фикр натижа бера оладиган шаклда бир нуқтага боғланади ва марказлашади. Бундай иш коинот, инсон ва ҳаётдан ташқаридаги, буларнинг доирасига кирмайдиган нарсалар ҳақида бериш

билан амалга оширилади. Чунки ушбу умумий фикр фикрий пойдевор бўлиб, ҳаёт ҳақидаги барча фикрлар унинг устига қурилади. Бу нарсалар ҳақида умумий фикрни бериш инсондаги энг катта тугунни ечиш демакдир. Қачонки ўша тугун ечилса, қолган тугунлар ўз-ўзидан ечилади. Чунки булар унга нисбатан жузъий масаладир. Бошқача қилиб айтганда, энг катта тугун тана бўлса, қолган тугунлар шу тананинг шохлари кабидир. Бироқ, бу ечим инсоннинг фитратига мос келадиган, ақлини қаноатлантирадиган ва қалбини хотиржам қиладиган тўғри ечим бўлсагина тўғри уйғонишга олиб боради.

Бу тўғри ечимни коинот, инсон ва ҳаёт ҳақидаги ёрқин фикрсиз вужудга келтириб бўлмайди. Шунинг учун уйғонишни ва юксалиш йўлида юришни хоҳловчи кишилар аввало бу асосий тугунни ёрқин фикр ёрдамида тўғри ечиб олишлари лозим. Бу ечим эса ақидадир. Бу ечим фикрий пойдевор бўлиб, унинг асосига ҳаётдаги яшаш тарзи ҳақидаги ва ҳаёт қонунлари ҳақидаги барча фаръий (иккинчи даражали) фикрлар қурилади.

Ислом ушбу энг катта тугунга диққат-эътиборини қаратиб, уни фитратга мос келадиган, ақлини қаноатлантирадиган ва қалбга хотиржамлик бахш эта оладиган тарзда ечиб берди ва Исломга киришни бу ечимга ақлдан келиб чиққан иқрор бўлишга боғлиқ қилиб қўйди. Мана шунинг учун ҳам Ислом ягона асос, яъни ақида устига қурилгандир. Ақиданинг мазмуни шундан иборатки, коинот, инсон ва ҳаётдан ташқарида уларнинг ҳаммасини яратган Яратувчи бор. У Оллоҳ Таолодир. Бу Яратувчи ҳамма жонли ва жонсиз мавжудотларни йўқдан бор қилган. У Вожибул-вужуд (яъни, бор бўлиши зарур) зотдир. У бошқа тарафидан яратилган эмас. Агар У бошқа тарафидан яратилган бўлса, яратувчи бўлмас эди. Унинг яратувчилик сифатига эга бўлишининг ўзиёқ бошқа тарафидан яратилмаган ва Вожибул-вужуд бўлишини тақозо этади. Чунки ҳамма нарса мавжуд бўлишида Унга суянади. У эса мавжуд бўлишда ҳеч нарсага суянмайди.

Барча нарсаларнинг яратган Яратувчиси бўлиши зарурлигига келсак, буни қуйида тушуниб олиш мумкин.

Ақл идрок қиладиган нарсалар инсон, ҳаёт ва коинотдан иборат. Бу нарсалар эса чеклангандир. Бинобарин, уларнинг ҳар бири ожиз, нуқсонли ва ўзидан бошқага муҳтождир: Инсон чеклангандир, чунки у ҳар бир соҳада ошиб ўтиб кета олмайдиган қандайдир чегарага бориб тўхтайди. Шунга кўра у чеклангандир. Ҳаёт чеклангандир, чунки у фақат айрим-айрим мавжудотларда намоён бўлади. Сезгилар орқали мушоҳада қилиб кўрилса маълум бўладики, ҳаёт айрим вужуд, яъни фардда интиҳосига етади. Демак, ҳаёт ҳам чеклангандир. Коинот чеклангандир, чунки у жисмлар йиғиндисидир. Ундаги ҳар бир жисм чекланган. Чекланганлар йиғиндиси ҳам чекланган бўлиши ўз-ўзидан маълумдир. Демак коинот ҳам чеклидир. Шунга кўра инсон, ҳаёт ва коинот чеклидир.

Биз чекланган нарсага назар ташлар эканмиз, унинг азалий эмаслигини (яъни, бошланиш нуқтаси борлигини) кўрамиз. Акс ҳолда у чекланган бўлмас эди. Шунинг учун чекланган нарса ўзидан бошқа томонидан яратилган бўлиши зарур. Ўша чекланган нарсадан бошқа вужуд инсон, ҳаёт ва коинотнинг яратувчисидир. У вужуд эса ё бошқа тарафидан яратилган, ёки ўзини-ўзи яратган, ёки азалий Вожибул-вужуддир. Яратувчининг бошқа тарафидан яратилганлиги нотўғри. Чунки бу ҳолда у чекланган бўлиб қолади. Ўзини-ўзи яратганлиги ҳам нотўғри. Чунки у бир вақтнинг ўзида ҳам яратувчи, ҳам махлуқ (бошқа тарафидан яратилган) бўлиб қолади. Бу эса мутлақо мумкин эмас. Демак, яратувчи азалий ва Вожибул-вужуд бўлиши зарур. У Оллоҳ Таолодир.

Бунинг устига, ҳар бир ақл соҳиби ўз сезгилари орқали ҳис қилаётган нарсалар мавжудлигининг ўзиданоқ у нарсаларни яратган Яратувчиси борлигини идрок қила олади. Чунки уларнинг ҳаммасида кўзга яққол ташланиб турадиган ноқислик, ожизлик ва ўзидан бошқага муҳтожлик сифатлари мавжуд. Мана шунинг учун улар, шубҳасиз, Яратувчи тарафидан яратилган. Шунинг учун ҳам бутун оламни бошқариб турган Яратувчининг борлигини билиб олиш учун коинот, ҳаёт ва инсондаги ҳар қандай нарсага назар ташлашнинг ўзи кифоядир. Коинотдаги юлдузларнинг бирортасига назар ташлаб, ҳаёт манзараларининг

бирортасида чуқур ўйланиб, инсондаги бирор соҳани идрок қилишнинг ўзи Оллоҳ Таолонинг борлигига қатъий далолат қилади. Шу мақсадда Қуръони Карим нарсаларга диққат-эътиборни қаратиб, инсонни у нарсалар, уларнинг атрофидаги нарсалар ва уларга алоқадор бўлган нарсаларга назар ташлаб, бу билан Оллоҳ Таолонинг борлигини билиб олишга чақиради. Чунки инсон бу нарсаларга назар ташлар экан, уларнинг бошқа вужудга муҳтожлигини кўриб, бундан оламни бошқариб турган Яратувчи - Оллоҳнинг борлигини қатъий идрок қилиб олади. Бу маънода юзлаб оятлар мавжуд.

Оллоҳ Таоло «Оли Имрон» сурасида дейди:

إِنَّ فِي خَلْقِ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَاخْتِلَافِ اللَّيْلِ وَالنَّهَارِ لآيَاتٍ لِّأُولِي الْأَبْصَارِ ﴿١٦﴾

– „Осмонлар ва Ернинг яралишида ҳамда кеча ва кундузнинг алмашиб туришида ақл эгалари учун (бир яратувчи ва бошқариб тургувчи зот мавжуд эканлигига) оят-аломатлар борлиги шубҳасиздир“.

[3:190]

«Рум» сурасида дейди:

وَمِنْ آيَاتِهِ خَلْقُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَاخْتِلَافُ أَلْسِنَتِكُمْ وَأَلْوَانِكُمْ

– „Унинг оятларидан (яна бири) У зот осмонлар ва Ерни яратиши ҳамда сизларнинг тилларингиз ва рангларингизни хилма-хил қилиб қўйганидир“.

[30:22]

«Ғошия» сурасида дейди:

أَفَلَا يَنْظُرُونَ إِلَى الْإِبِلِ كَيْفَ خُلِقَتْ ﴿١٧﴾ وَإِلَى السَّمَاءِ كَيْفَ رُفِعَتْ ﴿١٨﴾ وَإِلَى الْجِبَالِ كَيْفَ نُصِبَتْ ﴿١٩﴾ وَإِلَى الْأَرْضِ كَيْفَ سُطِحَتْ ﴿٢٠﴾

– „Ахир, улар туянинг қандай яратилганига; осмоннинг қандай кўтариб қўйилганига; тоғларнинг қандай тикланганига ва Ернинг қандай ёйиб-текислаб қўйилганига (ибрат назари билан) боқмайдиларми?“

[88:17-20]

«Ториқ» сурасида шундай дейди:

فَلْيَنْظُرِ الْإِنْسَانُ مِمَّ خُلِقَ ﴿٥﴾ خُلِقَ مِنْ مَّاءٍ دَافِقٍ ﴿٦﴾ يَخْرُجُ مِنْ بَيْنِ الصُّلْبِ وَالتَّرَائِبِ ﴿٧﴾

– „Энди инсон ўзининг нимадан яратилганига бир боқсин! У (эркакнинг) бели билан (аёлнинг) кўкрак қафаси ўртасидан отилиб чиқувчи бир сувдан яралган-ку!“

[86:5-7]

«Бақара» сурасида дейди:

إِنَّ فِي خَلْقِ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَاخْتِلَافِ اللَّيْلِ وَالنَّهَارِ وَالْفُلْكِ الَّتِي تَجْرِي فِي الْبَحْرِ بِمَا يَنْفَع النَّاسَ وَمَا أَنْزَلَ اللَّهُ مِنَ السَّمَاءِ مِنْ مَاءٍ فَأَحْيَا بِهِ الْأَرْضَ بَعْدَ مَوْتِهَا وَبَثَّ فِيهَا مِنْ كُلِّ دَابَّةٍ وَتَصْرِيفِ الرِّيَّاحِ وَالسَّحَابِ الْمُسَخَّرِ بَيْنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ لآيَاتٍ لِقَوْمٍ يَعْقِلُونَ ﴿١٦٤﴾

– „Албатта, осмонлар ва Ернинг яратилишида, кеча ва кундузнинг алмашиб туришида, денгизда одамларга керакли нарсаларни олиб юрган кемаларнинг (сузишида) ва Оллоҳ осмондан туширган ва у сабабли ўлик ерни тирилтириб, бор жонзотни тарқатиб-ёйиб юрган сув деган неъматда ва шамолларнинг йўналтирилишида, осмон ва Ер орасидаги итоатгўй булутда - (булутларнинг ҳаммасида) ақлли кишилар учун оят-аломатлар бордир“ [2:164]

Ушбу ва бундан бошқа оятлар инсонни барча нарсалар, уларнинг атрофидаги ва уларга алоқадор бошқа нарсаларга чуқур назар солиб, бу билан оламини бошқариб турган Яратувчининг борлигини билиб, Оллоҳга бўлган иймонини ақл ва далилдан келиб чиққан пухта иймон даражасига етказишга чақиради.

Тўғри, бутун оламини бошқариб турган Яратувчига ишониш ҳар бир инсонда табиийдир. Бироқ, бу табиий ишонч виждон йўли билан вужудга келади. Бу оқибатига ишониб бўлмайдиган йўл бўлиб, агар ўз ҳолига ташлаб қўйилса, бир нуқтага марказлаша олмайди. Виждон кўпинча ўзи ишонаётган Яратувчига унинг ажралмас сифатлари деб хаёл қилиб, ҳақиқатда эса йўқ нарсаларни аралаштириб юборади-да, натижада куфр ёки янглишув-залолатга тушиб қолади. Бутларга сиғиниш, хурофот, асоссиз уйдирма, тўқима нарсалар ва афсоналарга ишониш виждоннинг мазкур хатосининг натижасидан ўзга нарса эмас. Шунинг учун Ислом ёлғиз виждоннинг ўзи иймонга олиб бора оладиган йўл деб тан олмади. Токи виждон Оллоҳ Таолога ҳам унинг илоҳлигига қарама-қарши бўлган сифатларни тўқиб чиқармасин ё моддий нарсаларда гавдаланиши мумкин деб ўйламасин ёки моддий нарсаларга сиғиниш орқали унга яқинлик ҳосил қилиш мумкин деб тасаввур қилиб, куфр ёки ширкка ёхуд ҳақиқий маънодаги иймон ҳазм қила олмайдиган асоссиз афсоналар ва хурофотларга олиб бориб

қўймасин. Шу туфайли Ислом виждон билан бирга ақлни ишлатишга чақиради. Ислом мусулмонга Оллоҳ Таолога ишонишда ақлини ишлатишни шарт қилди. Ақида хусусида бошқаларга тақлид қилишдан қайтарди. Шунинг учун Оллоҳ Таолога ишонишда ақлни ҳакам қилди.

Оллоҳ Таоло айтади:

إِنَّ فِي خَلْقِ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَاخْتِلَافِ اللَّيْلِ وَالنَّهَارِ لآيَاتٍ لِّأُولِي الْأَبْصَارِ ﴿١٩٠﴾

– „Осмонлар ва Ернинг яралишида ҳамда кеча ва кундузнинг алмашиб туришида ақл эгалари учун (бир яратувчи ва бошқариб тургувчи зот мавжуд эканлигига) оят-аломатлар борлиги шубҳасиздир“. [3:190]

Мана шунинг учун ҳар бир мусулмон ўз иймонини фикр юритиш, изланиш ва ибрат назаридан келиб чиқадиган иймон даражасига кўтармоғи даркор. У Оллоҳ Таолога иймон келтириш бобида ақл-идрокни мутлақ ҳакам қилиб олмоғи зарур. Қуръони Карим хилма-хил сураларда коинотга назар солиб, ундаги қонуниятларни ўрганиб чиқиб, уни йўқдан бор қилган Яратувчига иймон келтириш учун йўл топишга қаратилган даъватни юз марталаб такрорлайди. Бу даъватларнинг барчаси инсоннинг ақлий қувватларига қаратилган бўлиб, уни чуқур фикр юритишга чақиради. Инсоннинг иймони ақл ва далил асосида вужудга келишини хоҳлайди. Бу даъватлар инсонни ота-боболарининг ақидаларини улар ҳақида фикр юритмай, текшириб кўрмай, уларнинг ҳақиқат эканига ишонч ҳосил қилмай туриб кўр-кўрона қабул қилишдан эҳтиёт бўлишга чақиради. Мана шундай иймон Ислом талаб қиладиган иймондир. Бу ожиз-қарияларнинг иймони деб номаланадиган иймон эмас. Балки бу ҳар нарсага қайта-қайта назар солиб, қайта-қайта фикр юритиб, сўнгра назар солиш ва фикр юритиш ёрдамида улуг қудрат эгаси бўлган Оллоҳнинг борлигига аниқ ишончга эришган ёрқин фикр ва аниқ далил эгасининг иймонидир.

Инсон Оллоҳ Таолога иймон келтиришга етишмоқ учун ақлини ишга солиши зарур бўлишига қарамасдан, бироқ, у ўзининг сезги аъзолари ва ақлининг имконият доирасидан ташқаридаги нарсаларни идрок қилиши мумкин эмас. Буни қуйидагича тушунмоқ лозим: инсоннинг ақли чекланган. Унинг ақлий қуввати ҳар қанча ривожланган бўлмасин, ўтиб

кета олмайдиган чегаралар билан чегараланган. Шунинг учун унинг идрок қилиши ҳам чеклидир. Шундан келиб чиқадики, ақл Оллоҳнинг зотини (ўзини) ҳамда Унинг ҳақиқатини идрок қилишдан ожиз бўлиши муқаррар. Чунки Оллоҳ Таоло коинот, ҳаёт ва инсондан ташқаридадир. Инсондаги ақл эса коинот, инсон ва ҳаётдан ташқаридаги нарсаларнинг моҳиятини идрок қила олмайди. Шунинг учун инсоннинг ақли Оллоҳ Таолонинг зотини идрок қилишдан ожиздир. Бу ўринда Оллоҳнинг зотини идрок қилишдан инсон ақли ожиз бўла туриб, қандай қилиб у ақл ёрдамида Оллоҳга ишона олади, дейиш нотўғридир. Чунки иймон Оллоҳнинг борлигига ишонишдир. Унинг борлиги эса яратган махлуқотларининг борлигидан идрок қилинади. Улар коинот, инсон ва ҳаётдан иборат. Булар ақл идрок қила оладиган нарсалар доирасига киргани учун ҳам, ақл уларни идрок қилиб олгач, уларни яратган Яратувчининг борлигини идрок қилади. У Оллоҳ Таолодир. Шунга биноан, Оллоҳнинг борлигига ишониш ақлнинг вазифаси ва ақл доирасидаги иш бўлиб қолади. Оллоҳнинг зотини идрок қилиш эса мумкин бўлмаган ишдир. Чунки Оллоҳнинг зоти коинот, инсон ва ҳаёт доирасидан ташқаридадир. Демак, ақлнинг ҳам доирасидан ташқаридадир. Ақл эса ўз доирасидан ташқаридаги нарсаларни идрок қила олмани учун, уларнинг моҳияти ва ҳақиқатини ҳам идрок қила олмайди. Ақлнинг бу нуқсонининг ўзиёқ шак-шубҳа туғдирувчи омил эмас, балки иймонни мустаҳкамловчи боислардан бўлиши лозим. Чунки бизнинг Оллоҳга бўлган иймонимиз ақл ёрдамида ҳосил қилинган, Унинг борлигини идрок қилишимиз ҳам мукамал идрок қилиш бўлиб қолади. Оллоҳ Таолонинг борлигини ҳис қилишимиз ақлга боғланган, Унинг борлигини ҳис қилишимиз аниқ ҳис қилиш бўлиб қолади. Бу эса бизда илоҳлик сифатларининг барчасига нисбатан мукамал идрок ва аниқ ҳис қилишни вужудга келтиради. Бу мукамал идрок ва аниқ ҳис қилиш бизни - Оллоҳга қанчалар қаттиқ ишонсак-да - Унинг Зотининг моҳиятини идрок қила олмаслигимизга қаноатлантормоғи лозим. Ақл идрок қилишдан ожиз бўлган мавзуларда Оллоҳ тарафидан бизга юборилган маълумотларга таслим бўлишимиз зарур

эканлигига қаноат ҳосил қилдириш ҳам мазкур идрок ва ҳис қилишнинг вазифасидир. Бунинг сабаби эса инсон ақли ўзининг чекланган нисбий ўлчовлари ёрдамида ўз доирасидан ташқаридаги нарсаларни идрок қилишдан табиий ожизлигидир. Чунки ушбу идрок нисбий бўлмаган, чекланмаган ўлчовларга муҳтождир. Ҳолбуки, инсон бундай ўлчовларга эга эмас ва эга бўла олмайди ҳам.

Энди пайғамбарларга эҳтиёж борлигига келсак, инсон Оллоҳ Таолонинг яратган махлуқи эканлиги, диндорлик инсонда табиий эканлиги аниқ. Чунки диндорлик инсондаги ғаризаларнинг биридир. Шунинг учун у - яратилиш табиатига кўра - ўз Яратувчисини улуғлайди, муқаддас деб билади. Ушбу улуғлаш, муқаддаслаш ибодатдир. Ибодат эса инсон билан Яратувчи ўртасидаги алоқадир. Бу алоқа агар қонун-қоидасиз ташлаб қўйилса, ибодатнинг беқарор бўлиб қолишига ёки Яратувчидан бошқага сиғиниб қўйишга олиб боради. Шунинг учун ушбу алоқани тўғри қонун-қоида асосида тартибга солиш зарур. Бу қонун-қоида инсон тарафидан ишлаб чиқилиши мумкин эмас. Чунки у Яратувчининг ҳақиқатини идрок қила олмайди, демакки, ўзи билан Яратувчининг ўртасидаги алоқани тартибга солиб турувчи қонунни туза олмайди. Демак, бу қонун фақат Яратувчи тарафидан бўлиши зарур. Шу билан бирга Яратувчи бу қонунни инсонга етказиши лозим. Шунинг учун Оллоҳ Таолонинг динини инсонларга етказувчи пайғамбарлар - расулларнинг бўлиши зарурдир.

Инсонларнинг пайғамбарларга муҳтожлиги масаласига яна бир далил, инсон ўзининг ғаризалари ҳамда узвий эҳтиёжларини қондириши зарурдир. Бу эҳтиёжларни қондириш қонун-қоида асосида ижро қилинмаса, нотўғри ёки ғайриқонуний тарзда қондиришга олиб боради-да, натижада инсоннинг бахтсиз бўлиб қолишига сабабчи бўлади. Шунга кўра инсоннинг ғаризалари ва узвий эҳтиёжларини тартибга солиб турувчи қонун-қоида бўлиши зарур. Бу қонун-қоидани инсон туза олмайди. Чунки унинг инсон ғаризалари ва аъзоларининг эҳтиёжларини тартибга солиш ҳақидаги тушунчаси тафовут, хилма-хиллик, қарама-қаршилик ва ўзи яшаб турган муҳитдан таъсирланишга маҳкум. Агар бундай

қонунни яратиш инсоннинг ўзига қўйиб берилса, қонун тафовут, хилма-хиллик ва қарама-қаршиликлар исканжасига тушиб қолади ва инсоннинг бахтсиз бўлишига олиб боради. Демак, инсоннинг ғаризалари ва узвий эҳтиёжларини тартибга солиб турувчи қонун фақат Оллоҳ Таоло тарафидан тузилиши зарур.

Энди Қуръон Оллоҳ Таоло ҳузуридан юборилганига келсак, Қуръон арабча китоб. Уни Муҳаммад ﷺ олиб келган. Қуръон ё араблар тарафидан, ё Муҳаммад ﷺ тарафидан ижод қилинган. Ёки Оллоҳ Таоло тарафидан нозил қилинган.

Қуръон бу учаласидан бошқа тарафдан бўлиши мумкин эмас. Чунки у араб тилида ва арабча услубда нозил қилинган.

Қуръонни араблар томонидан ижод қилинган дейиш нотўғри. Чунки Қуръон арабларни баҳсга чорлаб, Қуръон жумлаларига ёки ундаги ибораларга ўхшаш бирор сура ижод қилишда куч синашишга чақирди:

فَأْتُوا بِعَشْرِ سُورٍ مِثْلِهِ

– „*(Эй Муҳаммад!) «Ў ҳолда, шунга (яъни Қуръонга) ўхшаш ўнтагина сура келтирингиз», деб айтинг.* [11:13]

قُلْ فَأْتُوا بِسُورَةٍ مِثْلِهِ

– „*(Эй Муҳаммад!) «Қани, унинг сураларидек биргина сурани яратиб кўрингларчи?!» - деб, уларга хитоб қил.* [10:38]

Араблар бу соҳада уриниб кўрдилар. Бироқ, бу таклифни амалга оширишни уддалай олмадилар. Демак, бундан чиқди, Қуръон уларнинг ижод қилган сўзлари эмас. Чунки улар Қуръон уларни баҳсга чорлагани ва улар бу баҳсда беллашиб кўришга ҳаракат қилганларига қарамай, унга ўхшайдиган бирор сура ярата олмадилар. Қуръон Муҳаммад тарафидан ижод қилинганлиги ҳам нотўғри. Чунки Муҳаммад араб халқининг бир вакили. Бир даҳонинг истеъдоди қанчалик юксак бўлмасин, у бари бир инсонлигича ва ўз жамияти, ўз халқининг фарзандлигича қолади. Модомики, араб халқи Қуръонга ўхшаш бир мукамал асар ярата олмабдими, демак, араб фарзанди бўлган Муҳаммадга ҳам бу сўз том маънода тааллуқлидир.

Демак, Қуръон Муҳаммад тарафидан ҳам ижод қилинган эмас. Бундан ташқари, Муҳаммад ﷺнинг жуда кўп саҳиҳ ҳадислари мавжуд. Шунингдек, мутлақо рост бўлган мутавотир ҳадислари ҳам ривоят қилинган. Агар бирор ҳадис бирор оят билан таққослаб кўрилса, улар ўртасида услуб жиҳатидан ҳеч қандай ўхшашлик топилмайди. Ваҳоланки, у зот нозил қилинган оятни ўқиб, шу вақтнинг ўзида ҳадисни айтиб берсалар-да, иккисининг ўртасида услуб жиҳатидан аниқ фарқ сезилиб турар эди. Инсон ўз фикрини ҳар хил йўл билан ифодалашга қанчалар тиришмасин, бари бир уларнинг услуб жиҳатидан бири-бирига ўхшашлиги сезилиб туради. Ҳадис билан оят ўртасида услуб жиҳатидан ҳеч қандай ўхшашлик бўлмагани ҳамда Қуръон билан Муҳаммаднинг сўзининг ўртасида очиқ-ойдин фарқ бўлгани учун хулоса чиқариш мумкинки, Қуръон асло Муҳаммаднинг сўзлари эмас. Бундан ташқари, арабларнинг бор-йўқ даъволари: «Муҳаммад Қуръонни Жабр исмли насроний бир боладан ўрганиб келади», - дейиш эди. Шунинг учун уларнинг даъволарини рад этиб, Оллоҳ Таоло шундай дейди:

وَلَقَدْ نَعْلَمُ أَنَّهُمْ يَقُولُونَ إِنَّمَا يُعَلِّمُهُ بَشَرٌ لِّسَانَ الَّذِي يُلْحِدُونَ إِلَيْهِ أَعْمَىٰ وَهَذَا لِسَانٌ

عَرَبِيٌّ مُّبِينٌ ﴿١٠٣﴾

– „Биз аниқ биламизки, улар (араблар) «Муҳаммадга Қуръонни бир инсон фарзанди ўргатади» - деб, тухмат қиладилар. Улар ишора қилаётган кишининг тили ажамий, ваҳоланки, Қуръон тили соф араб тилидир“. [16:103]

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқадики, Қуръон арабларнинг ҳам, Муҳаммаднинг ҳам сўзлари эмас экан. Шунинг учун аниқ хулоса чиқариш мумкинки, Қуръон Оллоҳнинг каломи ҳамда уни олиб келган шахс учун мўъжизадир.

Қуръонни Муҳаммад олиб келган. Қуръон Оллоҳнинг сўзлари ва шариатидир. Оллоҳнинг шариатини фақат Унинг набийлари ва расулларигина олиб келадилар. Бу ақлий далилга кўра қатъий хулоса чиқариш мумкинки, Муҳаммад набий ва расулдир.

Булар Оллоҳнинг борлиги, Муҳаммад расул эканлиги ва Қуръон Оллоҳ Таолонинг каломи эканлигига ақлий далиллардир.

Шунга биноан, Оллоҳга ишониш ақл ёрдамида ҳосил қилинди. Чунки иймон фақат ақл воситасида ҳосил қилинмоғи зарур. Бу билан ушбу иймон ғайбий нарсаларга ва Оллоҳ бизга хабар берган ҳар бир нарсага ишониш учун асос-пойдевор бўлиб қолади. Чунки биз, модомики илоҳлик сифатлари билан сифатланган Оллоҳ Таолога иймон келтирар эканмиз, ақл идрок қилса ҳам ёки ақлнинг идрок доирасидан ташқарида бўлса ҳам, Оллоҳ Таоло бизга хабар берган нарсаларга сўзсиз ишонмоғимиз керак. Чунки бу нарсалар ҳақида бизга Оллоҳ хабар бергандир. Шунга кўра, Қуръони Карим ва қатъий ҳадисларда келган қайта тирилишга, қайта тирилгандан сўнг бир майдонга йиғилишга, жаннатга, дўзахга, ҳисобот олинишига, азобга, фаришталар, жинлар, шайтонлар ва бошқаларга иймон келтириш зарур. Гарчи бу иймон нақл қилинган ва ишончли кишилардан эшитилган нарсалар натижасида ҳосил қилинган бўлса-да, у аслида ақлий иймондир. Чунки унинг асли-асоси ақл ёрдамида исбот қилинган. Шунга биноан, ҳар бир мусулмоннинг ақидаси фақат ақлга ёки асл негизи ақл ёрдамида исбот қилинган ҳужжатгагина асосланган бўлиши лозим. Демак, мусулмон фақат ақл ёрдамида исботланган ёки қатъий, аниқ эшитиш йўли билан олинган маълумотлар, яъни Қуръони Карим ва қатъий (мутавотир) ҳадис ёрдамида исбот қилинган маълумотларгагина эътиқод қилиши шарт. Ушбу икки йўл, яъни ақл ҳамда китоб (Қуръон) ва қатъий суннат воситасида исбот қилинмаган ҳар қандай маълумотга эътиқод қилиш мусулмон учун ҳаромдир. Чунки ақидалар фақат аниқ ва ишончли далилдангина олинади.

Шунга кўра, бу дунё ҳаётидан илгариги вужуд - Оллоҳ Таолога ишониш ҳамда бу дунё ҳаётидан кейинги Қиёмат кунига ишониш вожибдир. Оллоҳ Таолонинг буйруқлари ҳаётдан аввалги Вужуднинг ҳаётга, шу билан бирга яратилиш ҳодисасига боғлиқ эканлигини ифодалагани учун ҳам; инсоннинг ҳаётда қилган ишлари ҳисобот қилиниши эса ҳаётдан кейинги ҳаёт (охират)нинг шу ҳаётга, шу билан

бирга қайта тирилиш ва бир жойга йиғилишга боғлиқлигини ифодалагани учун ҳам хулоса қилиш мумкинки, сўзсиз бу ҳаёт ўзидан аввалига ҳам, ўзидан кейинига ҳам боғланиши, шунингдек, инсоннинг бу дунё ҳаётидаги барча ҳолатлари шу алоқага боғлиқ бўлиши зарур. Демак, инсон ҳаётда Оллоҳ Таолонинг қонунларига мувофиқ ҳолда яшамоғи ва уни Оллоҳ қиёмат куни дунё ҳаётида қилган ишлари ҳақида муҳосаба (ҳисоб-китоб) қилишига эътиқод қилмоғи лозим.

Шу билан коинот, ҳаёт ва инсон доирасидан ташқаридаги нарсалар ҳақида ёрқин фикр вужудга келди. Шунингдек, ҳаётдан аввалги ва кейинги вужудлар ҳақида ҳам, ҳаётнинг ўзидан аввалги ва кейинги вужудларга боғлиқлиги ҳақида ҳам ёрқин фикр ҳосил бўлди. Натижада энг асосий тугун бутунича **Ислом Ақидаси** ёрдамида ҳал қилинди.

Қачонки инсон бу ечимга келиб олса, бу дунё ҳаёти ҳақидаги фикрга ва у ҳақдаги самарали, энг тўғри тушунчаларни вужудга келтиришга ўтиши мумкин. Айнан мана шу ечим уйғониш йўли учун танланган мабданинг, бу мабда дунёқарашининг, мабдадан балқиб чиқадиган тузумнинг, шу мабда асосида қуриладиган давлатнинг асоси-пойдевори бўлиб қолади. Бундан келиб чиқадики, бу ечим Исломнинг фикрат ва тариқат жиҳатидан қурилган асоси, яъни Ислом Ақидасидир.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا آمِنُوا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ وَالْكِتَابِ الَّذِي نَزَّلَ عَلَىٰ رَسُولِهِ وَالْكِتَابِ الَّذِي أَنزَلَ مِن قَبْلُ وَمَنْ يَكْفُرْ بِاللَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَكُتُبِهِ وَرُسُلِهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَقَدْ ضَلَّ ضَالًّا بَعِيدًا ﴿١٣٦﴾

– „Эй мўминлар! Оллоҳга, Унинг пайғамбарига ва шу пайғамбарига нозил қилган Китобига ҳамда илгари нозил қилган Китобига иймон келтиринглар. Кимки Оллоҳга, фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига ва охираат кунига ишонмаса, демак, у жуда қаттиқ адашибди“. [4:136]

Сўзсиз ишониш лозим бўлган юқоридаги фикрлар қарор топгач, ҳар бир мусулмон учун Ислом шариатининг барчасига ишониш лозим бўлиб қолади. Чунки Ислом Шариати Қуръони Каримда келган ва уни Расулуллоҳ ﷺ олиб келган. Акс ҳолда киши кофир бўлади. Шунинг учун Шариат қонунларини бутунича ёки унинг қатъий исбот қилинган муфассал қонунларини инкор қилиш куфрдир. Бу

қонунлар ибодатлар, муомалалар, уқубат (жазо чоралар) ёки емак-ичмакларнинг қайси бирига тааллуқли бўлишининг фарқи йўқ.

وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ

– „Намозни ўз вақтида адо қилинг“, [2:43]
оятини инкор қилиш:

وَأَحَلَّ اللَّهُ الْبَيْعَ وَحَرَّمَ الرِّبَا

– „Оллоҳ савдони ҳалол, судхўрликни ҳаром қилди“, [2:275]
оятини инкор қилиш каби;

وَالسَّارِقُ وَالسَّارِقَةُ فَاقْطَعُوا أَيْدِيَهُمَا

– „Ўғрининг - хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин қўлларини кесинглар“, [5:38]
оятини инкор қилиш каби;

حُرِّمَتْ عَلَيْكُمُ الْمَيْتَةُ وَالْدَّمُ وَلَحْمُ الْخَيْزِرِ وَمَا أَهْلَ لِعَبْرِ اللَّهِ بِهِ

– „Сизларга ўлик, қон, тўнғиз гўшти ва Оллоҳга бағишлаб сўйилмаган жониворлар ҳаром қилинди“, [5:3]
оятини инкор қилиш каби куфрдир. Шариатга ишониш-иймон келтириш ақлга боғлиқ эмас. Балки Оллоҳ Таоло тарафидан келган Шариат қонунларининг барчасига мутлақ таслим бўлиш лозимдир.

فَلَا وَرَبِّكَ لَا يُؤْمِنُونَ حَتَّى يُحَكِّمُوكَ فِيمَا شَجَرَ بَيْنَهُمْ ثُمَّ لَا يَجِدُوا فِي أَنْفُسِهِمْ حَرَجًا مِمَّا

قَضَيْتَ وَيُسَلِّمُوا تَسْلِيمًا ﴿٦٥﴾

– „Йўқ, Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича ва кейин сиз чиқарган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунларича-бўйинсунмагунларича зинҳор мўмин бўла олмайдилар“. [4:65]

ҚАЗО ВА ҚАДАР

Оллоҳ Таоло «Оли Имрон» сурасида шундай дейди:

وَمَا كَانَ لِنَفْسٍ أَنْ تَمُوتَ إِلَّا بِإِذْنِ اللَّهِ كِتَابًا مُؤَجَّلًا

– „Ҳар бир жон фақат Оллоҳнинг изни билан ва аниқ белгилаб қўйилган муддатда ўлади“. [3:145]

«Аъроф» сурасида шундай дейди:

وَلِكُلِّ أُمَّةٍ أَجَلٌ فَإِذَا جَاءَ أَجْلُهُمْ لَا يَسْتَأْخِرُونَ سَاعَةً وَلَا يَسْتَقْدِمُونَ ﴿١٤٦﴾

– „Ҳар бир жамоат учун ажал бордир. Бас, қачонки уларга ажаллари келса, уни бирон соатга кетга ҳам, илгарига ҳам сура олмайдилар“. [7:34]

«Ҳадид» сурасида шундай дейди:

مَا أَصَابَ مِنْ مُصِيبَةٍ فِي الْأَرْضِ وَلَا فِي أَنْفُسِكُمْ إِلَّا فِي كِتَابٍ مِنْ قَبْلِ أَنْ نَبْرَأَهَا

إِنَّ ذَلِكَ عَلَى اللَّهِ يَسِيرٌ ﴿١٠٢﴾

– „На Ерга ва на ўзларингизга бирон мусибат етмас, магар (етса), Биз уни пайдо қилишимиздан илгари Китобда (Лавҳул-Маҳфузда битилган) бўлур. Албатта, бу Оллоҳга осондир“. [57:22]

«Тавба» сурасида шундай дейди:

قُلْ لَنْ يُصِيبَنَا إِلَّا مَا كَتَبَ اللَّهُ لَنَا هُوَ مَوْلَانَا وَعَلَى اللَّهِ فَلْيَتَوَكَّلِ الْمُؤْمِنُونَ ﴿١٠١﴾

– „Айтинг: «Бизга фақат Оллоҳ биз учун ёзиб қўйган нарсасига етур. У бизнинг хојамиздир. Бас, нймонли кишилар фақат Оллоҳгагина таваккул қилсинлар!»“ [9:51]

«Сабаъ» сурасида шундай дейди:

لَا يَعْزُبُ عَنْهُ مِثْقَالُ ذَرَّةٍ فِي السَّمَاوَاتِ وَلَا فِي الْأَرْضِ وَلَا أَصْغَرُ مِنْ ذَلِكَ وَلَا أَكْبَرُ إِلَّا فِي

كِتَابٍ مُبِينٍ ﴿٢٠٠﴾

– „Осмонлар ва Ердаги бир зарра мисоличалик, ундан ҳам кичик (ёки) катта бирон нарса (Оллоҳ)дан махфий бўлмас - албатта очиқ Китобда (Оллоҳнинг азалий ёзмиши - Лавҳул-Маҳфузда у) мавжуд бўлур“. [34:3]

«Анъом» сурасида шундай дейди:

وَهُوَ الَّذِي يَتَوَفَّاكُم بِاللَّيْلِ وَيَعْلَمُ مَا جَرَحْتُمْ بِالنَّهَارِ ثُمَّ يَبْعَثُكُمْ فِيهِ لِيُقْضَىٰ أَجَلٌ مُسَمًّى ثُمَّ إِلَيْهِ

مَرْجِعُكُمْ ثُمَّ يُنَبِّئُكُم بِمَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿٦٠﴾

– „У кечаси «жонингизни оладиган» (яъни, уйқу берадиган), кундузи қилган ишингизни биладиган зотдир. Сўнгра айтилган ажал (яшаш учун берилган муҳлат) адо қилиниши учун унда (яъни кундузи) сизларни «тирилтирур». Кейин Ўзига қайтишингиз бордир. Сўнгра сизларга қилиб ўтган амалларингизнинг хабарини берур“.

[6:60]

«Нисо» сурасида шундай дейди:

وَإِنْ تُصِيبَهُمْ حَسَنَةٌ يَقُولُوا هَذِهِ مِنْ عِنْدِ اللَّهِ وَإِنْ تُصِيبَهُمْ سَيِّئَةٌ يَقُولُوا هَذِهِ مِنْ عِنْدِكَ قُلْ كُلٌّ مِنْ عِنْدِ اللَّهِ فَمَالِ هَؤُلَاءِ الْقَوْمِ لَا يَكَادُونَ يَفْقَهُونَ حَدِيثًا



– „Агар уларга (мунофиқларга) бирон яхшилик етса, «Бу Оллоҳнинг ҳузуридан», - дейдилар. Бордию бирон ёмонлик етиб қолса, «Бунга сен сабабсан», - дейдилар. Айтинг: «Ҳамма нарса Оллоҳдандир». Нега бу қавм кишилари ҳеч гап англамайдилар-а?!“

[4:78]

Бу ва бунга ўхшаш оятларни кўпчилик «Қазо ва қадар» масаласига далил қилиб келтирадилар. Шундай далил қилиб кўрсатадиларки, бу далилдан гўё инсон қилаётган ишларида мажбур қилинаётгандай, қилаётган ишларини Оллоҳнинг иродаси ва хоҳишининг мажбурияти остида амалга ошираётгандай ва гўё инсонни ҳам, унинг қиладиган иши-амалини ҳам (унинг ихтиёрисиз) Оллоҳ яратгандай - амалга ошираётгандай бўлиб кўринади. Улар ўз сўзлари ва даъволарини Оллоҳнинг ушбу сўзлари билан таъкидламоқчи бўладилар:



وَاللَّهُ خَلَقَكُمْ وَمَا تَعْمَلُونَ

– „Сизларни ҳам ва амалларингизни ҳам Оллоҳ яратган“.

[37:96]

Шунингдек, ўз фикрларини ҳадислар билан ҳам қувватламоқчи бўладилар. Муҳаммад ﷺнинг ушбу ҳадисларини далил сифатида келтирадилар: «Қалбимга Рухул-Қудс (Жаброил) шу сўзларни муҳрлади, жо-бажо қилди: «Ҳеч бир жон ўз ризқини тўла еб бўлмай, ўз ажалини - унга белгиланган умрини яшаб бўлмай ва у учун муайян миқдорда яратилган нарсаларни тўла амалда кўрмай туриб, ҳаргиз ўлмайди»».

Маълумки, **«Қазо ва қадар»** масаласи Ислом мазҳабларида жуда муҳим ўрин эгаллайди. Аҳли суннанинг бу ҳақдаги фикрининг хулосаси: «Инсонда амалларни қилиш-қилмаслик (касб)да ихтиёр бор. У қилиш-қилмаслик ихтиёрига кўра сўроқ қилинади». Мўътазиланинг фикри эса қуйидагича: «Инсон қиладиган амалларини ўзи яратади. Шу амаллари учун сўроқ қилинади, чунки бу ишларни ўзи вужудга келтирган». Жабриялар эса қуйидаги фикрга эгадирлар: «Бандани ҳам, унинг қиладиган амалларини ҳам Оллоҳ яратади. Шунинг учун банда қиладиган ишларида мажбур қилинган, ўз ихтиёрига эга эмас, у гўё шамол хоҳлаган тарафга учуриб олиб кета оладиган парга ўхшайди».

Қазо ва қадар масаласини диққат билан текшириб кўрган киши, бу соҳада баҳс юритишнинг нозиклиги сабабли, баҳснинг пойдевори бўлган асосни аниқ билиб олиш лозимлигига ишонч ҳосил қилади. Инсоннинг қиладиган ишлари - «у тарафидан ёки Оллоҳ Таоло тарафидан яратилганми?» деган маънода - баҳсга асос қилиб олинмайди. «Оллоҳ Таоло албатта инсон фалон ишни қилади ва инсоннинг шу қилмоқчи бўлган ишини мукамал билиб туради», деган маънода Оллоҳ Таолонинг илми ҳам баҳсга асос бўла олмайди. Асос «Оллоҳ Таолонинг хоҳиш-иродаси инсоннинг қиладиган ишига бевосита алоқадор, шунинг учун ҳам ушбу хоҳиш-ирода туфайли инсоннинг қиладиган иши вужудга келади», деган маънода Оллоҳнинг хоҳиш-иродаси ҳам, ёки «Инсоннинг қиладиган ишлари Лавҳул-маҳфузда ёзиб қўйилган, шунинг учун инсон нима ёзилган бўлса, шуни қилади», деган фикр ҳам эмас.

Ҳа, юқорида зикр қилинган нарсаларнинг бирортаси қазо ва қадар масаласи ҳақида баҳс юритишга асос бўла олмайди. Чунки бу нарсаларнинг **савоб ва жазо** жиҳатидан **қазо ва қадар** мавзусига алоқаси йўқ. Балки улар **қазо ва қадар** мавзусига вужудга келтириш, ҳамма нарсани ихота қилиб олган илм, ҳамма мумкинотларга тааллуқли ирода ҳамда Лавҳул-маҳфуз ҳамма нарсани қамраб олганлиги жиҳатидан алоқалидир. Бу алоқа эса инсон қилган ишлари учун савоб олиши ёки жазоланиши мавзусидан бошқа, алоҳида мавзудир. Яъни, бу «Инсон яхши ёхуд ёмон ишларни

қилишда мажбурми ёки ихтиёрлими? Инсон бирор ишни қилиш-қилмасликда ихтиёрга эгами ёки унда ихтиёр йўқми?» деган мавзудир.

Инсон тарафидан амалга ошириладиган ишлар чуқур тадқиқ қилиб кўрилса шу нарса маълум бўладики, инсон икки доира ичида яшайди. Бу икки доиранинг бирида инсон ҳукм юритади, бу доира инсоннинг тасарруфи остида бўлади. Бу доира ичида инсон ҳамма ишлари-амалларини ўзининг тўла ихтиёрига кўра амалга оширади. Иккинчи доира инсон устидан ҳукмронлик қилади. Бу шундай майдонки, инсон унинг ичида ўз ихтиёрига эга бўлмаган ҳолда яшайди. Бу доирада - хоҳ инсон тарафидан амалга оширилган ёки бошқа тарафидан шу инсонга нисбатан содир қилинган бўлсин - унинг ихтиёрига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган амаллар содир бўлади.

Инсонга ҳукмронлик қиладиган доирада содир бўладиган ишларга унинг ҳеч қандай дахли йўқ, уларнинг содир бўлишида инсон ҳеч бир жиҳатдан иштирок этмайди. Бундай ишлар икки турга бўлинади: Биринчиси: Вужуд-табиат қонунлари талаб қиладиган ишлар. Иккинчиси: Инсон ихтиёрига бўйсунмайдиган ва улардан инсон ўзини мудофаа қила олмайдиган ҳамда табиат қонунлари тақозо этмайдиган ишлар. Вужуд-табиат қонунлари тақозо этадиган ишлар инсонни табиий қонунларга бўйсунушга мажбур этади. Инсон бу воқеа ва ҳодисалар билан келишишга мажбур. Чунки у коинот ва ҳаёт билан махсус қонун асосида бирга ҳаракатланади, бир қадам ҳам ортда қола олмайди. Шунинг учун бу майдондаги амал-ҳодисалар инсоннинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда рўй беради. Инсон бу майдонда итоат қилишга мажбур, ўз ихтиёрига эга эмас. Масалан, инсон бу дунёга ўз ихтиёрисиз келди ва бу дунёдан ўзининг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда кетади. У ҳеч қандай воситасиз, ўз жисми билан, ҳавога парвоз қила олмайди, ўзининг табиий вазни билан сув сатҳида юра олмайди. Инсон қиёфасининг шаклини ҳам, қади-қоматини ҳам ўзи хоҳлаган сувратда ярата олмайди. Бу ишларнинг ҳаммасини Оллоҳ вужудга келтиради. Оллоҳ Таоло тарафидан яратилган инсоннинг бу ишларга ҳеч

қандай таъсири ва алоқаси йўқ. Чунки бутун борлиқ қонунларини яратиб, табиатни бу қонунларга бўйсундирган Оллоҳ Таолодир. Борлиқ бу қонунлар асосида ҳаракат қилади, ундан четга чиқиш имкониятига эга эмас.

Инсоннинг имконияти бўлмаган, ўзини ҳимоя қила олмайдиган ва борлиқ-табиат қонунлари ҳам тақозо этмайдиган ишлар - инсоннинг ўзи томонидан содир бўладиган ёки унга қарши содир қилинган бўлса ҳам - мажбурий ҳолда рўй бериб, инсон ўзидан мутлақо даф қила олмайдиган ишлардир. Масалан, девор устида турган киши иккинчи бир кишининг устига йиқилиб, уни ҳалок қилгани ёки бир киши қушни мўлжаллаб милтиқдан ўқ узиб, ўзи билмаган ҳолда бошқа бир кишини ўлдириб қўйгани каби. Ёхуд бартараф этиш мумкин бўлмаган, тўсатдан ишдан чиқиш натижасида поезд, тайёра ёки автомашина ҳалокатга учраб, бунинг натижасида йўловчилар ҳалок бўлгани каби ва шунга ўхшаш бошқа мисоллар. Инсон тарафидан содир бўлаётган ёки унга қарши содир қилинаётган бундай ишлар, гарчи борлиқ-табиат қонунлари уларни тақозо этмаса-да, инсон тарафидан ёки унга қарши унинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда рўй беради. Юқоридаги ишларнинг ҳаммаси инсон ихтиёрсиз ва имкониятсиз бўлган доирадаги ишлардир. Инсонга ҳукмронлик қилаётган ушбу доирада рўй берган ишларнинг ҳаммаси **қазо** деб аталади. Чунки ёлғиз Оллоҳ Таолонинг ўзи буларнинг содир бўлишига ҳукм чиқарган, яъни қазо қилган. Шу сабабли, бу каби ишларда инсонга нисбатан қандай фойда ё зарар бўлмасин ёки инсон уларни яхши ёки ёмон кўрсин, Оллоҳ Таоло олдида сўроқ қилинмайди, яъни бу ишлардаги яхшилик ва ёмонликни ягона Оллоҳ Таолонинг ўзи билса-да, бу ишлардаги яхшилик ва ёмонликни инсон ўз тафаккурига яраша тушунса-да, улар учун сўроқ қилинмайди. Чунки у бу ишларга таъсир қила олмайди, улар ҳақида ёки уларнинг қандай вужудга келиши ҳақида ҳеч нарса билмайди, уларни ўзидан даф ҳам қила олмайди, ўзига жалб ҳам қила олмайди. Инсон бу қазога ва у Оллоҳ тарафидан ижро қилинган амал эканига иймон келтирмоғи зарур.

Қадар эса шундай тушунчадан иборатки, хоҳ инсонга ҳукмронлик қиладиган доирада, хоҳ инсон ҳукмронлик қиладиган доирада рўй бераётган ишлар бўлсин, шубҳасиз, улар коинот, инсон ва ҳаёт таркибидаги бирор нарса томонидан ёки шу нарса устида рўй беради. Оллоҳ Таоло ушбу нарсалар учун муайян хосса-хусусиятларни яратди. Масалан, Оллоҳ Таоло оловда ёндириш хоссасини, ўтинда ёниш, пичоқда эса кесиш хоссасини яратди ва бу хоссаларни вужуд-табиат қонунлари асосида ўзгармас ва доимий қилиб қўйди. Агар бу хоссалар табиат қонунларига зид равишда ўзгарса, Оллоҳ Таоло мазкур нарсалардан улар учун белгиланган хоссаларни олиб қўйган бўлади ва бу ҳодиса одатдан ташқари рўй берган воқеа бўлиб қолади. Бу фақат пайғамбарлар учун рўй бериб, уларнинг мўъжизалари деб ҳисобланади. Оллоҳ Таоло нарсаларда хоссаларни яратгани каби, инсонда ғариза ва узвий эҳтиёжларни яратиб, уларда ҳам нарсаларнинг хоссалари каби муайян хоссаларни вужудга келтирди. Масалан, нав ғаризасида жинсий майл хоссасини, узвий эҳтиёжларда эса очлик, ташналик ва ўзга хоссаларни яратиб, уларни вужуд-табиат қонунлари асосида мазкур ғариза ва узвий эҳтиёжларнинг ажралмас хусусиятига айлантирди. Нрсалардаги ва инсонда мавжуд бўлган ғариза ҳамда узвий эҳтиёжлардаги Оллоҳ Таоло яратган муайян хоссалар **қадар** деб номланади. Чунки ягона Оллоҳ Таолонинг Ўзи нарсаларни ва инсондаги ғариза ва узвий эҳтиёжларни яратиб, уларда муайян хоссаларни вужудга келтирди. Бу хоссалар нарсаларнинг ва инсондаги ғариза ва узвий эҳтиёжларнинг ўзидан бевосита вужудга келиб қолган эмас. Инсоннинг эса ўзидаги ғариза ва узвий эҳтиёжларни вужудга келтиришга ҳеч қандай алоқаси ва таъсири йўқ. Инсон нарсалардаги хоссаларни яратган ёлғиз Оллоҳ Субҳонаҳу ва Таоло эканига ишонмоғи зарур. Ушбу хоссаларда шундай қобилият мавжудки, инсон улар воситасида Оллоҳнинг буйруқларига мувофиқ равишда бирор ишни амалга оширса яхшилик, бирор ишни Оллоҳнинг буйруқларига зид равишда амалга оширса ёмонлик бўлиб қолади. Бунда инсон хоҳ нарсаларни ўз хоссалари билан истеъмол қилсин, хоҳ ўзидаги ғариза ва

узвий эҳтиёжларни қондирмоқчи бўлсин - агар Оллоҳнинг буйруқ ва тақиқларига мувофиқ бўлса яхшилик, ва агар Оллоҳнинг буйруқ ва тақиқларига зид бўлса ёмонликни амалга оширган бўлади.

Бундан келиб чиқадики, инсоннинг устидан ҳукм юритиладиган доирада содир бўладиган ишлар хоҳ яхшилик ва хоҳ ёмонлик бўлсин, Оллоҳ Таоло томонидан жорий қилинган. Шунингдек, нарсалардаги ва инсоннинг ғариза ва узвий эҳтиёжларидаги мавжуд хоссалар хоҳ яхшиликка, хоҳ ёмонликка сабаб бўлсин, Оллоҳ Таоло тарафидан вужудга келтирилган. Шунга кўра, ҳар бир мусулмон қазонинг яхшилиги ҳам, ёмонлиги ҳам Оллоҳ Таолодан, деб ишонмоғи лозим, яъни ўзи ҳукмронлик қиладиган доирадан ташқаридаги ишлар Оллоҳ Таолодан, деб эътиқод қилмоғи зарур. Шунингдек, қадарнинг яхшилиги ҳам, ёмонлиги ҳам Оллоҳ Таолодан деб ишонмоғи лозим, яъни нарсаларнинг табиатда мавжуд бўлган хоссалари хоҳ яхшиликка, хоҳ ёмонликка сабаб бўлсин, Оллоҳ Таоло томонидан белгиланган, деб эътиқод қилмоғи лозим. Буларга Оллоҳ Таоло тарафидан яратилган инсоннинг ҳеч қандай таъсири йўқ. Масалан, инсоннинг ажали, ризқи, ҳаттоки ўзи ҳам Оллоҳ Таоло томонидан белгиланади, шунингдек, нав ва бақо ғаризаларида мавжуд бўлган жинсий майл ва хусусий мулкка эга бўлиш майли, узвий эҳтиёжларда мавжуд бўлган очлик ва ташналик - буларнинг ҳаммаси Оллоҳ Таоло тарафидан яратилган.

Бу инсон устидан ҳукмронлик қиладиган доирада рўй берадиган ҳамда ҳамма нарсаларнинг хоссаларида мушоҳада қилинадиган ишларга нисбатан кузатилган тушунчалардир. Инсон ҳукмронлик қиладиган доирада эса, хоҳ Оллоҳнинг шариати бўлсин, хоҳ бошқа қонунлар бўлсин, инсон ўзи танлаган тузум асосида, ўз хоҳиш-иродасига эга бўлган ҳолда яшайди. Бу доирада инсон томонидан ёки унга қарши содир бўладиган ҳамма ишлар фақат унинг хоҳиш-иродаси билангина рўй беради. Масалан, у хоҳлаганидек юради, ейди, ичади, хоҳлаган вақтида сафарга отланади ва, шунингдек, хоҳлаган вақтида бу ишлардан бош тартади. У хоҳлаганидек олов ёрдамида ёқади, пичоқ ёрдамида кесади,

хоҳлаганидек инсон нави талаб этадиган эҳтиёжларини ва мулкка эгалик қилиш эҳтиёжини ҳамда узвий эҳтиёжларини қондиради. Буларнинг ҳаммасини ўз ихтиёри билан бажаради. Ёки бу ишлардан ихтиёрий равишда бош тортиши мумкин. Шунинг учун ҳам инсон бу доирада қилган ишлари учун жавобгардир.

Оллоҳ Таоло муайян андозаларда яратиб, ажралмас қилиб вужудга келтирган нарсаларнинг хоссалари, ғаризаларнинг хоссалари ва узвий эҳтиёжлар инсон феъли ва амалларининг қандай натижа беришида асосий омил бўлса-да, бироқ айнан шу хоссаларнинг ўзи ҳеч қандай амални содир қила олмайди. Балки ушбу хоссаларни ишга солган чоғида улар воситасида бирор ишни инсон бажаради. Масалан, нав ғаризасида мавжуд бўлган жинсий майл яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Узвий эҳтиёжда мавжуд бўлган очлик яхшиликка ҳам, ёмонликка ҳам сабабчи бўлиши мумкин, лекин яхшилик ёки ёмонликни амалга оширадиган тараф инсондир, ғариза ҳам, узвий эҳтиёж ҳам эмас. Буни шундай тушунмоқ керакки, Оллоҳ Таоло инсон учун нарсаларни бир-биридан ажрата оладиган ақлни яратди. Ақлнинг яратилиш табиатида идрок ва ажрата олиш хоссасини яратди, сўнгра инсонга яхшилик ва ёмонлик йўлини кўрсатди:

وَهَدَيْنَاهُ النَّجْدَيْنِ ﴿١٠﴾

– „Биз инсонга иккала йўлни ҳам - яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам кўрсатдик“.

[90:10]

Оллоҳ Таоло ақлнинг табиатида фужур-бузуқликни ва тақво-покликни идрок қилиш хусусиятини яратган:

فَالْهَمَّهُمَا فُجُورَهَا وَتَقْوَاهَا ﴿٨﴾

– „Оллоҳ инсонга фужур-бузуқликни ҳам, тақво-покликни ҳам танитиб қўйган“.

[91:8]

Демак, инсон ғариза ва узвий эҳтиёжларининг талабларини Оллоҳнинг буйруқ ва тақиқларига мувофиқ тарзда қондирса, яхши иш қилган ва тақво-поклик йўлига юрган бўлади. Аксинча, инсон ғариза ва узвий эҳтиёжлари талабини Оллоҳнинг буйруғи ва тақиқларидан бош тортган ҳолда қондирса, ёмон иш қилган ва фужур-бузуқлик йўлига

қадам қўйган бўлади. Бунда яхшилик ва ёмонлик фақат инсон томонидан амалга оширилмоқда ёки инсоннинг ўзига қарши амалга оширилмоқда. Демак, эҳтиёжларини Оллоҳнинг буйруқ ва тақиқларига мувофиқ тарзда қондириб яхшилик қилаётган ҳам, улардан юз ўгириб ёмонлик қилаётган ҳам ўша инсондир. Шунга асосан, инсон ўзи ҳукмронлик қиладиган доирада содир бўлган ишларга нисбатан муҳосаба қилиниб, тақдирланади ёки жазоланади. Чунки инсон бу ишларни ҳеч ким мажбур қилмаган ва ўз ихтиёрига эга бўлган ҳолда амалга оширади. Бундан ташқари, инсондаги ғаризалар ва узвий эҳтиёжларнинг хоссалари, яхшилик учун ҳам, ёмонлик учун ҳам жорий қилиниши мумкин бўлган қобилиятлари Оллоҳ Таоло томонидан белгиланган бўлади. Бироқ, Оллоҳ Таоло бу хоссаларни хоҳ Уни рози қиладиган майдонда, хоҳ Уни ғазаблантирадиган соҳада, яъни яхшилик ёки ёмонликда бўлмасин, амалга оширилиши мажбурий бўлган суратда яратган эмас. Шунингдек, оловдаги куйдириш хоссаси хоҳ Оллоҳни рози қиладиган, хоҳ ғазаблантирадиган, яъни хоҳ яхшилик, хоҳ ёмонлик соҳасидаги ёндириш амалида бўлмасин, бу хосса, яъни ёндириш хоссасини амалга ошириш мажбурий бўлган суратда яратилмади. Нарсалардаги хоссалар шундай кайфиятда яратилдики, агар бирор инсон ўша хоссани амалга ошироқчи бўлса, ўзи хоҳлаганидек амалга ошираверади. Оллоҳ Таоло инсонни, ундаги ғаризалар, узвий эҳтиёжлар ва яхши-ёмонни ажрата оладиган ақлни яратар экан, унга бирор ишни қилиш ёки қилмаслик ихтиёрини ҳам берди. Уни бирор ишни қилиш ёки қилмасликка мажбур қилмади. Нарсалар, ғаризалар ва узвий эҳтиёжларнинг хоссаларида ҳам инсонни бирор ишни қилиш ёки қилмасликка мажбур қиладиган ҳеч қандай хусусиятни яратмади. Шунинг учун ҳам инсон шариат олдидаги масъулиятнинг асосий шартин ҳисобланган, яхши ва ёмонни ажрата оладиган, Оллоҳ Таоло томонидан берилган ақл ёрдамида бир ишни қилиш ёки қилмасликда тўла ихтиёрга эга. Шунинг учун яхшилик амалига кўра инсонга савоб белгиланди. Чунки унинг ақли Оллоҳнинг буйруқлари ва тақиқлари асосида шу ишни амалга оширишни танлади.

Ёмонлик амали учун эса инсонга азоб ва уқубат белгиланди. Чунки унинг ақли Оллоҳнинг буйруқларига қарши ҳаракат қилишни танлади ва ғаризалар, узвий эҳтиёжлар талабига жавоб бериш учун Оллоҳнинг буйруқларига қарши равишда ман қилинган амални бажарди. Инсоннинг бу иш учун жазоланиши тўғри ва адолатлидир. Чунки инсон бу ишни амалга оширишда ўз ихтиёрига эга бўлиб, мажбур қилинган эмас эди. Бу ишнинг қазо ва қадарга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Масала бошқа жойда, яъни инсон ўзи қилаётган ишни ўз ихтиёрига эга бўлган ҳолда амалга оширди. Шунга биноан у қилган ишига жавобгардир:


 كُلُّ نَفْسٍ بِمَا كَسَبَتْ رَهِينَةٌ

– „*Ҳар бир инсон қилган ишига жавобгар*“. [74:38]

Энди Оллоҳ Таолонинг илмига келсак, у инсонни бирор ишни қилишга мажбур қилмайди. Чунки Оллоҳ инсон бирор ишни ўз ихтиёри билан амалга оширишини билади, лекин инсон ўз амалини Оллоҳнинг илми асосида бажармайди. Балки Оллоҳнинг азалий илмида инсон шу ишни амалга ошириши маълумдир. «Лавҳул-маҳфузда ёзиб қўйилган», деган сўз Оллоҳ Таолонинг илми ҳамма нарсани қамраб олганининг ифодасидир.

Оллоҳ Таолонинг иродасига келсак, у ҳам инсонни бирор ишни амалга оширишга мажбур қилмайди. Оллоҳ Таолонинг иродасини шундай тушиниш керакки, Унинг мулки, яъни борлиқда фақат У хоҳлаган нарсагина содир бўлади. Яъни, борлиқдаги бирор нарсанинг содир бўлишида Оллоҳ Таоло иложсиз-мажбур бўлиб қолмайди. Агар инсон бирор ишни қилса ва Оллоҳ Таоло инсонни ўша ишни қилишдан ман қилмай ёки у ишни амалга оширишга мажбур қилмай, унинг ўз ихтиёрига ташлаб қўйган бўлса, инсоннинг бу қилган иши Оллоҳ Таолонинг иродаси билан содир қилинган бўлади, яъни бу ҳолда Оллоҳ Таоло иложсиз-мажбур бўлиб қолмайди. Демак, инсон ўзи амалга оширган иш фақат унинг ихтиёри билан содир бўлади. Оллоҳ Таолонинг иродаси инсонни бу ишни амалга оширишга мажбур қилмайди.

Қазо ва қадар масаласи мана шундан иборат. Қазо ва қадар ҳақидаги тушунча инсонни яхшилик ишларига ундайди, ёмонлик амалларидан қайтаради. Чунки инсон қазо

ва қадар ҳақидаги мукамал тушунчага эга бўлгач, Оллоҳ Таоло уни доимо назорат қилиб, қилмишига муносиб муҳосаба қилишини, унга бирор ишни қилиш ёки қилмаслик ихтиёрини берганини, агар ўзига берилган шу ихтиёрдан оқилона фойдалана олмаса, ўзининг ҳолига вой бўлиб, дунё ҳаётидан кейинги охират ҳаётида даҳшатли азобларга гирифтор бўлишини билиб олади. Шунинг учун қазо ва қадарнинг ҳақиқатини идрок қила оладиган, ўзига Оллоҳ Таоло тарафидан берилган ақл ва ихтиёр неъматининг ҳақиқатини онгли равишда тушунадиган, чин кўнгилдан ишонувчи мўмин доимо Оллоҳ Таолонинг назоратида эканини жиддий мулоҳаза қилади, Оллоҳ Таолодан қаттиқ ҳайбатланади, Унинг азобидан қўрқиб, жаннатига умид қилади ва ундан ҳам буюкроқ неъматни, яъни Оллоҳ Субҳонаҳу ва Таолонинг розилигини қўлга киритишга интилиб, илоҳий буйруқларни амалга ошириш ва қайтарилган амаллардан ўзини эҳтиёт қилишга ҳаракат қилади.

ИСЛОМ МАФЖУРАСИ

Фикр саёзлашиб боргани сари одамлар ўртасида ватан робитаси пайдо бўла бошлайди. Бунинг боиси шундаки, одамлар бир жойда яшаб, у ерга мустаҳкам ўрнашиб қолгач, бақо ғаризаси (яшаш учун курашиш туйғуси) ўзини мудоффа қилишга ва, ўз навбатида, яшаб турган шаҳарни ҳам, оёқлари остидаги ерни ҳам ҳимоя қилишга ундайди. Мана шундан ватандошлик робитаси (алоқаси) пайдо бўлади. Бу энг кучсиз ва тубан робита (алоқа)дир. Ватандошлик робитаси инсонда мавжуд бўлгани каби, ҳайвон ва паррандаларда ҳам мавжуддир. У доимо ҳиссиёт кўринишида бўлади. Бу ватандошлик робитаси ватанга бегоналар ҳужум қилиб ёки уни истило қилиб, босиб олиш йўли билан тажовуз қилган ҳолатда зарур бўлиб қолади. Аммо ватан тажовуздан холи бўлиб турган тинч ҳолатда эса ўз таъсирини йўқотади. Ажнабийлар ватандан даф қилинса ёки сиқиб чиқарилса, ватандошлик робитасининг вазифаси ниҳоясига етади. Шунинг учун ҳам у тубан робитадир.

Фикрлаш доираси торайганда, одамлар ўртасида миллатчилик робитаси пайдо бўлади. Аслида бу оилавий робитанинг бир кўриниши бўлиб, унинг кенгроқ шаклдаги ҳолатидир. Бунинг сабаби шундаки, инсонда яшаш учун курашиш туйғуси илдиз отган, бу туйғу сабабли унда раҳбарлик қилишни ёқтириш мавжуд. Бу тушунча фикран қолюқ инсонда айрим шаклда намоён бўлади. Унинг онги ўсиб боргани сари раҳбарлик қилишга муҳаббати ортиб боради, ўз навбатида оиласи ва қариндош-уруғларининг ҳам бошлиқ бўлишини хоҳлайди, сўнгра майдон кенгайиб, идроки ўсиб боргани сари, аввало ўз ватанида ўз миллатининг ҳукмронлигини хоҳласа, бунга эришиб бўлгач, уларнинг бошқалар устидан ҳукм юритишини хоҳлай бошлайди. Шунинг учун, бу жиҳатдан бир сулоланинг ичидаги шахслар ўртасида раҳбарлик қилиш учун маҳаллий хусуматлар вужудга келади. Бу сулола ичида бир киши бошқалар устидан ғалаба қилиб раҳбарликни ўз қўлига олса, энди ўз навбатида бу оила билан бошқа оилалар ўртасида раҳбарлик учун кураш бошланади. Бу миллат устидан раҳбарлик қилиш битта оиланинг ёки хилма-хил оилалардан

йиғилган бир гуруҳ кишиларнинг қўлига ўтса, энди бу миллат билан бошқа миллатлар ўртасида ҳаёт майдонида раҳбарлик қилиш ва юксак мансабларга эришиш учун хусуматлар келиб чиқаверади. Мана шунинг учун миллатчилик робитасига эътиқод қиладиган шахсларда тарафкашлик, ман-манлик ва фақат бир-бирини қўллаб-қувватлаш яққол кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам у ғайриинсоний робитадир. Миллатчилик робитаси, агар ташқи хусуматлар билан машғул бўлиб турмаса, сўзсиз ички ўзаро жанжалларга сабабчи бўлади.

Шунга кўра, ватандошлик робитаси нотўғри эканлигининг учта сабаби бор: биринчидан, ватандошлик робитаси тубан робита бўлиб, уйғониш йўлига қадам қўйган чоғда инсонларни бир-бирига боғлаб туришда ҳеч қандай фойда бермайди; иккинчидан, бу робита ҳиссиётга тааллуқли бўлиб, ўз жонини ҳимоя қилиш йўлида яшаш учун курашиш туйғусидан келиб чиқади. Ҳиссиётга тааллуқли робитани доимо ўзгартириб, алмаштириб юбориш мумкин, шунинг учун ҳам у инсонларни доимий бир-бирига боғлаб туриш учун ярамайди; учинчидан, ватандошлик робитаси мудофааланиш ҳолатидагина вужудга келадиган муваққат алоқа воситасидир, аммо инсон ҳаётининг аслий ҳолати бўлган тинчлик ва барқарорлик ҳолатларида эса унга зарурат йўқ. Шунинг учун ҳам бундай робита инсон фарзандларини ўзаро боғлайдиган робита бўлишга ярамайди.

Шунингдек, миллатчилик робитаси ҳам уч сабабга кўра нотўғридир: биринчидан, бундай робита қабилачилик робитасидир, у эса инсон фарзандлари уйғониш йўлига қадам қўйган чоғда уларни ўзаро боғлаб туришга ярамайди; иккинчидан, миллатчилик робитаси яшаш учун курашиш туйғусидан келиб чиқадиган ҳиссий робитадир. Бундан раҳбарликка муҳаббат қўйиш касали вужудга келади; учинчидан, миллатчилик ғайриинсоний робитадир. Чунки у раҳбарликни талашиш натижасида вужудга келадиган хусуматларга сабабчи бўлади. Шунинг учун ҳам инсон фарзандларини бир-бирига боғлайдиган алоқа воситаси бўлишга ярамайди.

Шу жумладан одамлар ўртасида уларни бир-бирига боғлаб турадиган робита деб гумон қилинадиган робиталар ҳам бор. Улардан бири манфаат асосига қурилган робита, иккинчиси эса ундан тузум ишлаб чиқиш мумкин бўлмайдиган рухий робитадир. Манфаат асосига қурилган робита вақтинчалик бўлиб, инсон фарзандларини бир-бирига боғлаб турадиган восита бўлишга ярамайди, чунки манфаат шундай нарсаки, ундан фойдалироқ манфаатлар вужудга келиб қолса, дарҳол савдолашиш, яъни бир-бирига солиштириш вужудга келади-да, натижада кейинги топиб олинган манфаат маъқул келиб қолгудай бўлса, аввалгиси ўз қийматини йўқотади. Бундан ташқари, кўзланган манфаатлар бир-бирига зиб бўлиб қолса, робита дарҳол тўхтайтиди. Шунингдек, манфаат асосига қурилган робита одамларни бир-биридан ажратиб юборади, чунки кўзланган манфаат ҳосил бўлгач, алоқа узилади. Шунинг учун ҳам бундай робита унга эътиқод қилувчилар учун хатарлидир.

Ўз тузумига эга бўлмаган рухий робита фақат диндорлик муҳитидагина ўз таъсирига эга бўлади, ҳаёт майдонида эса унинг таъсири намоеён бўлмайди. Шунинг учун ҳам бундай робита амалда кучли таъсирга эга бўлмаган, қисман таъсир этувчи воситадир. У ҳаёт ишларида одамларни боғлаб туришга ярамайди. Бундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, насронийлик эътиқоди Европа халқларини бир-бирига боғлашга ярамади, ҳолбуки бу халқларнинг барчаси насронийлик эътиқодини қабул қилган эди. Бу таъсирсизликнинг боиси шундаки, насронийлик ўз тузумига эга бўлмаган рухий робитадир.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур алоқа воситаларининг барчаси уйғониш йўлига қадам қўйилганда ҳаёт майдонида инсонларни бир-бирига боғлаб туришга ярамайди. Ҳаётда инсон фарзандларини бир-бирига боғлаб туришга яроқли бўлган тўғри робита - ақлий, ўз тузумига эга бўлган ақидавий робитадир. Уни мабдаий, деб ҳам аташ мумкин.

Мабда - ўзидан тузум келиб чиқадиган ақлий ақидадир. Ақида эса коинот, инсон ва ҳаёт ҳақидаги ҳамда дунё ҳаётидан аввалги Вужуд ва дунё ҳаётидан кейинги ҳаёт ҳақидаги ҳамда буларнинг барчаси дунё ҳаётидан аввалги

Вужуд ва дунё ҳаётидан кейинги ҳаётга алоқадорлиги ҳақидаги умумий фикрдир. Ушбу ақидадан ишлаб чиқиладиган тузум эса инсон муаммоларининг муолажалари, бу муолажаларни татбиқ қилиш, ақидани муҳофаза қилиш ва мабдани ёйиш йўли-кайфиятининг баёнидан иборат. Шундай қилиб, тузумни татбиқ қилиш, ақидани ҳимоя қилиш ва даъватни ёйишни тушунтирадиган қисми тариқат ва бундан бошқаси, яъни ақида ва муолажалар эса фикратдир. Бундан келиб чиқадики, мабда фикрат ва тариқатдан иборатдир.

Мабда инсоннинг зеҳнида вужудга келади. Бунга Оллоҳ Таоло тарафидан инсонга ваҳий йўли билан таълим берилиб, уни инсониятга етказиш тўғрисидаги Оллоҳ Таолонинг буйруғи ёки инсоннинг ўзидаги порлоқ истеъдод сабабчи бўлиши мумкин. Оллоҳ Таоло юборган ваҳий туфайли инсон зеҳнида вужудга келган мабда тўғри мабдадир. Чунки бундай мабда коинот, инсон ва ҳаётнинг Яратувчиси бўлмиш Оллоҳ Таоло тарафидан берилган, демак у қатъий ва шубҳадан холи мабдадир. Ўзидаги порлоқ истеъдод сабабли инсон зеҳнида вужудга келадиган мабда эса сўзсиз нотўғри мабдадир. Чунки у борлиқ ҳақидаги барча маълумотларни билишдан ожиз бўлган, чекланган ақлдан вужудга келади. Бундан ташқари, инсоннинг қонун ва тартиботлар ҳақидаги тушунчалари тафовутли, ихтилоfli ва зиддиятли бўлиб, ўзи яшаб турган муҳитдан сўзсиз таъсирланади-да, натижада инсониятни бахтсизликка элтувчи зиддиятли тузумни вужудга келтиради. Шунинг учун ҳам инсоннинг зеҳнида вужудга келадиган мабда ақида жиҳатидан ҳам, шунингдек, ақидадан келиб чиқадиган тузум жиҳатидан ҳам нотўғридир.

Шунга кўра, мабданинг асоси коинот, инсон ва ҳаёт ҳақидаги умумий фикрдан иборатдир. Мабда мавжуд бўлиши учун уни вужудга келтирадиган ва ҳаёт майдонида унинг ижро қилинишини таъминлайдиган тариқат мазкур умумий фикрнинг ажралмас қисми бўлиб қолмоғи лозим. Умумий фикрнинг асос дейилишига сабаб, бу умумий фикр - ақидадир. У фикрий пойдевор ва мафкура бўлиб, инсоннинг фикрий йўналиши ва ҳаётдаги нуқтаи назари унга асосланиб белгиланади. У барча фикрларга пойдевор бўлади ҳамда ҳаёт

муаммоларининг барча муолажалари ундан балқиб чиқади. Тариқат - амалий йўналишнинг ажралмас ва зарурий қисми эканлигини шундай тушуниш мумкин: ақиданинг маҳсули бўлган тузумда, агар муолажаларни ижро қилишнинг шакли-кайфияти, ақидани муҳофаза қилишнинг кайфияти ва мабдага даъват қилиш ишларини олиб боришнинг кайфияти баён қилинмаса, ундай фикрат хаёлий фаразларга асосланган, китобларнинг қорнида қолиб кетадиган, дунё ҳаётида ҳеч қандай таъсирга эга бўлмаган қуруқ фалсафадан иборат бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам мабда мавжуд бўлиши учун ақида зарур, муаммоларнинг муолажалари ҳамда тариқат зарур. Бироқ, ўз тузумига эга бўлган ақидада фикрат ва тариқат мавжуд бўлишининг ўзи мабданинг тўғри эканлигини билдирмайди, балки унинг мабда эканлигини билдиради ва бундан бошқа нарсани англамайди. Мабданинг тўғри ёки нотўғри эканлиги ақидасининг тўғри ёки нотўғри эканлигига қараб белгиланади, чунки худди мана шу ақида ҳар бир фикрни қуриш мумкин бўлган, ҳар қандай нуқтаи назарни белгилайдиган ҳамда барча муолажалар ва тариқат келиб чиқадиган фикрий пойдевордир. Демак, агар бу фикрий пойдевор тўғри бўлса, у ҳолда мабда тўғри, агар фикрий пойдевор нотўғри бўлса, мабда ҳам тубдан нотўғри бўлади.

Фикрий пойдевор инсоннинг яратилиш табиати-фитратига мос келса ва ақлга асосланган бўлса, ундай фикрий пойдевор тўғридир. Агар у инсон фитратига мос келмаса ёки ақлга асосланган бўлмаса, ундай фикрий пойдевор нотўғридир. «Фикрий пойдевор инсон фитратига мос келса», деган гапнинг маъноси шундан иборатки, фитратга мувофиқ бўлган фикрий пойдевор инсоннинг фитратигадаги ожизликни ва унинг ҳаётини интизомга солиб турувчи Яратувчига муҳтож эканлигини эътироф қилади. Бошқача ибора билан айтганда тадайюн, яъни, диндорлик ғаризасига мос келади. Фикрий пойдевор ақлга асосланганлигининг маъноси эса моддага ёки ўртача ечим (муросасозлик)га асосланган бўлмаслигидир.

Агар бугунги кундаги бутун дунёни текшириб кўрсак, фақат учта мабда мавжуд эканлигини кўрамиз: капитализм-

сармоядорлик, социализм (шу жумладан коммунизм) ва учинчи мабда - Ислом. Бу мабдаларнинг биринчиси ва иккинчисини бир ёки бир неча давлатлар ҳаётга татбиқ қилмоқда. Учинчи мабда ўз давлатига эга эмас, бироқ уни барча халқлардаги муайян шахсларгина ўз ҳаётига татбиқ қилмоқда. Аммо шундай бўлишига қарамасдан, у ер куррасининг барча мамлакатларида мавжуддир.

Капитализм динни ҳаётдан ажратиш асосига қурилган. Бу фикр унинг ақидаси, мафкураси ва фикрий пойдеворидир. Ушбу фикрий пойдеворга биноан инсон ҳаётда тузумни ўзи тузиши лозим ва унинг эркинликлари, яъни ақида эркинлиги, фикр эркинлиги, мулк эркинлиги ва шахс эркинлиги муҳофаза қилиниши керак. Мулк эркинлигидан капиталистик иқтисод тузуми келиб чиқади. Ушбу мабданинг ақидасидан келиб чиқадиган ва унинг кўзга яққол ташланадиган табиати мана шу сармоядорликдир. «Бирор нарсага исм қўйишда унинг энг кўзга кўриниб турган табиати билан номлаш» қабилида бу мабда капитализм, яъни сармоядорлик деб аталган.

Бу мабдадаги демократия «Тузумни инсоннинг ўзи тузиши керак», деган нуқтаи назардан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам халқ ҳокимият эгасидир, у қонунларни ўзи тузади, ҳокимиятни бошқариш учун ҳукумат раҳбарини ишга олади ва хоҳлаган вақтда ҳокимиятни ундан тортиб олади. Ҳукумат раҳбарига халқ ўзи хоҳлаган тузумни белгилаб беради, чунки ҳокимият халқ билан ҳукумат раҳбари ўртасидаги ёллаш битимидир. Бу ерда шарт шуки, халқ ҳукумат раҳбарига ўзи хоҳлаган тузумни белгилаб беради ҳамда ҳукумат раҳбари ўша тузум ёрдамида халқни бошқаради.

Демократия бу мабданинг таркибий қисми деб ҳисобланса-да, ундаги иқтисодий тузумдан кўра кейинги ўринда туради. Бунинг далили шундан иборатки, Фарб мамлакатларида иқтисодий тузум ҳукуматга кучли таъсир кўрсатади ва ҳокимиятни капиталистларга бўйсундиради, ҳатто шу даражада кучли таъсирга эгаки, капиталистик мабдага эътиқод қиладиган мамлакатлардаги ҳақиқий ҳокимлар капиталистлардир, дейиш мумкин. Бундан ташқари, демократия фақат шу мабданинг ўзигагина хос

бўлмай, коммунистлар ҳам демократияни даъво қиладилар ва: «Ҳокимият халқники», дейдилар. Шунинг учун ҳам бу мабдани капитализм деб номлаш афзалроқ.

Бу мабданинг пайдо бўлишидаги асосий сабаб шундан иборат эдики, Европа ва Россиядаги император ва подшоҳлар халқларни ўз фойдаларига ишлатиш, уларнинг ҳуқуқларини поймол қилиш ва қонини сўриш учун динни қурол қилиб олган, диний арбобларни эса бу мақсадга эришиш учун восита қилиб олган эдилар. Бундан эса даҳшатли тўқнашувлар вужудга келиб, бу тўқнашувлар асносида бир гуруҳ файласуф ва мутафаккирлар етишиб чиқди. Уларнинг ичида динни мутлақо инкор қиладиган тоифалар ҳам, динни эътироф қилса-да, лекин уни ҳаётдан ажратишга чақирадиган тоифалар ҳам бор эди. Пировард натижада аксарият файласуф ва мутафаккирлар битта фикрга - «Динни ҳаётдан ажратиш керак», деган фикрга келиб тўхтадилар: . Бунинг натижасида, табиийки, «Динни давлатдан ажратиш керак», деган фикр ҳам вужудга келди. Бундан сўнг «Дин ҳақида инкор қилиш керакми ёки эътироф қилиш керакми, деган маънода баҳс юритиш керак эмас», деган фикр қарор топди. Динни ҳаётдан ажратиш керак деган қатъий қарор билан баҳсга чек қўйилди. Бу фикрат дин номидан барчани ўзига бўйсундиришни хоҳлайдиган диний арбоблар билан динни ҳам, диний арбоблар ҳокимиятини ҳам инкор қиладиган файласуф ва мутафаккирлар ўртасидаги ўртача ечим деб эътибор қилинади. Чунки бу фикрат динни инкор қилмади, балки диннинг ҳаётга дахли йўқ деб, уни ҳаётдан ажратиб қўйди. Барча Ғарб мамлакатлари қабул қилган ақида мана шу - «динни ҳаётдан ажратиш» ақидасидир. Бу ақида - барча фикрлар учун асослик вазифасини бажарадиган фикрий пойдевордир, унинг асосида инсоннинг фикрий йўналиши ва ҳаётдаги нуқтаи назари белгиланади ҳамда барча ҳаётий муаммолар муолажа қилинади. Бу ақидани Ғарб мафкура сифатида бутун олам бўйлаб тарқатмоқда ва унга бутун оламни даъват қилмоқда.

«Динни ҳаётдан ажратиш» ақидаси дин номли нарсанинг мавжудлигини зимнан эътироф қилишдир, яъни коинот,

инсон ва ҳаётнинг яратувчиси борлигини ва қайта тирилиш кунни борлигини эътироф қилишдир. Чунки бу икки тушунча моҳият жиҳатидан диннинг асл мазмунини ташкил қилади. Бу эътироф коинот, инсон ва ҳаёт ҳақида, ҳаётдан илгариги Вужуд ва ҳаётдан кейинги ҳаёт ҳақида фикр беришдир. Чунки бу ақида диннинг мавжудлигини инкор қилмайди, балки динни ҳаётдан ажратиш фикрини берар экан, зимнан унинг мавжудлигини эътироф қилади-да, бу билан унинг мавжудлигини исбот қилиб қўйган бўлади. Бунинг ортидан динни ҳаётдан ажратиш керак, деган чоғида «бу ҳаётнинг ўзидан аввалги Вужудга ва ўзидан кейинги ҳаётга алоқаси йўқ» ҳамда «дин фақат шахс билан яратувчи ўртасидаги алоқадир», деган фикрни беради. Шундай қилиб, динни ҳаётдан ажратиш ақидаси кенг маънода коинот, инсон ва ҳаёт ҳақидаги умумий фикрдир. Бундан келиб чиқадики, капитализм мабдаси - юқорида баён қилиб ўтганимизга кўра - бошқа мабдалар каби алоҳида бир мабдадир.

Социализм, шу жумладан коммунизмнинг фикрига кўра коинот, инсон ва ҳаёт фақат моддадан иборат. Модда эса барча нарсаларнинг асли-асосидир. Барча нарсалар унинг босқичма-босқич ривожланишидан вужудга келган. Моддадан бошқа мутлақо ҳеч нарса мавжуд эмас. Модданинг аввали ҳам, охири ҳам йўқдир. Уни ҳеч ким вужудга келтирган эмас, яъни унинг бор бўлиши зарур. Шунинг учун улар нарсаларнинг яратувчи томонидан яратилганлигини инкор қиладилар, яъни нарсалардаги руҳий жиҳатни инкор қиладилар ва унинг борлигини эътироф қилишни ҳаёт учун хатарли, деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун динни халқларни қарахт қиладиган ва ҳаракатдан тўсадиган афюн деб ҳисоблайдилар. Уларнинг наздида моддадан бошқа ҳеч нарса мавжуд эмас, ҳатто фикр ҳам модданинг миядаги аксланишидир. Шунга кўра, модда фикрнинг ҳам ва бошқа ҳар қандай нарсанинг ҳам асли-асосидир, унинг босқичма-босқич ривожланишидан барча нарсалар вужудга келади. Шу туфайли улар Яратувчининг борлигини инкор қиладилар ва моддани азалий деб ҳисоблайдилар. Ҳаётдан аввалги Вужуд ва ҳаётдан кейинги

ҳаётни ҳам инкор қиладилар. Улар фақат бу дунё ҳаётинигина эътироф қиладилар.

Бу икки мабданинг инсон, коинот ва ҳаётга нисбатан асосий нуқтаи назарда қарама-қарши бўлишига қарамасдан, улар инсоннинг энг олий орзулари борасида бир хил фикрдадилар. Бу икки мабда фикратига кўра, инсоннинг олий орзулари унинг ўзи тарафидан белгиланадиган олий маънавий қийматлардир. Бахт эса жисмоний лаззатларнинг мумкин қадар кўпроқ қисмини қўлга киритишдир. Чунки фақат шу нарса уларнинг назарида бахтга элтувчи восита, балки айна бахтнинг ўзидир. Улар инсонга шахсий эркинликнинг берилиши борасида ҳам бир хил фикрдадилар: «Инсон шахсий эркинликни хоҳлаганича тасарруф қилишда ўз бахтини кўра олса, унинг эрк-ихтиёри ўз қўлида». Шунинг учун шахснинг ҳаёт йўли ёки шахсий эркинлиги бу икки мабданинг энг муқаддас тушунчаларидандир.

Бу икки мабда шахс ва жамиятга нисбатан нуқтаи назарда бир-биридан фарқ қилади. Капитализм барча диққат-эътиборини шахсга қаратадиган мабдадир, у жамият шахслардан таркиб топади, деб ҳисоблайди. Жамиятга эса иккинчи даражали нарса деб қараб, бутун эътиборини шахсга чегаралаб қўяди. Шунинг учун ҳам шахснинг барча ҳуқуқлари-эрки кафолатланиши лозим. Шу туфайли, ақида эркинлиги капитализмнинг муқаддас тушунчаларидан бири бўлиб қолган. Иқтисодий эркинлик ҳам муқаддас тушунча бўлиб, капитализм фалсафасига кўра чегараланмайди, фақатгина эркинликлар кафолатланиши учун иқтисодий эркинлик давлат томонидан чегаралаб қўйилади. Давлат ўзининг бу масъулиятини ижро этиш учун армия кучи ва қонуннинг қаттиққўллигидан фойдаланади. Бироқ давлат ғоя эмас, балки восита вазифасини бажаради. Шунинг учун хўжайинлик пировард натижада давлатга эмас, шахсга тегишли бўлиб қолади. Шундай қилиб, капитализм мабдаси динни ҳаётдан ажратишдан иборат мафқурани ёяди, бу мафкура асосига қурилган қонунлар орқали ҳокимиятни бошқаради, барчани бу мафкурага даъват қилади ва ҳамма жойда уни татбиқ қилишга интилади.

Социализм, шу жумладан коммунизм мабдасига кўра эса жамият инсонлар ва уларнинг табиат билан бўлган алоқаларидан ташкил топган бир бутун мажмуадир. Бу алоқалар мажбурий ва чекланган бўлиб, инсонлар мажбурий ва автоматик тарзда бу қонуниятларга бўйсундилар. Бу мажмуанинг ҳаммаси яхлит битта нарсадир: табиат, инсон ва алоқалар. Уларнинг барчаси бир бутун нарса бўлиб, бири иккинчисидан ажраладиган қисмлар эмас. Масалан, табиат инсон шахсиятининг бир бўлаги ҳисобланади. Инсон бу бўлакни ўз жисмида кўтариб юради. Инсон ўз шахсиятининг бир кўриниши бўлмиш ўша табиатга алоқадор ҳолдагина ривожланиши мумкин, чунки инсоннинг табиатга алоқадорлиги нарсанинг ўзига алоқадорлиги кабидир. Шунинг учун жамият бир бутун мажмуа деб ҳисобланади-да, бир маромда биргаликда ривожланиб боради. Шахс эса унга бўйсунган ҳолда шестерня (чарх)нинг тишлари каби мажбурий ҳолда айланаверади. Шунинг учун социалистларда шахс учун ақида эркинлиги ҳам, иқтисод эркинлиги ҳам йўқ. Ақида давлат хоҳишига кўра чегараланади, иқтисод ҳам давлат ихтиёрига кўра белгиланади. Шунинг учун давлат бу мабданинг муқаддас тушунчаларидан биридир. Бу моддий фалсафадан ҳаёт қонунлари келиб чиқади, иқтисодий низом эса бу мабданинг энг муҳим асоси ҳисобланади. Қонунларнинг барча соҳаларида кўзга яққол ташланадиган манзара иқтисодий низомдир.

Шу туфайли социализм, шу жумладан коммунизм мабдаси моддийлик ва моддий ривожланишдан иборат мафқурани ёяди. Бу мафкура асосидаги тузум ёрдамида ҳокимиятни бошқаради, бу мафкурага барчани даъват қилади ва ҳамма жойда уни татбиқ қилишга интилади.

Ислом эса коинот, ҳаёт ва инсондан ташқарида уларнинг барчасининг Яратувчиси бўлмиш Оллоҳ Таоло мавжудлигини баён қилади. Шунинг учун ҳам Исломнинг асоси Оллоҳ Таолонинг борлигига эътиқод қилишдан иборат. Бу ақида руҳий жиҳатни белгилайди, руҳий жиҳат эса инсон, ҳаёт ва коинот Яратувчининг яратган махлуқларидан иборат эканлигидадир. Бундан хулоса қилинадиган бўлса, коинот махлуқ сифатида яратувчи Оллоҳ Таолога боғланиши

коинотнинг руҳий жиҳатидир. Яратувчи Оллоҳ Таоло билан Унинг тарафидан яратилган ҳаётнинг боғланиши ҳаётдаги руҳий жиҳат бўлади. Оллоҳ Таоло тарафидан яратилган инсоннинг ўз Яратувчисига боғлиқлиги инсоннинг руҳий жиҳатидир. Руҳнинг маъноси - инсон ўзининг Оллоҳ Таолога боғлиқлигини идрок қилишдир.

Оллоҳ Таолога ишониш ортидан сўзсиз Муҳаммаднинг пайғамбарлиги ва расуллигига ишониш ҳамда Қуръон Оллоҳ Таолонинг каломи эканлигига ишониш, бу ишончлар натижаси ўлароқ Қуръондаги барча маълумотларга ишониш вужудга келиши зарур. Шунинг учун Ислом ақидаси ҳаёт бошланишидан илгари ишониш зарур бўлган Вужуднинг, яъни Оллоҳ Таолонинг мавжудлигига ишонишни талаб қилади; ҳаёт тугагандан сўнг қиёмат кунни борлигига ишонишни талаб қилади; инсон дунё ҳаётида Оллоҳнинг буйруқлари ва тақиқлари билан чекланиши ва бу чекланиш ҳаётнинг ўзидан аввалги Вужудга бевосита боғланиши эканлигига ишонишни талаб қилади; инсон мазкур буйруқларга итоат қилгани ва тақиқлар сабабли ўзини жиловлаб олгани ҳақида ҳисоб беришга мажбур эканлиги, яъни ҳаётнинг ўзидан кейинги ҳаёт билан алоқадорлигига ишонишни талаб қилади. Шунинг учун ҳар бир мусулмон ҳар қандай ишни қилаётган чоғида ўзининг Оллоҳ Таолога боғланганлигини идрок қилиб, барча амалларини Унинг буйруқлари ва тақиқлари асосида юргизиши шарт. Бу эса модданинг руҳ билан омехта бўлишини англатади. Амалларни Оллоҳ Таолонинг буйруқлари ва тақиқлари асосида юргизилишидан кўзланган ғоя Оллоҳ Таолонинг розилигига эришмоқдир. Амалларни бажаришдан мақсад эса амалга оширилган иш натижасида кўлга киритиладиган қийматдир.

Шунинг учун ҳам жамиятни сақлайдиган олий ғоялар инсон тарафидан тузилмади, балки улар Оллоҳнинг буйруқлари ва тақиқларидан иборат бўлди. Чунки илоҳий буйруқ ва тақиқлар барқарор бўлиб, ўзгармайди ва ривожланмайди. Инсон навини сақлаб қолиш, ақл-идрокни, инсоний шарафни, инсоннинг ўзлигини, хусусий мулкни, динни, хавфсизликни, шу жумладан давлатни муҳофаза

қилиш жамиятни сақлайдиган барқарор олий ғоялардир. Улар ўзгармайди ва ривожланмайди. Мазкур барқарор олий ғояларни муҳофаза қилиш учун қаттиқ жазо ва уқубат чоралари белгиланган. Демак, шариатдаги жазо чоралари ўша барқарор ғояларни қадрсизланишдан сақлаш учун белгиланган. Шунинг учун ғояларни қадрсизланишдан сақлаш вожиб, деб ҳисобланади. Ғояларга берилаётган бу қадар аҳамият улар моддий манфаат келтиргани учун эмас, балки Оллоҳнинг буйруқ ва тақиқлари бўлгани учундир. Шундай қилиб, бир вақтнинг ўзида ҳар бир мусулмон шахс ва давлат барча амалларни Оллоҳ Таолонинг буйруқ ва тақиқларига мувофиқ ҳолда бажаради, чунки ёлғиз Оллоҳ Таолонинг буйруқ ва тақиқларигина инсоннинг барча ишларини тартибга солади. Барча ишларни Оллоҳ Таолонинг буйруқ ва тақиқлари асосида амалга ошириш билан Ислом кишисининг қалбида хотиржамлик вужудга келади. Бундан келиб чиқадики, бахт нафс-жасадни қондириш ва унга турли баҳра ва лаззатларни беришдан эмас, балки Оллоҳ Субҳонаҳу ва Таолони рози қилишдан иборатдир.

Узвий эҳтиёжлар ва ғаризаларни эса Ислом шундай тартиб-интизомга солдики, бу билан меъда, жинс муносабатлари, руҳий ва бошқа талаблардан иборат барча эҳтиёжларнинг бир маромда қондирилиши кафолатланади. Бироқ, бу мураккаб жараённи бирининг ҳисобига иккинчисини қондириш, бирини жиловлаб қўйиб, иккинчисини бўш қўйиб юбориш ёки барчасини мутлақо назоратсиз бўшатиб юбориш йўли билан амалга оширмай, Ислом уларнинг барчасини нозик дид билан бир шодага териб, жуда ҳам моҳирона тартиб-интизомда эҳтиёжларни қондиради. Бу билан Ислом инсонга хотиржамлик ва фаровонликни муҳайё қилиб, уни ғаризаларнинг бебошлиги туфайли ҳайвонлар даржасига тушиб қолишдан сақлаб қолади.

Бу тартиб-интизомни мустаҳкамлаш мақсадида, Ислом инсонлар жамоасига ажралмас қисмларга эга бўлган бир бутун яхлит жисм, деган нуқтаи назарда эътибор беради. Шахсга эса шу жамоанинг ажралмас бир қисми сифатида қарайди. Лекин шахс жамоанинг ажралмас қисми, дегани

шестерня (чарх) тишлари каби танага мажбурий ёпишиб турадиган қисм маъносини англамайди. Балки қўл тананинг бир бўлаги бўлгани каби, шахс ҳам бир бутун вужуднинг муайян бир қисмидир. Шунинг учун Ислом шахсга жамоадан ажралган, мустақил вужуд деб эмас, балки жамоанинг бир бўлаги сифатида аҳамият беради. Ҳар бир шахсга қаратилган бундай эътибор жамоани бир бутун сақлаб қолишга хизмат қилади. Бир вақтнинг ўзида Ислом жамоага ҳам жиддий эътибор беради. Лекин жамоани ҳеч қандай бўлақларга эга бўлмаган яхлит деб эмас, балки шахслардан иборат бўлган қисмлардан таркиб топган вужуд, деб ҳисоблайди. Бу эса бир бутун вужуднинг қисмлари сифатида ҳар бир шахсни сақлаб қолишга сабабчи бўлади. Расулulloҳ ﷺ айтган эдилар: «Оллоҳнинг қонунларига риоя қиладиган инсон билан уларга амал қилмайдиган киши кемада ҳамроҳ бўлган бир гуруҳ одамларга ўхшайдилар, баъзилари кеманинг юқори қисмидан, баъзилари эса қуйи қисмидан жой олдилар. Кеманинг қуйидан жой олганлар сув ичмоқчи бўлсалар, юқоридагиларни босиб ўтар эдилар. Шунда улар юқоридагиларни безовта қилмай, шу ердан тешиб ола қолсакчи, деб қолдилар... Кемадаги ҳамроҳлар уларни ўз ҳолига қўйсалар, барча ҳалок бўлади. Агар уларни қўлидан тутиб тўхтатиб қўя олсалар, ўзлари ҳам, кемадаги ҳамроҳларнинг барчаси ҳам нажот топади».

Жамоа ва шахсга бундай қараш жамият учун ўзига хос тушунча беради. Чунки жамоанинг ажралмас қисмлари бўлган ҳалиги шахсларда уларни бир-бирига боғлаб турадиган, ҳаёти учун асос бўла оладиган фикрлар бўлиши зарур. Уларда ўзлари таъсирланадиган, олдинга интилишларига сабабчи бўладиган бир хил туйғулар мавжуд бўлиши зарур. Шунингдек, уларнинг ҳаётий муаммоларининг барчасини ҳал қила оладиган бир хил тузум, яъни қонунлар бўлиши даркор. Шундан хулоса қилиш мумкинки, жамият инсонлар, фикрлар, туйғулар ва қонунлардан ташкил топади. Инсон эса ҳаётда шу фикрлар, туйғулар ва қонунлар билан чегаралангандир. Шунинг учун мусулмон ҳаётда ҳар бир нарсада Ислом билан чегараланади. Унда мутлақо эркинлик йўқ. Бинобарин,

мусулмоннинг ақидаси Ислом билан чегараланган бўлиб, у ақида эркинлигига эга эмас. Шунинг учун унинг диндан чиқиши - агар тавба қилиб динга қайтмаса - ўлимга ҳукм қилинадиган қаттиқ жиноят ҳисобланади. Шахсий ишлар ҳам Ислом қонунлари билан чегараланган. Шунинг учун ҳам зино ҳамманинг кўз ўнгида, шафқатсиз жазоланадиган жиноят ҳисобланади:

﴿وَلْيَشْهَدْ عَذَابَهُمَا طَائِفَةٌ مِّنَ الْمُؤْمِنِينَ﴾

– „Зино қилганларнинг ҳар иккисининг жазоланаётганини бир гуруҳ мўминлар кўриб турсинлар“. [24:2]

Ароқ ичиш ҳам жазо-уқубатга сабаб бўладиган жиноят ҳисобланади. Ўзгаларга тажовуз қилиш, зўравонлик қилиш ҳам жиноятдир. Бу тажовуз турларига кўра - туҳмат қилиш, қотиллик ва ҳоказолар каби - унга бериладиган жазо-уқубатлар ҳам ҳар хил бўлади. Иқтисод соҳаси ҳам шариат билан чегараланган ва шариат мулк орттириш учун шахсга рухсат берган сабаблар билан ҳамда хусусий мулкнинг ҳуқуқийлиги билан чегараланган. Хусусий мулк - айни мавжуд нарсалардан фойдаланишга Шорей (шариат эгаси - Оллоҳ) тарафидан берилган рухсат деб таърифланади. Бу чегаралардан чиқиш турларига - ўғрилик, босқинчилик ва бошқаларга - қараб, бу жиноатларга бериладиган жазо ва уқубатлар ҳам ҳар хил бўлади. Шунинг учун жамоа ва шахсни муҳофаза қилиб, жамиятга тузумни татбиқ қиладиган давлат бўлиши зарур. Мабдани қабул қилган одамларда айни шу мабданинг таъсири бўлиши даркор. Токи амал қилиш талаб қилинаётган қонунларга риоя қилиш шахсларнинг ўзидан табиий келиб чиқсин. Шу ҳолатда мабданинг ўзи шахсларни қонунлар доирасида ушлаб тура олади ва уларни ҳар хил жиноятлардан сақлай олади. Давлат эса фақат қонунларни ижро этувчи жиҳозга айланади. Шунинг учун ҳам хўжайинлик фақат шариатникидир, на давлатнинг ва на умматнинг ҳуқуқи эмас. Гарчи ҳукм юритиш умматнинг ҳуқуқи, унинг намоён бўлиши эса давлатда кўринса ҳам. Бундан келиб чиқадики, тузумни ижро қилишнинг йўли давлатдир. Лекин асосий таянч Ислом қонунларини амалга ошираётган иймонли шахснинг Оллоҳдан ҳайбатланиши ва унинг тақвосидир.

Шунга биноан, давлат ижро қиладиган шариат қонунларини ишлаб чиқиш зарур ҳамда Оллоҳдан ҳайбатланиш-тақво талабига кўра, Исломни мукамал ижро қилиш учун мўмин шахсни йўналтириб турувчи йўлланма бўлиши зарур. Шундан маълум бўладики, Ислом ақида ва ҳаёт қонунларидан иборатдир. Ислом мабдаси эса фикрат ва айни шу фикратнинг жинсидан келиб чиқадиган тариқатдан иборат. Унинг ҳаётни бошқариб турадиган қонуни ўз ақидасидан келиб чиқади. Исломнинг ҳазорати-дунёқараши ҳаётда муайян турмуш тарзи сифатида гавдаланади. Даъватни ёйиш борасида Исломнинг ўзига хос йўли бор: у давлат тарафидан татбиқ қилинади ва бутун оламга мафкура сифатида олиб чиқилади. Бу эса Ислом тузумини тушуниш ва унга амал қилиш жараёнида асос вазифасини бажаради. Ислом низоми ҳукумат даражасида татбиқ қилинаётган жамоада Исломнинг барча қонунларига амал қилиниши Ислом даъватини ёйиш ҳисобланади. Ислом тузумини мусулмон бўлмаган халқларга татбиқ қилиниши даъватнинг амалий тариқати деб эътибор қилинади. Кенг қулоч ёйган Ислом оламининг вужудга келишида мазкур татбиқнинг жуда катта таъсири бўлган.

Хулоса шуки, бутун дунёда мавжуд мабдалар учтадир: капитализм, социализм (шу жумладан коммунизм) ва учинчи мабда - Ислом. Бу мабдаларнинг ҳар бири ўз ақидасига ва ақидасидан келиб чиқадиган тузумига эга. Уларнинг ҳар бири инсоннинг ҳаётдаги амалларини қиёслайдиган муайян ўлчовга, жамиятга нисбатан ўзига хос нуқтаи назарга ва тузумни ижро қилишнинг тариқатига эга.

Ақида жиҳатидан текшириладиган бўлса, коммунизм мабдаси фикрига кўра модда барча нарсаларнинг аслидир. Барча нарсалар моддадан моддий ривожланиш йўли билан вужудга келган. Капитализм мабдаси фикрига кўра эса, динни ҳаётдан ажратиш лозим. Бунинг натижаси улароқ дин давлатдан ҳам ажратилади. Капиталистлар яратувчи борми ёки йўқми, деган мавзу ҳақида баҳс юритишни хоҳламайдилар. Уларнинг баҳс мавзуи асосан - борлиги эътироф қилинадими, инкор қилинадими - Яратувчининг ҳаётга ҳеч қандай дахли йўқлиги ҳақида боради. Шунинг

учун ҳам уларнинг наздида - ақидалари динни ҳаётдан ажратишига кўра - Яратувчининг борлигини эътироф қилган ҳам, инкор этган ҳам баробардир.

Ислом эса ақидада ўзига хос фикрга эга: Борлиқнинг яратувчиси Оллоҳдир. У набийлар ва расулларни инсон фарзандларига Ўз динини ўргатиш учун юборган. У қиёмат кунда инсондан қилган ишлари ҳақида ҳисоб талаб қилади. Шунинг учун ҳам Ислом ақидаси Оллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, расулларига, охират кунига, қазо ва қадарнинг яхшиликлари ҳам, ёмонликлари ҳам Оллоҳдан эканлигига ишониш - иймон келтиришдан иборатдир.

Ақидадан тузум келиб чиқиши жиҳатидан қаралса, социализм мабдаси тузум ишлаб чиқариш воситаларидан олинади, деб таъкидлайди. Чунки масалан, феодализм жамиятида ишлаб чиқариш воситаси болтадан иборат бўлиб, ундан феодализм тузуми олинади. Агар жамият ривожланиб, капитализм даражасига етса, техник қурол (станок) ишлаб чиқариш воситасига айланади. Ундан капитализм тузуми олинади. Демак, социализм фикрларига биноан тузум моддий ривожланишдан олинади. Капитализм мабдасида эса, инсон динни ҳаётдан ажратиб юборгач, ҳаётнинг ўзидан ўзи учун тузум ишлаб чиқиш зарур бўлиб қолади. Натижада инсон ўзининг воқелигидан тузумни олиб, уни ўзи ишлаб чиқа бошлайди. Исломда эса, Оллоҳ инсонга ҳаёт тузумини белгилаб, саййидимиз Муҳаммад ﷺни шу тузум билан юборган ва инсонга ўша тузумни етказган. Демак, инсон шу тузум асосида яшаши вожибдир. Шунинг учун ҳам мусулмон киши муаммони чуқур ўрганиб чиқиб, унинг ечимини Китоб ва Суннатдан ишлаб чиқади.

Ҳаётдаги иш-амалларнинг ўлчовлари жиҳатидан текшириладиган бўлса, социализм мабдасида ҳаётдаги ўлчов моддийлик, яъни моддий низомдир. Моддий низомнинг ривожланиб бориши билан ўлчов ҳам ривожланиб боради. Капитализм мабдасида эса ҳаётдаги амалларнинг ўлчови манфаатдорликдир. Ишлар айнан шу манфаатдорликка қараб ўлчанади ва шу асосда амалга оширилади. Исломда эса ҳаётдаги амалларнинг ўлчови ҳалол ва ҳаром, яъни

Оллоҳнинг буйруқ ва тақиқларидир. Демак, ҳалол қилинади, ҳаром эса қилинмайди. Бу ўлчов ривожланмайди ва ўзгармайди. Бу ўлчовда манфаатдорлик ҳакам бўла олмайди, унда фақат шариат ҳакамдир.

Жамиятга таъриф бериш жиҳатидан қаралса, социализм мабдасида жамиятга умумий тўплам, деб қаралади. Ер, ишлаб чиқариш воситалари, табиат ва инсон - буларнинг барчаси битта нарса, яъни моддадан иборатлиги эътибори билан - ўша тўплам жумласидандир. Табиат ва ундаги барча нарсалар ривожланиб борар экан, улар билан биргаликда инсон ҳам ривожланиб боради, ва демакки, жамият ҳам бутунича ривожланиб боради. Шунинг учун ҳам жамият моддий ривожланишга тобедир. Инсон эса бу ривожланишни тезлатиш учун зиддият ва қарама-қаршиликларни вужудга келтириши зарур. Жамият ривожланиб боргани сари, у билан бирга шахс ҳам худди шестерня (чарх)даги тишлар беихтиёр айланиб боргани каби ривожланиб бораверади.

Капитализм мабдасига кўра эса жамият шахслардан таркиб топади. Агар шахснинг ишлари тартибга солинса, жамиятнинг ишлари ҳам тартибга тушади. Шунинг учун ҳам эътиборни фақат шахсга қаратиш лозим. Давлат эса шахсга хизмат қилади. Шунинг учун бу мабда шахс манфаатларини жамият манфаатларидан устун кўрувчи мабдадир. Ислолда эса жамиятнинг асос-пойдевори ақида, унда мужассам бўлган фикрлар ва туйғулар ҳамда ақидадан келиб чиқадиган тузум (қонун)дан иборатдир. Қачонки инсонларда Ислом фикрлари, Ислом туйғулари ҳукмрон бўлса ва уларга Ислом тузуми татбиқ қилинса, Ислом жамияти вужудга келади. Бундан келиб чиқадики, жамият - инсонлар, фикрлар, туйғулар ва қонунлардан иборатдир. Инсон бошқа бир инсон билан бирлашса, фақат жамоани ташкил этади. Инсон ўзидаги фикрлар, туйғулар ва унинг ҳаётига татбиқ қилинаётган қонунлар билангина жамиятни вужудга келтиради. Чунки бир инсон билан бошқа бир инсон ўртасида алоқани вужудга келтирадиган нарса маслаҳат (яъни, манфаат)дир. Мана шу манфаатлар ҳақидаги фикрлар бир хил бўлса, уларга нисбатан туйғулар бирлашиб, рози бўлиш ва норозиликлар ҳам бир хил тус олса ҳамда

муаммоларни ечиб берадиган тузум ҳам бир хил бўлса, ана шундагина инсон билан инсон ўртасида алоқа вужудга келади. Агар манфаатлар ҳақидаги фикрлар ҳар хил бўлса, ёки уларга нисбатан туйғулар ҳар хил бўлса, розилик ва норозилик бир хил тус олмаса, ёки инсон билан инсон ўртасидаги ўзаро муаммоларни ечиб берадиган тузумлар ҳар хил бўлса, у ҳолда алоқа вужудга келмайди, демакки, жамият ҳам вужудга келмайди. Шунинг учун ҳам жамият - инсонлар, фикрлар, туйғулар ва қонунлардан иборат бўлади. Чунки айнан улар алоқани вужудга келтиради ва жамоани муайян жамиятга айлантиради.

Шунга кўра, барча инсонлар мусулмон бўлиб, улардаги фикрлар капитализм, демократия фикрларидан иборат бўлса; улардаги туйғулар руҳоний-коҳинлик (художўйлик) ёки ватанпарварлик туйғуларидан иборат бўлса; уларга татбиқ қилинаётган тузум капитализм ва демократия тузумидан иборат бўлса - бундай жамиятнинг аксарият аҳолиси мусулмонлардан иборат бўлса ҳам - у ғайриисломий жамият бўлади.

Тузумни татбиқ қилиш жиҳатидан қаралса, социализм мабдасида тузумни давлат армия кучи ва қонуннинг қаттиққўллигига таянган ҳолда ёлғиз ўзи татбиқ қилади. Шахс ва жамоанинг ишларини давлат бошқаради, тузумни ҳам давлатнинг ўзи ривожлантиради. Капитализм мабдасида эса, давлат эркинликларни назорат қилиб туради. Агар бир шахс бошқанинг эркинлигига тажовуз қилса, давлат бу тажовузни дарҳол даф қилади. Чунки давлат эркинликларни таъминлаш учун вужудга келган. Агар шахс бошқанинг ҳуқуқига тажовуз қилмаса - гарчи қул қилиб олса ҳам, барча ҳуқуқларини тортиб олса ҳам, лекин бунинг розилиги билан амалга оширса - бундай ҳолатда эркинликларга ҳеч қандай тажовуз қилинмаган, деб ҳисобланади ва давлат бу ишга аралашмайди. Шунинг учун ҳам давлат фақат эркинликларни таъминлаш учун тузилгандир.

Исломда эса тузумни иймонли шахс Оллоҳ Таолодан ҳайбатланган ҳолда, яъни ўзидаги тақво талабига биноан татбиқ қилади. Давлат эса, тузумнинг адолатлилиги ҳақидаги жамоадаги ишонч ёрдамида, амри маъруф ва наҳий

мункар ишларида умматнинг ҳоким билан ҳамжиҳатлиги ёрдамида ва ўзидаги куч ва салтанатга таянган ҳолда тузумни ижро қилади. Давлат фақат жамоанинг ишларини бошқаради. Агар шахс ўз ишларини бошқаришдан ожиз бўлиб қолмаса, давлат унинг ишларига аралашмайди. Тузум эса ҳеч қачон ривожланмайди. Агар шарият аҳкомларидаги ижтиҳод натижалари ҳар хил ва ихтилофли бўлиб қолса, давлат муайян ҳукми танлаб олиб, уни тайин қилиш ҳуқуқига эга.

Ислом мабдасининг мафкураси инсоннинг яратилиш табиати (фитрати)га мувофиқдир. У нақадар теран бўлишига қарамасдан, енгил ва осон ҳамдир. Кўз очиб юмгунча инсон унга ақл-идроки ва қалбини оча бошлайди. Лаҳза ўтмай унинг теран ва серқирра маъноларини англаб олиш учун муҳаббат ва эҳтиром билан унга талпина бошлайди. Чунки тадайюн (диндорлик) инсонда табиийдир. Ҳар қандай инсон ўз фитратига кўра сиғинувчидир. Ҳеч қандай куч инсондан бу фитратни суғуриб ололмайди. Чунки бу фитрат инсон вужудида чуқур илдиз отган. Инсон ўз табиатига кўра ўзининг нуқсонларини, борлиқда ўздан мукамалроқ куч борлигини ва бу куч сиғиниш ҳамда муқаддас деб билишга энг муносиб эканлигини ҳис қилади. Тадайюн ишларни тартибга солувчи Яратувчига муҳтожлик бўлиб, бу муҳтожлик инсон вужудидаги табиий ожизликдан пайдо бўлади. Тадайюн барқарор ғариза бўлиб, унинг муайян кўриниши бордир, у ҳам бўлса бирор нарсани муқаддаслаштиришдан иборат. Шунинг учун ҳам инсоният барча асрлар давомида диндор бўлиб, бирор нарсага сиғиниб келди. Масалан, у инсонга, фалакка, тошларга, ҳайвонларга, олов ва бошқа нарсаларга сиғинди. Ислом ўз ақидасини олиб келгач, инсониятни махлуқотларга ибодат қилишдан озод қилди, барча жонли ва жонсиз мавжудотларни яратган ёлғиз Оллоҳ Таолога ибодат қилишга чақирди. Оллоҳнинг борлигини инкор қиладиган, руҳни инкор қиладиган моддий мабда вужудга келишига қарамасдан, бу табиий тадайюн (диндорлик)ни йўқ қила олмади. Фақат инсоннинг ўздан буюкроқ, қудратлироқ куч ҳақидаги тасаввурини, бу кучни муқаддаслаштиришини ўзгартириб, бу куч моддий мабда ва

унинг дохийларида деб тасаввур қилишга, бу мабда ва унинг дохийларини муқаддаслаштиришга-улуғлашга ўргатди. Гўё бу мабда яна орқага қайтиб, инсонларнинг муқаддас деб билишини Оллоҳга ибодат қилишдан бандаларга ибодат қилишга, Оллоҳнинг оятларини муқаддас деб билишдан махлуқотларнинг сўзларини муқаддас деб билишга айлантирди. Айни шу хусусда бу мабда реакцион (жаҳолатпараст)дир. У тадайюн ғаризасини йўқ қила олмади, балки чалғитиш орқали реакцион тусда унинг ўрнини алмаштириб қўйди. Шунинг учун ҳам бу мабданинг мафкураси инсон табиатига тескари ва салбий мафкурадир. Шу туфайли коммунизм мафкураси фитрий жиҳатдан муваффақиятсизликка учради. Ошқозонни тузоқ қилиб, ўз мафкурасини ўтказиш учун ҳийлалар ўйлаб топди. Бу мафкура оч-юпунларни, қўрқоқ-ҳамиятсизларни ва ноумид-йўқсилларни ўзига жалб қилар эди. Бу мафкурани асосан тубанлашиб кетган, ҳаётда муваффақият қозона олмаган, омадсиз, бировларнинг бахтини кўра олмайдиган ҳамда ақлан носоғлом кишилар қабул қилар эди. Яна бу кишилар сезги ва ақлнинг гувоҳлигида бузуқлиги ва нотўғрилиги яққол кўриниб турган диалектика (ривожланиш) назариясини кўкларга кўтариб оғиз кўпиртирсалар, уларни кучли тафаккур эгалари дедилар. Бу мафкура одамларни ўз мабдасига бўйсундириш учун куч ва зўравонликни қурол қилди. Бундан тазйиқ, тақиқ ва таъқиблар келиб чиқди. Унинг энг муҳим воситалари қўзғолонлар, бетартибликлар, вайронагарчиликлар ва беқарорликлардан иборат эди.

Шунингдек, капитализмнинг мафкураси ҳам инсон фитратига, яъни диндорлик-тадайюн ғаризасига мос келмайди. Чунки тадайюн ғаризаси инсоннинг сифиниши (ибодат қилиши)да намоён бўлгани каби, ҳаётдаги ишларини тартиб-интизомга солаётганида ҳам кўзга яққол ташланади. У бундай тартиб ва тадбир ҳақида бош қотирар экан, бу соҳада турли ихтилоф ва зиддиятларга рўбарў бўлади. Бу ҳам ожизлик белгисидир. Шунинг учун инсоннинг ҳаётдаги ишларини дин тартибга солиши лозим. Демак, диннинг ҳаётдан четлатилиши инсон фитратига зиддир. Аммо диннинг ҳаётда мавжуд бўлиши бу дунё ҳаётидаги ишларни

ибодатга айлантириш керак, деган гап эмас. Аксинча, диннинг ҳаёт майдонида мавжуд бўлиши - Оллоҳ буюрган ва белгилаб берган тузумни инсоннинг ҳаётдаги муаммоларини ҳал қилиб берадиган қилиб қўйиш, демакдир. Бу тузум инсон фитратида мавжуд бўлган барча талаб ва эҳтиёжларни эътироф этадиган ақидадан келиб чиқади. Бундай тузумни четлатиб, унинг ўрнига тадайюн ғаризасига мос келмайдиган ақидадан келиб чиқадиган тузумни олиш инсон фитратига зиддир. Шунинг учун капитализмнинг мафкураси фитрий жиҳатдан муваффақиятсизликка учради. Чунки у динни ҳаётдан ажратгани, диндорлик (тадайюн)ни ҳаётдан узоқлаштириб, уни шахсий масала қилиб қўйгани ва Оллоҳ Таоло буюрган тузумни инсон муаммоларини муолажа қилишдан узоқлаштиргани туфайли салбий мафкурадир.

Ислом мафкураси эса ижобий мафкурадир. Чунки у Оллоҳнинг борлигига ишонишда **ақлни** асос қилиб олади. Бу мафкура коинот, инсон ва ҳаётда мавжуд бўлган бу махлуқотларнинг барчасини яратган Оллоҳнинг борлигига қатъий далолат қиладиган жиҳатларига инсоннинг нигоҳини қаратар экан, инсон ўз фитратига кўра доимо излайдиган, инсон, коинот ва ҳаётда мавжуд бўлмаган мутлақ камолотни, мукамалликни инсонга белгилаб берар экан, унинг ақлини ўша мутлақ камолот сари йўллаб, уни идрок қилиб олиши, иймон келтириши, ишониши учун имкон яратиб берар экан, буларнинг барчасида Ислом мафкураси ақлни асос қилиб белгилаган.

Коммунизм мафкураси эса ақлнинг маҳсули бўлишига қарамасдан, ақлнинг эмас, моддийликнинг асосига қурилган. Чунки фикрдан илгари модда мавжуд бўлган ва барча нарсаларнинг асли моддадан иборатдир, деб эътиқод қилгани учун ҳам бу мафкура моддийдир. Капитализм мафкураси эса черков руҳонийлари билан мутафаккир-олимлар ўртасида бир неча аср давом этган қонли низолар сўнгида ўйлаб топилган ўртача ечим, яъни мурасасозлик ечими асосига қурилган. Бундан динни давлатдан ажратиш керак, деган натижа келиб чиқади. Шунинг учун ҳам бу иккала мафкура (социализм ва капитализм) муваффақиятсиз, яъни мақсадга

мувофиқ эмас. Чунки уларнинг иккаласи ҳам фитратга зид ва ақл асосига қурилган эмас.

Хулоса шуки, ёлғиз Ислом мафкурасигина энг тўғри мафкурадир. Бошқа мафкуралар эса мутлақо нотўғридир. Чунки Ислом мафкураси ақл асосига қурилган. Айни вақтда бошқа мафкуралар ақл асосига қурилган эмас. Ислом мафкураси инсоннинг фитрати-яратилиш табиатига мувофиқ мафкура бўлиб, унинг барча эҳтиёжларига жавоб бера олади. Айни пайтда бошқа мафкуралар инсон фитратига зид ва муҳолифдир.

Буни шундай тушуниш лозимки, коммунизм мафкураси ақл эмас, моддийлик асосига қурилган. Чунки у фикрдан, яъни ақлдан аввал модда мавжуд бўлган, деб эътиқод қилади. Шунинг учун, уларнинг эътиқодига кўра, модда мияда акланган пайтда фикр вужудга келади ва мия ўзида акланган модда ҳақида фикрлай бошлайди. Модда мияда акланмай туриб фикр вужудга келмайди. Шунинг учун ҳар қандай нарса модда асосига қурилган. Коммунизм ақидасининг, унинг мафкурасининг асли фикр эмас, моддадир.

Бундай тасаввур икки жиҳатдан хатодир. Биринчидан, модда билан мия ўртасида ҳеч қандай аксланиш мавжуд эмас. Мия моддада аксланмайди, модда ҳам мияда аксланмайди. Чунки аксланиш нарсаларнинг аксини кўрсатадиган нарсадаги аксланиш қобилияти мавжуд бўлишига боғлиқдир. Масалан, ойна каби. Ойна ўзида бошқа нарсаларнинг аксини кўрсатиш учун аксланиш қобилиятига муҳтож. Бу қобилият на мияда ва на моддий воқеда мавжуд. Шунинг учун ҳам модда билан мия ўртасида аксланиш ҳеч қачон рўй бермайди. Модда мияда аксланмайди ва мияга кўчиб ўтмайди, балки сезиш-ҳис қилиш воситасида мияга узатилади. Сезишнинг мияга узатилиши модданинг мияда ёки миянинг моддада аксланиши эмас. Бу фақат моддани сезгилар ёрдамида сезишдир, холос. Унда кўз билан бошқа сезги аъзоларининг ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Худди кўриш орқали сезиш мумкин бўлгани каби, ушлаб кўриш (танадаги сезиш қобилияти), ҳидлаб кўриш, татиб кўриш ва эшитишдан ҳам сезиш ҳосил бўлади. Демак, нарсаларда

содир бўлаётган ҳолат мияда аксланиш эмас, балки нарсаларни сезишдир. Инсон бешта сезги аъзоси ёрдамида нарсаларни сеза олади, лекин нарсалар унинг миясида аксланмайди.

Иккинчидан, ёлғиз сезишнинг ўзидан фикр ҳосил бўлмайди, балки фақат воқени сезиш ҳосил бўлади. Миллион марта сезилса ҳам, ҳар хил ҳолатларда сезилса ҳам - бундан фақат сезиш ҳосил бўлади, асло фикр ҳосил бўлмайди. Фикр ҳосил бўлиши учун инсон сезган воқени тушуниб олишига ёрдам берадиган собиқ маълумотлар бўлиши шарт. Бугунги кундаги ҳар қандай инсонни олиб, унинг қўлига сурёний тилида ёзилган китобни берайлик, шу шарт биланки, унда сурёний тил ҳақида ҳеч қандай маълумот бўлмасин! Унга имконият берайликки, ёзувни кўриш, бармоқлари билан ушлаб кўриш орқали сезиб ҳис қилиб кўрсин. Бу сезгини миллион марта такрорласак ҳам - унга сурёний тил ва бу тилга алоқадор бўлган бошқа зарурий нарсалар ҳақидаги маълумотларни бермай туриб - у бирорта сўзни тушуна олмайди. Қачон бу маълумотлар берилса, ана шундагина у китоб ҳақида фикрлайди ва уни идрок қила бошлайди. Худди шунга ўхшаш, барча сезгилари соғлом, лекин ҳеч қандай маълумотга эга эмас бир ёш болани олиб, бир бўлак олтин, бир парча мис ва тош парчасини унинг олдига қўяйлик. Бу сезишларни ҳар қанча такрорламайлик, ҳар қандай тусда такрорламайлик, бари бир у ҳеч нарсани идрок қила олмайди. Лекин, унга аввал шу нарсалар ҳақидаги маълумотлар берилса, у нарсаларни сезиб, берилган маълумотларни ишга солади-да, дарҳол бу нарсаларни идрок қила бошлайди. Бу бола улғайиб, ёши йигирмага етса-ю, у ҳеч қандай маълумот олмаса - тажрибанинг биринчи кунидегидек - мазкур нарсаларни фақат сезгилари орқали сезаверади, лекин мия ҳар қанча ўсмасин, у нарсаларни идрок қила олмайди. Чунки унда идрокни мия эмас, балки мия ва сезгилар ёрдамида текшириб олган воқе билан бирга собиқ маълумотлар вужудга келтиради. Бу ақл билан идрок қилиш, яъни ақлий идрок жиҳатидан қаралгандаги ҳолат. Туйғулар ёрдамида вужудга келадиган идрок жиҳатидан олинса, бундай идрок

гаризалар ҳамда бадан аъзоларининг эҳтиёжларидан ҳосил бўлади. Бундай туйғулар орқали вужудга келадиган идрок инсонда ҳосил бўлганидек, ҳайвонда ҳам ҳосил бўлади. Инсонга олма билан бир парча тош бир неча марта берилса, у олмани ейиш мумкинлигини, тошни эса еб бўлмаслигини билиб олади. Худди шунингдек, эшак ҳам арпани ейиш мумкинлигини, тупроқни эса еб бўлмаслигини билади. Лекин бу ажрата билиш фикр ҳам, идрок ҳам эмас. Балки у гариза ва узвий эҳтиёжларга боғлиқ ҳолатдир. Бундай ажрата билиш инсонда бўлгани каби ҳайвонда ҳам мавжуддир. Шунинг учун ҳам, агар воқеликни сезиб, бу сезги сезги аъзолари воситасида мияга узатилгач, улар билан бирга собиқ маълумотлар ҳам мавжуд бўлмас экан, ҳеч қачон фикр ҳосил бўлиши мумкин эмас.

Шунга кўра ақл, фикр ёки идрок бу - воқе сезилгач, бу **сезгининг** сезги аъзолари воситасида **мияга** узатилиши ва воқени тушуниб олишга ёрдам берадиган **собиқ маълумотларнинг** мавжуд бўлишидан иборат.

Демак, коммунистик мафкура хато ва бузуқ мафкурадир. Чунки у ақл асосига қурилган эмас. Қолаверса, унда фикр ва ақлнинг маъноси ҳам нотўғри талқин қилинган.

Капитализм мафкураси эса черков руҳонийлари билан мутафаккир-олимлар ўртасидаги ўртача ечим (яъни, муросасозлик) асосига қурилган. Бу мафкура черков руҳонийлари билан мутафаккир-олимлар ўртасида бир неча асрлар давом этган даҳшатли кураш сўнгида ўртача ечим, яъни динни ҳётдан ажратиш керак, деган қарорга келиб тўхтаган. Бунинг маъноси диннинг борлигини зимдан эътироф қилиб, уни ҳаётдан четлатиш демакдир. Шунинг учун бу мафкура ақл асосига қурилмаган, балки у рози қилиш ечими, ёки ўртача ечимдир. Шунинг учун ҳам улардаги асл қоида **ўртача ечимдан** иборатлигини кўрамиз. Улар ҳақиқат билан ёлғонни, иймон билан куфрни, нур билан зулматни ўртача ечим ёрдамида яқинлаштирмоқчи бўладилар. Аслида эса, ўртача ечимнинг ўзи бўлиши мумкин эмас. Чунки қўйиладиган масала ҳақиқат ёки ёлғон, иймон ёки куфр, нур ёки зулмат масаласидир. Лекин, уларнинг ақидаси ва мафкурасининг пойдевори бўлган «ўртача ечим»

уларни ҳақиқатдан, иймондан ва нурдан узоқлаштириб юборади. Ана шунинг учун ҳам уларнинг мафкураси бузуқ ва нотўғридир. Чунки у ақл асосига қурилган эмас.

Аммо Ислом мафкураси эса ақл асосига қурилган. Чунки бу мафкура ҳар бир мусулмонга ақл юритиш орқали Оллоҳ Таолонинг борлигига, Муҳаммаднинг пайғамбарлигига ва Қуръони Каримга ишонишни талаб қилади. Гайбий вужудларга ишонишни фарз қилар экан, уларга - Қуръони Карим ва мутавотир ҳадис каби ақл билан исботланган нарсадан олиш шарти билан - ишонишни талаб қилади. Шунинг учун ҳам Ислом мафкураси ақл асосига қурилган мафкурадир.

Бу ақл жиҳатидан текшириб кўрилгандаги ҳолат. Фитрат жиҳатидан текшириб кўрилса, Ислом мафкураси фитратга мувофиқ ва ҳар жиҳатдан фитратга мос келади. Чунки у диннинг ҳақлигига, унинг ҳаётда мавжуд бўлиши ва ҳаётни Оллоҳнинг буйруқ ва тақиқлари асосида бошқариш зарур эканлигига ишонади. Тадайюн инсоннинг яратилиш табиатида мавжуд, демак фитрийдир. Чунки тадайюн ғаризаларнинг биридир. Унинг ўзига хос талаб ва эҳтиёжи бор. У ҳам бўлса бирор нарсани муқаддас билиб, унга сифинишдан иборат. Бу талаб ва эҳтиёж бошқа ҳар қандай ғаризаларнинг талаб ва эҳтиёжларидан мутлақо фарқ қилади. Бу эҳтиёж муайян ғаризанинг табиий талабидир. Шунинг учун ҳам диннинг ҳақлигига, инсоннинг ҳаётдаги ишлари Оллоҳнинг буйруқ ва тақиқлари асосида бошқарилиши зарурлигига ишониш ғаризийдир. Бу эса инсон фитратига мувофиқ. Шунинг учун ҳам бу мафкура инсон талабига жавоб бера олади.

Аксинча, коммунизм ва капитализм мафкуралари фитратга зиддир. Чунки коммунизм мафкураси динни мутлақо инкор қилади. Динни эътироф қилишга қарши курашади. Шунинг учун ҳам у фитратга қарама-қаршидир. Капитализм мафкураси эса динни эътироф ҳам, инкор ҳам қилмайди. У динни эътироф қилиш ёки инкор қилишни баҳс мавзуси деб билмайди. Лекин, дин ҳаётдан ажратилиши зарур, деб эътиқод қилади. У ҳаётни бошқаришга диннинг ҳеч қандай дахли бўлмасдан, ҳаёт соф манфаатдорлик

асосида бошқарилишини хоҳлайди. Бу эса фитратга зид ва унинг талаб-эҳтиёжларидан узоқдир. Шу туфайли у ҳам инсон фитратига зиддир.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, ёлғиз Ислom мафкурасигина - инсон фитрати ва ақлга мувофиқ бўлгани учун - энг тўғри мафкура бўлиб, ундан бошқаси нотўғридир. Шу сабабли ёлғиз Ислom мафкураси тўғри ва муваффақиятли бўлиб қолади.

Яна битта масала бор. Мусулмонлар Ислomни татбиқ қилганми? Ёки улар Ислom ақидасини қабул қилган-у, лекин бошқа тузум ва қонунларни татбиқ қилармиди? Бунинг жавоби шуки, мусулмонлар барча асрлар давомида - Расул ﷺ Мадинага етиб келган кундан бошлаб то 1336 ҳижрий (1918 милодий) йилда мустамлакачилар қўли билан энг сўнги Ислom давлати қулатилгунга қадар - фақат Ислomни татбиқ қилишган. Бу татбиқ шундай кенг қулоч ёйган бўлиб, ҳатто муваффақиятнинг энг юқори чўққиларига кўтарилган эди.

Мусулмонлар Ислomни амалда татбиқ қилганликларини билиш қийин эмас. Тузумни давлат татбиқ қилади. Давлатда татбиқ ишларига алоқадор бўлган шахслар иккитадир. Биринчиси - инсонлар ўртасидаги хусумат-келишмовчиликларни ажрим қиладиган қози. Иккинчиси - инсонлар устидан ҳукм юритадиган ҳоким. Қозилар Ислomни татбиқ қилганига келсак, тавотур йўли, яъни ҳужжат ва далиллар билан нақл қилиниши бўйича маълумки, улар инсонлар орасидаги келишмовчиликларни - Расул ﷺ яшаган даврдан ҳатто Истамбулдаги халифалик давлати ниҳоясигача ўтган давр ичида - ҳаётнинг барча ишларида, хоҳ мусулмонларнинг ўзаро ишларида бўлсин, хоҳ мусулмонларнинг мусулмон бўлмаганлар билан бўлган алоқаларида бўлсин, барча ишларда фақат шариат қонунлари асосида ажрим қилар эдилар. Ҳуқуқ, жазо чоралари, шахсий ҳолатлар ва ҳоказоларга тегишли бўлган келишмовчиликларни ажрим қиладиган маҳкама бўлинмас, бир бутун маҳкама бўлиб, ёлғиз Ислom шариати билан ҳукм чиқарар эди. Бирор масала Ислom шариати аҳкомларидан бошқа қонунлар асосида ажрим қилингани ёки мустамлакачилик таъсири остида маҳкамалар - шаръий

маҳкама ва низомий маҳкамага бўлиниб юборилишидан олдин Ислом мамлакатларидаги бирор маҳкама Исломдан бошқа қонун билан ҳукм чиқарганини ҳеч ким ривоят қилмаган. Қуддус, Бағдод, Дамашқ, Миср, Истамбул ва бошқа қадимги шаҳарларда сақланиб қолган шаръий маҳкамаларнинг ҳужжатлари бунинг энг ёрқин далилидир. Чунки бу ҳужжатлар қозилар ёлғиз Ислом шариагининг татбиқ қилганликларининг аниқ далилидир. Ҳатто мусулмон бўлмаганлар, насроний ва яҳудийлар ҳам Ислом фикҳини ўрганиб, бу соҳада китоблар ёзар эдилар. «Мажалла» деб номланган адлия қонунлари тўпламини шарҳ қилган Салим Боз ва бошқалар сўнги асрларда Ислом фикҳи соҳасида асарлар яратган мусулмон бўлмаган олимлар жумласидандир. Четдан киритилган қонунлар эса: «Улар Ислом аҳкомларига зид эмас», деган уламоларнинг фатвосига биноан киритилган. Шундай қилиб, 1275 ҳижрий (1857 милодий) йилда «Усмонийлар жазо қонуни» киритилди. 1276 ҳижрий (1858 милодий) йилда «Ҳуқуқ ва тижорат қонуни» киритилди. Сўнгра, 1288 ҳижрий (1870 милодий) йили маҳкамалар икки қисмга - шаръий маҳкамалар ва низомий маҳкамаларга - бўлиб юборилиб, улар учун низом қабул қилинди. 1295 ҳижрий (1877 милодий) йилда «Низомий маҳкамаларни ташкил этиш лойиҳаси» тузилиб, 1296 ҳижрий йилда «Ҳуқуқ ва жазо маҳкамаларининг асослари» қонуни қабул қилинди. Уламолар давлатга «маданий» қонунларни киритишга йўл қўядиган бирор асос топа олмагач, «Мажалла» (адлия қонунлари тўплами) муомалалар учун қонун сифатида қабул қилиниб, «маданий» қонун четлатилди. Бу 1286 ҳижрий йилда юз берди. Бу қонунларнинг барчаси Ислом рухсат берадиган аҳкомлар сифатида қабул қилинар эди. Бу қонунларга ижозат берадиган фатво олингандан ва Шайхул-Ислом бу қонунларни қабул қилишга рухсат бергандан сўнгина уларни татбиқ қилишга киришилди. Бунинг ўша қонунлар ҳақида тарқалган расмий ҳужжатлардан ҳам билиш мумкин. Гарчи мустамлакачилик 1918 йилдан, яъни мамлакатни босиб олгандан бошлаб, ҳуқуқ ва жазо масалаларини Ислом шариаатисиз ажрим қила бошлаган

бўлса-да, лекин мустамлакачилик нуфузи кириб келган бўлса ҳам, у ўз лашкари билан бостириб кирмаган мамлакатлар ҳануз ҳуқуқий жиҳатдан Ислом билан ҳукм юритмоқдадир. Масалан, Арабистон ярим оролининг ҳаммаси: Ҳижоз, Нажд, Кувайт, шунингдек Афғонистон ҳануз ҳуқуқий жиҳатдан Исломни татбиқ қилиб келмоқда. Ҳозирда ҳокимлар бу юртларда Исломни татбиқ қилмаётган бўлсалар-да, лекин бу юртлар ҳозиргача ҳуқуқий ишларда Ислом шариати билангина ҳукм юритмоқда. Бундан кўрамизки, Ислом давлатининг барча асрлари давомида ҳуқуқий жиҳатдан ҳеч қандай бегона қонунлар татбиқ қилинмай, ёлғиз Исломгина татбиқ қилинган.

Ҳокимнинг Исломни татбиқ қилиши эса беш нарсада: ижтимоий ҳаёт, иқтисод, таълим, ташқи сиёсат ва ҳукуматни идора қилиш ишларига боғлиқ бўлган шариат аҳкомларида гавдаланади. Бу беш соҳанинг ҳаммасида Ислом давлат томонидан татбиқ қилинган. Аёлнинг эр билан бўладиган алоқаларини ва уларга тааллуқли бўлган барча муносабатларни, яъни шахсий ҳолатларни белгилаб берадиган ижтимоий қонунлар, мустамлакачилик ва кўфр ҳокимияти мавжуд бўлишига қарамасдан, ҳозиргача татбиқ қилиб келинмоқда. Бу соҳада ҳозиргача бегона қонунлар татбиқ қилинган эмас. Иқтисод қонунлари эса икки соҳада: биринчиси - давлат томонидан инсонларнинг турли муаммоларини ҳал қилиш учун халқдан мол-мулк йиғиш; иккинчиси - бу мол-мулкни сарф қилиш услуби-кайфиятида намоён бўлади. Халқдан мол-мулк йиғиш кайфияти шундан иборат бўлганки, давлат - ибодат деган эътибор билан - мол-мулк, ерлар ва ҳайвонлардан закот олар, уни Қуръонда зикр қилинган саккизта тоифа орасида тақсимлаб, давлат ишларини идора қилиш учун бу мулкни асло ишлатмас эди. Давлат ва умматнинг ишларини идора қилиш учун Ислом шариатига мувофиқ равишдагина мол-мулк йиғиб олар эди. Шунинг учун давлат ерга хирож, ғайримусулмонлардан жизя ва - ички ва ташқи тижоратга мутасаддилик қилиб тургани учун - божхона солиқларини олар эди. Ислом шариати белгилаган ўринлардангина мол-мулк йиғиб олар эди. Мулкни тақсимлаш борасида эса давлат ожиз шахсларга

нафақа бериш аҳкомларини татбиқ қилар, руҳий носоглом кишини ва исрофгарни мулкни тасарруф қилишдан ман қилиб, уларга васий тайинлар эди. Давлат ҳар бир шаҳарда ҳажга олиб борадиган йўлларда фақир, мискин ва мусофирларнинг овқатланиши учун манзилгоҳлар бино қилар эди. Бу манзилгоҳларнинг ёдгорликлари бугунги кунга қадар мусулмонларнинг йирик шаҳарларида сақланиб келмоқда. Хуллас, давлат тарафидан мулкни сарф қилиш шариатга мувофиқ олиб борилган ва ҳеч қачон шариатдан бошқа қонунлар асосида амалга оширилмаган. Бу соҳада мушоҳада қилинадиган баъзи бир нуқсонлар шариат мутлақо татбиқ қилинмаганини эмас, балки бепарво ва ёмон татбиқ қилинганини англатади.

Таълим сиёсати ҳам Ислом асосига қурилган эди. Таълим дастурининг асоси Ислом сақофатидан иборат бўлиб, ажнабий сақофатларни - агар Исломга зид бўладиган бўлса - дастурга киритмасликка қаттиқ аҳамият берилар эди. Мадрасалар очиш борасидаги нуқсонлар фақат Усманий давлатнинг сўнгги давларидагина рўй берган бўлиб, бу ҳол Ислом шаҳарларининг барчасида кўзга яққол ташланиб турар эди. Бунинг асосий сабаби бу даврда авжга минган фикрий қолоқликдан иборат эди. Қолган асрларда эса бутун дунёга маълум ва машҳур эдики, давлатнинг йирик шаҳарлари барча олимлар ва толиби илмларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб қилиб келган даргоҳлар эди. Жаҳондаги таълим-тарбия ишлари тўғри йўлга қўйилишида Қуртуба (Кордова), Бағдод, Дамашқ, Искандария ва Қоҳирадаги олий илм даргоҳларининг жуда катта таъсири бўлган.

Ташқи сиёсат ҳам исломий асосга қурилган эди. Ислом давлати ўзининг бошқа давлатлар билан олиб борадиган алоқаларини Ислом асосига биноан амалга оширар эди. Барча давлатлар унга Ислом давлати сифатида қарар эдилар. Ислом давлатининг барча ташқи алоқалари Ислом асосига биноан, мусулмонларнинг - айнан мусулмонлиги эътибори билан - манфаатларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилар эди. Ислом давлатининг ташқи сиёсати исломий сиёсат

бўлганлиги бутун дунёга машҳур бўлиб, уни исботлаш учун ҳеч қандай далилнинг ҳожати йўқ.

Низомул-ҳукм (яъни, бошқарув низоми) хусусида шуни айтиш мумкинки, Исломда давлат жиҳози саккиз рукнга қурилган. Бу рукнлар қуйдагилардан иборат: Халифа - давлат раиси; тафвиз муовини; танфиз муовини; жиҳод амири; волийлар; қозилар; давлат идоралари ҳамда уммат мажлиси. Бундай жиҳоз доим мавжуд эди. Муслмонларнинг бирор даври халифасиз бўлмаган. Улар фақат 1342 ҳижрий (1924 милодий) санада мустамлакачи кофирлар Мустафо Камол қўли билан халифалик давлатини йўқ қилгач, халифасиз қолдилар. Бундан аввал эса, ҳатто энг ашаддий тушкунлик ва қолоқлик даврларида ҳам, бир халифа кетса, албатта унинг ортидан бошқа халифа келар, шунинг учун ҳам муслмонларнинг халифаси доимо мавжуд эди. Халифа мавжуд бўлса, демак, Ислом давлати мавжуддир. Чунки Ислом давлати халифа демақдир. Муовинлар ҳам барча асрларда мавжуд бўлган. Улар вазирлар эмас, бошқарув ва ижрода муовин эдилар. Гарчи Аббосийлар асрида улар вазирлар деб номлаган бўлса-да, аслида улар муовинлар эди, холос. Демократик ҳокимиятларда мавжуд бўлган вазирлик сифати уларда йўқ эди. Балки улар Халифа ваколоти билан фақат бошқарув ва ижро этишда муовин эдилар. Барча салоҳият ва ҳуқуқлар халифанинг қўлида эди. Волийлар, қозилар ва давлат идораларининг мавжуд бўлгани ҳеч қандай исбот талаб қилмайди. Мустамлакачи кофир мамлакатга бостириб кирган пайтда ундаги ишлар бир маромда юриб борар ва унда волийлар, қозилар ва давлат идоралари мавжуд эди. Бу ҳақиқат бирор далилга муҳтож эмас. Қўшин (армия) ишларини эса - Исломий қўшин деган эътиборда - жиҳод амири бошқарар эди. Бутун олам зеҳнида Ислом қўшини ҳеч қачон енгилмайди, деган фикр мустаҳкам ўрнашиб қолган эди. Шўро (уммат) мажлисига эса Хулафои Рошидинлардан кейин эътибор берилмай қўйди. Бунинг сабаби шундан иборатки, шўро аслида давлат жиҳозларидан ҳисобланса-да, ҳукумат асосларидан бири эмас. Балки у фуқароларнинг халифа олдидаги ҳуқуқларидан биридир. Агар Халифа

кенгаш қилмаса, камчиликка йўл қўйган бўлади, лекин ҳукумат Исломиёлиғича қолади. Чунки кенгаш демократиядаги депутатлар мажлисидан фарқли ўлароқ, ҳукм чиқариш учун эмас, балки фақат раъй олиш учун чақирилади. Бундан аён бўладики, Исломиё давлатда бошқарув низоми тўла татбиқ қилинган.

Бу ўринда халифага байъат қилиш масаласи ҳам бор. Қатъий далиллардан маълумки, халифалик давлатида - подшоҳлик тузумида бўлгани каби - ҳокимият (давлат бошлиғи мақоми)ни олиш учун асос бўладиган муқаррар меросхўрлик қонуни бўлмаган. Давлатда ҳокимиятни қўлга олиш учун белгиланган муқаррар қонун байъат эди. Байъат баъзи асрларда мусулмонлардан, баъзи асрларда «Аҳлул-ҳал вал-ақд»дан, яъни, уммат ичидаги ишончли ва нуфузли мужтаҳидлар ва йирик шахслардан, тушкунлик асрининг охирларида эса Шайхул-Исломдан олинар эди. Ислом давлати кечирган барча асрларда амалда жорий бўлган қонун шундан иборат эдики, қайси халифа сайланмасин, фақат байъат билан сайланар; байъатсиз, меросхўрлик йўли билан Халифа мутлақо белгиланган эмас. Халифа байъатсиз, меросхўрлик йўли билан белгилангани ҳақида бирорта ҳам ҳодиса ривоят қилинмаган. Лекин баъзида байъат олишни татбиқ қилишда хатоларга йўл қўйилган. Масалан, баъзи халифалар тириклигида ўзининг ўғли учун, укаси, жияни ёки ўз оиласидаги бирор шахс учун одамлардан байъат олиб қўяр, халифа вафот қилгандан кейин эса ўша шахсга яна қайтадан байъат қилинар эди. Бу эса меросхўрлик ҳам, валиаҳдлик ҳам эмас, балки байъатни нотўғри татбиқ қилишдир. Бу ҳол демократик тузумларда парламент сайловларидаги сайлов қонуни нотўғри татбиқ қилиниши ва бузулишига ўхшайди. Гарчи сайловда ҳукумат тайинлаган шахслар ютиб чиқса-да, бундай сайлов тайинлаш эмас, сайлаш деб номланаверади. Юқорида зикр қилинганлардан кўрамизки, Ислом давлати кечирган барча асрларда Ислом низоми (тузуми) амалда татбиқ қилинган ва Ислом тузумидан бошқа ҳеч қандай тузум татбиқ қилинган эмас.

Бу мафқуранинг амалдаги муваффақиятларининг хусусан икки ишда тенги йўқдир.

Биринчидан: Ислом мафкураси бутун араб халқини тоифачилик-қабилачилик зулматларида, жаҳолат қоронғуликларида тентираб юрган қолоқ фикрий ҳолатдан тонгги қуёши арабларнигина эмас, балки бутун оламни қамраб олган, Ислом нури билан жилваланган фикрий уйғониш асрига олиб чиқди. Мусулмонлар ер куррасида ёйилмоққа отландилар. Улар Исломни бутун оламга олиб чиқар эканлар, Форс, Ироқ, Шом ўлкалари, Миср ва Шимолий Африкани ишғол қилдилар. Бу халқлар ҳар бири ўзига хос миллат бўлиб, бири иккинчисига ўхшамас ва ҳар бири ўзига хос тилига эга эди. Форс мамлақатидаги форс миллати Шомдаги румликлардан, Мисрдаги қибтийлардан ва Шимолий Африкадаги барбарлардан фарқ қилар эди. Уларнинг одатлари, анъаналари ва динлари ҳам ҳар хил эди. Уларнинг барчаси Ислом ҳокимияти соясида яшаб, Исломни тушуна бошлагач, ҳаммаси Исломга кириб келди ва ягона уммат - Ислом Умматига айланди. Шунинг учун ҳам бу халқ ва миллатларни бирлаштиришдаги Ислом мафкурасининг муваффақияти мислсиз эди. Ҳолбуки, Ислом мафкурасини етказишдаги алоқа воситалари туялардан иборат бўлса, тушунтириш (тарғиб қилиш) воситалари тил (сўз) ва қаламдангина иборат эди.

Фатҳ ва янги мамлакатларни ишғол қилишлар эса кучни куч билан йўқ қилиш ва моддий тўсиқларни олиб ташлаш учун эди. Токи, инсонлар ақл тўғри деб исботлаётган ёки фитрат ҳидоят қилаётган йўлга ўз ихтиёрлари билан қадам қўя олсинлар. Шунинг учун ҳам инсонлар Оллоҳнинг динига гуруҳ-гуруҳ бўлиб кириб келдилар. Инсонларга жабр-зулм қиладиган фатҳ (босқин) эса, фотиҳ билан босиб олинганлар, голиб билан мағлублар ўртасида адоват қўзғатади, уларни бир-биридан узоқлаштиради. Фарб Шарқни ўнлаб йиллар мобайнида мустамлака қилиб турганига қарамай, ҳеч қандай зафар қозона олмаётгани кўздан йироқ эмас. Агар тез орада бутунлай йўқ бўлиб кетадиган адаштирувчи сақофатнинг таъсири ва яқин келажакда изсиз йўқ бўлиб, барбод бўладиган қўғирчоқ ҳокимиятларнинг тазйиқи бўлмаганда эди, Ислом қўрғонига, унинг мабда ва тузумига қайтиш киприк қоқишдан тезроқ амалга ошган

бўлар эди... Мавзуга қайтиб айта оламизки, Ислom мафкурасининг бу халқларни бирлаштиришдаги муваффақияти тенгсиз эди. Мустамлакачиликнинг мусибатлари, унинг ақидаларни булғаб, фикрларни заҳарлаш борасидаги нопоклиги ва маккорлигига қарамасдан, бу халқлар бугунга қадар мусулмон бўлиб келмоқда ва қиёматгача ягона Ислom Уммати бўлиб қолажак. Ислomни қабул қилган бу халқларнинг бирортаси Ислomдан қайтганлиги ҳодисаси мутлақо рўй бермади.

Андалус (Испания) мусулмонлари тафтиш (инквизиция) маҳкамалари, олов камералари ва жоллодларнинг бошни танадан қирқиб ташлайдиган мосламалари ёрдамида батамом йўқ қилиндилар. Бухоро, Кавказ ва Туркистон мусулмонларининг бошига собиқ аждодларининг мусибатлари ёғилди. Бу халқларнинг Исломи, уларнинг ягона умматга айланиб кетгани ва ўз ақидасида бу қадар барқарорлиги бу мафкуранинг муваффақияти ҳамда Ислomий Давлатнинг Ислom тузумини татбиқ қилишдаги муваффақияти даражасини яққол кўрсатиб турибди.

Иккинчидан: Ислom Уммати ўн икки аср - милодий VI асрдан XVIII аср ўрталарига қадар бутун дунёда дунёқараш, маданият, сақофат ҳамда илм-фан соҳаларида энг олий Уммат бўлиб келган бўлса, Ислom давлати дунёдаги энг буюк ва энг қудратли давлат эди. Ислom Уммати шу муддат давомида бутун дунёда ягона олам гули ва барча миллат-элатлар ичида порлоқ қуёш эди. Бу ҳам ўз мафкурасининг тузум ва ақидасини инсонларга татбиқ қилишдаги Ислomнинг муваффақиятини таъкидлайди. Ислom давлати ва Ислom уммати мафкурани тарқатишдан юз ўгириб, Ислomга даъват қилишда этиборсизлик қилиб, Ислomни тушуниш ва уни татбиқ қилишда жиддий нуқсонларга йўл қўйгач, бошқа миллатлар ўртасида ўз-ўзидан обрўсизланиб қолди.

Юқоридагиларга асосланиб айта оламизки, ёлғиз Ислom мафкурасигина энг тўғри ва яроқлидир. Ёлғиз угина бутун дунёга ёйилишга ҳақлидир. Бу мафкурани бутун оламга олиб чиқадиган Ислom давлати қурилса, унинг муваффақияти бугун ҳам ўтмишда бўлгани каби мислсиз даражага етажак.

Ислом ўзидан келиб чиқадиган қонунларда инсон фитратига тўла мувофиқдир, деган эдик. Шунинг учун ҳам Ислом инсонни махсус тузилган дастур асосида яшайдиган, тузумни тафовутсиз, аниқ геометрик ўлчовлар билан татбиқ қилаверадиган сунъий вужуд - робот деб ҳисобламайди. Бир жиҳатдан табиийки, барча учун хотиржамлик кафолатланган ҳолда одамлар бир-бирига яқин баҳоланса-да, уларга бир хил нуқтаи назардан қаралмайди. Яна бошқа бир жиҳатдан - бу эса ҳозирда асосий баҳс мавзуси - табиийки, бу эътиборга кўра баъзилар тузум татбиқига рози бўлмай, унга зид ҳаракатлар қилади. Баъзилар бу тузумни қабул қилмайди, баъзи кишилар эса бу тузумдан юз ўгирадилар. Шунинг учун ҳам жамиятда иложсиз фосиқ ва фожирлар бўлади. Унда кофир ва мунофиқлар, муртад ва худосизлар ҳам бўлади. Лекин жамиятга фикрлар, туйғулар, қонунлар ва одамлар мажмуаси сифатида эътибор берилади. Шунга кўра, жамиятда бу нарсалар Исломиё бўлса, у Исломни татбиқ қилаётган Ислом жамияти деб ҳисобланаверади.

Бунинг далили шундан иборатки, ҳеч ким Муҳаммад ﷺ Ислом тузумини татбиқ қилганларидек тузумни татбиқ қила олиши мумкин эмас. Шундай бўлса ҳам у зот ﷺнинг даврларида ҳам кофирлар ва мунофиқлар бор эди. Фосиқ ва фожирлар, муртад ва худосизлар ҳам бор эди. Лекин ҳар қандай одам ҳам иложсиз, қатъий эътироф қилишга мажбурки, Ислом мукамал татбиқ қилинган ва жамият Исломиё бўлган. Лекин тузум сунъий вужудга эмас, балки ижтимоий вужуд бўлган инсонга татбиқ қилинган.

Муҳаммад ﷺ Мадинада қарор топганларидан бери то мустамлакачилик мусулмонлар ўлкаларини босиб олиб, Ислом тузумининг ўрнига капитализм тузумини ўрнатгунга қадар ўтган даврларда - арабми ёки араб эмасми - Ислом Умматининг барчасига ёлғиз Исломгина татбиқ қилиб келинган.

Бунга биноан хулоса қилиш мумкинки, ҳижратнинг биринчи йилидан бошлаб, 1336 ҳижрий (1918 милодий) йилга қадар амалда Ислом татбиқ қилинган. Ислом Уммати бу муддат давомида Исломдан бошқа ҳеч қандай тузумни татбиқ қилган эмас.

Ҳатто мусулмонлар хилма-хил ажнабий фалсафа, илм-фан ва сақофатларни араб тилига таржима қилган бўлсалар ҳам, ҳеч қайси миллатнинг қонунчилигини, қонунини ёки тузумини - на амал қилиш ва на шунчаки ўрганиш учун - мутлақо таржима қилмаган эдилар. Бироқ инсонлар Исломни - тузум сифатида - яхши ёки ёмон татбиқ қилар эдилар. Бу эса давлатнинг кучли ёки заифлигига, тузумни теран тушуниш ёки тушунмасликка, мафкурани ёйишда куч ёки ундаги йўл қўйилган нуқсонларга тобедир. Шунинг учун ҳам баъзи асрларда Ислом татбиқ қилинишидаги нуқсонлар Ислом жамиятини ўзига муносиб мақомдан тушириб юборар эди. Бундай тушкунликдан ҳеч қандай тузум холи эмас. Чунки тузум татбиқда башар фарзандларига суянади. Лекин татбиқнинг бузулиши Ислом татбиқ қилинмаган, деган фикрни англатмайди. Балки аниқки, Ислом татбиқ қилинган, бошқа мабда ва тузумлар эса асло татбиқ қилинмаган. Чунки татбиқда асосан давлат амал қилишни талаб қиладиган қонунлар ва тузумларга эътибор берилади. Ислом давлати эса бирор қонунни Исломдан бошқа тузумлардан олган эмас. Йўл қўйилган нуқсонлар фақат баъзи ҳукмдорлар тарафидан Исломнинг баъзи қонунлари нотўғри татбиқ қилинишидан иборат эди. Бундан ташқари, бизнинг кўз ўнгимизда доимо аниқ ва равшан гавдаланиб туриши лозимдирки, тарихдан Ислом татбиқини текширар эканмиз, икки нарсани мулоҳаза қилишимиз зарур.

Биринчидан, бу тарихни Ислом душманлари, уни кўра олмайдиганлардан олмаслигимиз ва ҳатто мусулмонларнинг ўзидан ҳам ғоятда синчковлик ва таҳқиқ билан олишимиз зарур. Токи улардан бузилган суратни олиб қўймайлик. Иккинчидан, айрим шахслар тарихидаги ва жамиятнинг айрим соҳаси тарихидаги ҳодисалардан жамиятга умумий қиёслаш услубида ҳукм чиқаришимиз мумкин эмас. Масалан, Язид тарихидан Уммавийлар асрини ёки айрим Аббосий халифалар тарихидаги ҳодисалардан Аббосийлар асрини ўрганиб, умумий ҳукм чиқариш хатодир. Шунингдек аския, шоирлар ва адиблар ҳақида ёзилган «ал-Ағоний» китоби ёки тасаввуф ҳақидаги ва шунга ўхшаш китобларни ўқиб, Аббосийлар асридаги жамиятга бу фисқ ва фужур ёки

зоҳидлик ва узлат жамияти бўлган экан, деб ҳукм чиқармоғимиз жоиз эмас. Балки жамиятни бутунича ўрганмоғимиз даркор. Бунинг устига, Ислом жамиятининг тарихи ҳеч қайси асрда ёзилган эмас. Ёзилганлари эса ҳукмдорларнинг ва баъзи ижро этувчи амалдорларнинг тарихидан иборат. Уларни ёзганлар эса ишончли шахслар эмас. Уларнинг ҳаммаси ё қоралаб ё мақтаб ёзган эдилар. Бу икки тоифанинг ҳеч биридан бирор сўз ҳам қабул қилинмайди.

Ислом жамиятини шу асосда, яъни барча жиҳатлари билан, синчковлик ва таҳқиқ билан ўрганар эканмиз, унинг энг эзгу жамият бўлганини билиб оламиз. Чунки у ҳижрий I, II, III, сўнгра ундан кейинги асрларда ҳам то XII ҳижрий асрнинг ўрталарига қадар ана шундай гўзал жамият бўлган эди. Ислом жамияти кечирган барча асрлар давомида, ҳатто Усманийлар давлатининг сўнги дамларига қадар - Ислом давлати сифатида - Исломни татбиқ қилган эди. Аммо шу нарса мулоҳаза қилиниши лозимки, тарих асло тузум ёки фикҳ (қонунчилик)нинг манбаси, деб эътибор қилинмаслиги зарур. Зеро, тузум тарихдан эмас, ўзининг фикҳий манбаларидан олинади, чунки тарих тузумга манба бўлолмайди, Масалан, коммунистик тузумни тушунмоқчи бўлсак, уни Россия тарихидан эмас, балки коммунистик мабда китобларидан ўрганамиз. Инглиз қонунчилиги билан танишмоқчи бўлсак, уни Англия тарихидан эмас, балки инглиз қонунчилигидан оламиз. Бу эса ҳар қандай тузум ёки қонунга тааллуқлидир.

Ислом ҳам алоҳида мабда бўлиб, унинг ўзига хос ақидаси ва тузуми мавжуд. Уни ўрганмоқчи ёки қабул қилмоқчи бўлсак - на ўрганиш ва на унинг қонунларини ишлаб чиқиш маъносида - тарихни мутлақо унинг манбаси, деб эътибор қилмаслигимиз лозим.

Исломни ўрганиш манбаси Ислом фикҳи (қонунчилиги)нинг китобларидир. Ислом қонунларини ишлаб чиқариш манбаси эса, бу қонунларнинг тафсилий далили ва ҳужжатларидан иборатдир. Шунинг учун ҳам - на ўрганиш ва на далил қилиб кўсатиш учун - тарихни Ислом низомига манба қилиб олиш тўғри бўлмайди. Бу асосда

Умар ибн Хаттоб, Умар ибн Абдул-Азиз, Ҳорун ар-Рашид ва бошқаларнинг тарихи - улар ҳақида ривоят қилинган тарихий ҳодисаларда ҳам, уларнинг тарихи ҳақида ёзилган китобларда ҳам - шариат аҳкомлари учун мурожаат қилинадиган асос, деб эътибор қилиниши тўғри эмас. Агар муайян ҳодисада Умарнинг раъйига итоат қилинадиган бўлса - Абу Ҳанифа, Жаъфар ва булар каби мужтаҳидлар ишлаб чиққан ҳукмга итоат қилингани каби - бу ҳукм Умар ишлаб чиқиб, татбиқ қилган шариат ҳукми сифатида қабул қилинади. Бунга кўра, тузумни олишда ва ўрганишда тарихга ўрин йўқ. Бунинг устига, тузум татбиқ қилингани ёки татбиқ қилинмагани ҳам тарихдан билинмайди, балки фикҳ (қонуншунослик)дан олинади. Чунки ҳар бир асрнинг ўзига хос муаммолари бўлиб, бу муаммолар низом ёрдамида муолажа қилинади. Муаммолар муолажаси учун асос қилиб олинган тузумни билиш учун эса биз тарих ҳодисаларига мурожаат қилмай - чунки тарих хабарлари бизга ўзига хос шарт-шароитларда нақл қилинган - балки татбиқ қилинган тузумнинг ўзига, яъни Ислому фикҳига мурожаат қилмоғимиз зарур. Ислому фикҳига мурожаат қилар эканмиз, унда мусулмонлар бошқалардан ўзлаштириб олган ёки ўзлари тарафдан ўйлаб топиб киритилган ҳеч қандай қонунни учратмаймиз. Балки Ислому фикҳи бутунича шаръий далиллардан истинбот қилинган (ишлаб чиқилган) шаръий аҳкомлардан иборат эканлигига амин бўламиз. Мусулмонлар фикҳни турли заиф фикрлар, яъни заиф истинботлардан тозалашга қаттиқ аҳамият берар, ҳатто мужтаҳиди мутлақ тарафидан билдирилган бўлса ҳам, асоси кучли бўлмаган заиф фикрга амал қилишни ман қилар эдилар.

Шундан маълум бўладики, Ислому оламининг барчасида Ислому фикҳидан бошқа бирорта ҳам қонуний ҳужжат мавжуд бўлмаган, балки фақат Ислому фикҳигина мавжуд эди. Бир Умматда бошқа қонунчилик ҳужжатлари топилмай, фақат муайян бир фикҳ ҳужжатларигина мавжуд бўлиши, бу Уммат ўзининг қонунчилигида ўша муайян фикҳ ҳужжатларидан ўзгасидан фойдаланмаганлигига далилдир.

Агар эътиборни тарихга қаратиш жоиз бўлса, ундан фақат татбиқ услуби-кайфиятини текшириш учунгина фойдаланиш

мумкин. Тарих сиёсий ҳодисаларни қайд қилади. Бу ҳодисаларда татбиқ кайфияти кўринади. Лекин, буни ҳам фақат мусулмонлардан ғоят синчковлик ва таҳқиқ билангина олишимиз мумкин. Тарихнинг манбалари учтадир: 1. Тарих китоблари. 2. Ёдгорлик-обидалар. 3. Ривоят. Тарих китобларини манба сифатида олиш мутлақо нотўғридир. Чунки улар барча асрларда сиёсий шароитларга тобе ва ёзилган замонасидаги ҳукмдор тарафида туриб ёки ундан кейинги замонда унга қарши ёзилган ёлғонлар билан тўла бўлган. Мисрдаги Алавийлар сулоласининг тарихи бунга яқин далилдир. Чунки бу сулоланинг тарихи 1952 йилдан аввал жуда гўзал ва порлоқ суратга эга бўлган. 1952 йилдан кейин эса тарих аввалгидан кескин фарқ қиладиган, қора бўёқларда чизилган суратга айланди. Бизнинг асримиздаги ва ундан аввалги сиёсий ҳодисалар тарихи ҳам худди шу кабидир. Шунинг учун ҳам - ҳатто айрим шахслар тарафидан битилган шахсий кундаликлар бўлса ҳам - тарих китобларини тарих учун манба сифатида олишимиз мумкин эмас.

Тарихий ёдгорлик-обидалар эса, агар покиза ният билан ўрганиладиган бўлса, муайян нарса ҳақидаги тарихий ҳақиқатни бериши мумкин. Улар тарих занжирини шакллантира олмаса-да, бироқ баъзи ҳодисаларни исботлаб, уларга далолат қила олади. Мусулмонларнинг юртларидаги уларнинг обидаларини - бунда уларнинг бинолари, буюмлари ёки уларга тегишли бўлган тарихий ёдгорлик деб эътибор қилинадиган ҳар қандай нарсалари баробардирки - синчиклаб ўрганиб кўрган одам қатъий ишонч ҳосил қиладики, Ислом оламида фақат Ислом, Ислом низоми ва Ислом аҳкомларигина мавжуд бўлган. Уларнинг турмуши, ҳаёти ва хатти-ҳаракатлари Исломга хос бўлиб, асло ўзгача бўлмаган.

Учинчи манба - ривоят эса, агар шартлари бажарилган тўғри ривоят бўлса, таяниш мумкин бўлган ҳақиқий манбалардан ҳисобланади. Бунда ҳадисларни ривоят қилишда тутилган йўл танланади ва шу услубда тарих битилади. Шунинг учун ҳам мусулмонлар тарих китобларини ёзишни бошлаганларида ривоят тариқатида

юрганларини кўрамиз. Шунинг учун ҳам «Тарихи Табарий», «Сийрати ибн Ҳишом» ва булар каби қадимги тарих китоблари шу услубда ёзилганини кўрамиз. Шунга биноан, муслмонлар ўз фарзандларига тарихларини манбалари ўзига ўхшаган китоблардан иборат бўлган тарих китобларидан ўргатишлари мумкин эмас. Шунингдек, Ислом тузумининг татбиқини текшириш ҳам бундай тарихдан олиниши мумкин эмас. Шундагина Ислом Умматига ёлғиз Исломгина татбиқ қилиниб, барча асрларда ундан бошқа ҳеч қандай қонун татбиқ қилинмагани аён бўлади.

Бироқ, Биринчи жаҳон уруши иттифоқчиларнинг ғалабаси билан яқунланиб, ҳужум бош қўмондони лорд Алленби Байтул-Мақдисни ишғол қилиб: «Мана энди салибчилар уруши ниҳоясига етди», - деб эълон қилгач, худди шу лаҳзадан бошлаб қўлга киритган ғалабасини мангу зафарга айлантириш учун мустамлакачи куфр ҳаётнинг барча соҳаларида бизга ўзининг капиталистик тузумини татбиқ қилиб келмоқда. Шунинг учун ҳам юртимизда мустамлакачиларнинг мустаҳкам қарор топишига сабабчи бўлаётган бу чирик ва бузғунчи тузумни ўзгартириб, уни бутунича - айрим кўринишларини ҳам муфассал равишда илдизидан қўпориб ташламоғимиз даркор. Ана шундагина Ислом асосидаги ҳаётни қайтадан бошлаш имконига эга бўламиз.

Ўз тузумимиз ўрнига бошқа тузумни қўлламоғимиз фикрлашнинг юзакилигидандир. Агар уммат ақидани қўйиб, тузумнинг ўзини татбиқ қилса, тузум уни халос қила олади, деб гумон қилишимиз ҳам фикрнинг етишмаслигидан вужудга келади. Аслида Уммат ақидани қабул қилиб, сўнгра бу ақидадан келиб чиқадиган тузумни татбиқ қилмоғи лозим. Ана шундагина тузумнинг татбиқи ва ақидага бўлган эътиқод халоскор бўла олади. Бу эса мабдага асосланадиган, давлати ҳам шу асосга қуриладиган умматга тааллуқли. Бошқа халқлар ва миллатларга келсак, уларга мабда татбиқ қилинишида мабдани эътиқод сифатида қабул қилишларига зарурат йўқ. Балки мабдани эътиқод сифатида қабул қилиб, уни майдонга олиб чиқадиган Уммат ҳар қандай халқ ва миллатга - гарчи мабдани эътиқод сифатида қабул қилмаса

ҳам - уни татбиқ қилиши мумкин. Чунки мабда уларни ҳам уйғониш сари етаклаб, оқибатда ўзидаги жозиба билан эътиқод сифатида қабул қилишга жалб қилади. Мабда татбиқ қилинаётган шахслар учун уни қабул қилиш шарт эмас. Балки мабданинг эътиқод сифатида қабул қилиниши уни татбиқ қилувчилар учун асосий шартдир.

Миллатчилик ва социализм низомини олиш ҳам биз учун хатарлидир. Чунки уларни моддийлик фикратидан ажратган ҳолда олиб бўлмайди. Бу ҳолда у ҳеч қандай самара бермайди ва ҳеч қандай таъсирга ҳам эга бўлмайди. Уни моддий фикрати билан биргаликда ҳам олиб бўлмайди. Чунки у инсон фитратига мос келмайдиган ва Ислому Умматидан Ислому ақидасини тарк қилишни талаб қиладиган салбий мафкурадир. Социализмни олиб, Исломунинг руҳий жиҳатини сақлаб қолишимиз ҳам ножоиздир. Чунки бу ҳолда ҳар иккисининг ўртасидаги зиддият ва олинаётган тузумнинг нуқсонли бўлгани сабабли биз Исломуни ҳам ва социализмни ҳам олмаган бўламиз. Биз Ислому низомини олиб, бу низомнинг асоси бўлган Ислому ақидасини тарк қилишимиз ҳам жоиз эмас. Чунки бу ҳолда биз руҳи йўқ ўлик низомни олган бўламиз. Биз Исломуни олар эканмиз, уни ақидаси ва тузуми билан биргаликда, бир бутун ҳолда олиб, унинг даъватини майдонга олиб чиққанда мафкурасини ҳам ёйишимиз лозимдир.

Демак, уйғониш учун ягона йўлимиз мавжуд. У ҳам бўлса Ислому асосидаги ҳаётни қайта бошламоқ. Ислому давлатисиз эса Исломуий ҳаётни қайтадан бошлашга йўл йўқ. Агар биз энг асосий муаммони ҳал қилиб берадиган, ҳаётдаги нуқтаи назарнинг маркази вазифасини бажарадиган ақида сифатида: асоси Оллоҳнинг Китоби ва Расулининг Суннатидан, сақофий бойлиги Ислому сақофатидан, жумладан фикҳ, ҳадис, тафсир, тилшунослик ва бошқалардан иборат бўлган ана шу ақидадан балқиб чиқадиган тузум сифатида Исломуни бир бутунича, яхлит ҳолда олмас эканмиз, Ислому давлати соясида Исломуий ҳаётни қайтадан бошлашга йўл йўқ. Бунга йўл йўқ, агар Ислому мафкурасини Исломуга даъват қилиш, барча маконда Исломуни мукамал шаклда вужудга келтириш йўли билан бир бутун ҳолда майдонга олиб чиқа

олмасак! Қачонки, Ислом мафқураси Умматнинг барчасига, ундан Ислом давлатига етиб борса, шундагина бу мафқурани бутун оламга олиб чиқишга муяссар бўла оламиз.

Ислом асосидаги ҳаётни қайтадан бошлаш мақсадида Ислом фикрий етакчилигини мусулмонларга етказиш, сўнгра уни Ислом давлати ёрдамида бутун инсониятга етказиш - мана шу уйғонишнинг ягона йўлидир!

ИСЛОМ ДАЪВАТИНИ ЁЙИШ КАЙФИЯТИ

Мусулмонлар ўз динларини маҳкам тутганлари учун дунё карвонидан ортда қолмадилар. Балки уларнинг қолоқлиги айни шу маҳкам тутишни тарк қилиб, унга бепарво муносабатда бўла бошлаган, диёрларига ажнабийлар ҳазоратининг кириб келишига, зеҳнларини Фарбликлар тушунчалари ишғол қила боришига имкон берган кунларидан бошланди. Уларнинг қолоқлиги Исломга даъват қилишдан юз ўгириб, танбаллик қилиб, унинг қонунларини татбиқ қилишни бузиб, ундаги мафкурадан ажралиб қолган кундан бошланди. Энди уларга уйғониш неъматини муяссар бўлмоғи учун Ислом асосидаги ҳаётни қайтадан бошламоқлари зарурдир. Улар Ислом мафкурасини майдонга олиб чиқиш йўли билан Ислом даъватини ёймас эканлар, бу даъват воситасида Ислом даъватини ёйиш билан мафкурани майдонга олиб чиқадиган Ислом давлатини вужудга келтирмас эканлар Ислом асосидаги ҳаётни ҳаргиз қайтадан бошлай олмайдилар.

Кўз ўнгимизда ёрқин намоён бўлиб туриши лозимдирки, мусулмонларни уйғониш сари етаклаш учун Ислом даъватини ёйиш ёрдамида мафкурани ёйиш шунинг учун ҳам зарурки, ёлғиз Исломгина дунёни ислоҳ қилади. Ҳақиқий уйғониш эса - хоҳ мусулмонларда, хоҳ бошқаларда бўлсин - фақат Ислом билангина амалга ошади. Ислом даъвати мана шу асосда ёйилиши керак.

Бу даъватни ўзидан низомлар балқиб чиқадиган мафкура сифатида оламга ёйишга интилиш зарур. Барча фикрлар ана шу мафкура асосига қурилади. Бу фикрлардан эса - ҳеч қандай истисносиз - ҳаётдаги нуқтаи назарга таъсир қиладиган барча тушунчалар балқиб чиқади.

Ислом даъвати бугун ҳам - аввал қандай ёйилган бўлса - ўшандай ёйилади. Ислом даъвати Расулуллоҳ ﷺ изларидан, умумий қондаларда ҳам, жузъий ишларда ҳам ўша тариқатдан заррача оғишмай олиб борилади. Бу ишда асрлар ўзгаргани ҳисобга олинмайди. Чунки асосан воситалар ва шакллар ўзгарган, аммо моҳият ва маъно ўша-ўша, ўзгарган эмас. Қанча асрлар ўтмасин, ҳарчанд халқлар ва диёрлар ўзгармасин, моҳият ҳаргиз ўзгармайди.

Шу сабабли Ислом даъватини ёйиш очиқ-ошкора баён қилишни, журъат, қобилият, қодирлик, тафаккур, фикрат ва тариқатга зид бўлган ҳар қандай йўналишларни баҳсга чорлашни, натижа ва вазиятлардан кўз юмиб, уларнинг сохталигини очиб ташлаш учун юзма-юз курашишни талаб қилади.

Ислом даъватини ёйиш - халқ оммасига мувофиқ келадими ёки номувофиқми, одамларнинг одатларига тўғри келадими ёки тескарими, одамлар уни қабул қиладими ёки қўл силтаб, унга қарши курашадими, буларнинг барчасидан қатъий назар - хўжайинлик фақат Ислом мабдасиники бўлишини тақозо этади. Демак, даъватни олиб чиқувчи халққа тилёғламалик қилмайди, ялинмайди, қўлидан иш келадиганларга иккиюзламачилик қилиб, чиройли кўринишга уринмайди. Одамларнинг урф-одатлари, тақлидларига эътибор бермайди. Одамлар уни қабул қиладими ёки унга қўл силтайдими, буни ҳисобга олмайди. Балки фақат мабданигина маҳкам тутади. Мабдадан бошқа ҳеч нарсани ҳисобга олмай, ёлғиз унигина баён қилади. Бошқа мабдалар вакилларига ўз мабдангизда қолаверинг, - дейилмайди, балки улар мабдани қабул қилишга мажбурланмаган ҳолда бу мабдага даъват қилинади. Чунки даъват Ислом мабдасидан ўзга мабда бўлмаслигини, хўжайинлик фақат унга берилишини тақозо этади.

هُوَ الَّذِي أَرْسَلَ رَسُولَهُ بِالْهُدَىٰ وَدِينِ الْحَقِّ لِيُظْهِرَهُ عَلَى الدِّينِ كُلِّهِ وَلَوْ كَرِهَ الْمُشْرِكُونَ

– „Мушриклар ёқтирмасалар ҳам барча динлардан устувор қилиш учун ўз Расулини энг тўғри йўл ва ҳақ дин билан юборган ўша Оллоҳдир“.

[9:33]

Расулulloҳ ﷺ барчани фикрий баҳсга чақириб, мақсадларини ошкора баён этиб, ўзлари даъват қилаётган ҳақиқатга тўла ишонган ҳолда ўз рисолатларини олиб келдилар. У зот бутун дунёни баҳсга чақирар эканлар, одамларнинг қизилу қорасига уруш эълон қилар эканлар, урф-одатлар, тақлидлар, динлар, эътиқодлар, ҳукмдорлар ёки оддий халқ билан ҳисоблашмас, Ислом рисолатидан бошқа ҳеч нарсага қайрилиб боқмас эдилар. У киши даъватларини Қурайшдан бошлаб, унинг илоҳларини зикр қилиб, айбини очиб ташладилар. Эътиқодлари хусусида баҳсга чақириб,

уларнинг аҳмоқликларини фош қилдилар. Ҳолбуки, у зот бир четдаги оддий инсон бўлиб, ўзлари даъват қилаётган Исломга бўлган чуқур ишончларидан ўзга қуроллари, тайёргарликлари ва мададкорлари йўқ эди. Шундай бўлса-да, арабларнинг урф-одатлари, тақлидларига ҳам, динлари ва эътиқодларига ҳам эътибор бермадилар. Бу хусусда уларга чиройли кўринишга ҳаракат қилмадилар. Уларни риоя ҳам қилмадилар.

Худди шу каби, Ислом даъватини ёювчи шахс барчани баҳсга чақириб, мақсадини ошкора баён этади; урф-одатларни, тақлидларни, чирик фикрларни ва нотўғри тушунчаларни, ҳатто нотўғри бўлса - барча унга қарши курашга отланса ҳам - афкори оммани ҳам баҳсга тортади. Ўзга эътиқод ва динлар вакилларининг тарафкашлигига, у динларнинг залолатида қотиб қолганларнинг ўчинтиқомларига гирифтор бўлса ҳам, ўша эътиқод ва динларнинг барчасини баҳсга чақиради.

Ислом даъватини ёйиш Ислом аҳкомлари мукаммал ижро қилинишига интилишни ҳамда - ҳар қанча кичик ва арзимас бўлиб кўринмасин - бирор ишда бепарволик қилмасликни тақозо этади. Даъватни ёювчи тилёғламалик, бепарволик ёки суствлик ва вақтни чўзиб ўтиришга рози бўлмайди. Балки ишни тўла қўлга олиб, фурсатни қўлдан бой бермай, ўз ўрнида ҳал қилади ва ҳақиқат олдида ҳеч қандай шафоатчиларни қабул қилмайди. Расулulloҳ ﷺ Сақиф қабиласи элчиларидан уларнинг санамлари Лотни уч йил синдирмай туриш ва, Исломга кириш эвазига, уларни намоздан озод қилиш таклифини қабул қилмадилар. Кейин улар икки йил, ҳеч бўлмаса бир ой Лотни бузмай туришни талаб қилдилар. Расулulloҳ ﷺ бунга ҳам рози бўлмай, уларнинг талабларидан мутлақо юз ўгирдилар. Бу қатъий жавоб эди. Унда иккиланиш ва шафқат йўқ эди. Чунки инсон ё иймон келтиради ёки иймон келтирмайди. Натижа эса ё жаннат ёки жаҳаннам. Лекин Расул ﷺ уларнинг бутлари Лотни улар ўз қўллари билан бузмасликлари талабини қабул қилиб, уни бузиб ташлашни Абу Суфён ва Муғийра ибн Шуъбага топширдилар. Ҳа, Расул ﷺ мукаммал ақида ва у тақозо этадиган ижродан бошқасига

рози бўлмадилар. Аммо восита ва шаклга рози бўлдилар. Чунки бу иккиси ушбу ақиданинг моҳиятига алоқасиздир. Шунинг учун ҳам Ислом даъвати учун фикратни мукамал сақлаш ва уни мукамал ижро қилишга интилиш зарурдир. Фикрат масаласида ҳам, тариқатда ҳам ҳеч ким риюя қилинмайди. Лекин даъват хоҳлаган воситалардан фойдалансин. Бунинг унга ҳеч қандай зарари йўқ.

Ислом даъватини ёйиш даъватнинг ҳар бир иши муайян ғоя учун амалга оширилишини тақозо этади. Даъватни ёйувчидан эса, бу ғояни доимо тасаввур қилиб, унга эришмоқ учун фаолият кўрсатиб, уни амалга ошириш учун тиним билмай меҳнат қилишни талаб қилади. Шунинг учун кўрасизки, у амалсиз фикрга рози бўлмайди. Ундай фикрни қарахт қилувчи хаёлий фалсафа деб ҳисоблайди. У ғоясиз фикр ва фаолиятга ҳам рози бўлмайди. Уни сўниш ва оз фурсатда умидсизлик қамраб олиб, ниҳоясига етадиган тебранма ҳаракат деб ҳисоблайди. Балки у фикр ва фаолият бирлиги учун ҳамда бу иккиси биргаликда амалда вужудга келтириш мумкин бўладиган муайян ғояга қаратилган бўлиши учун курашади. Расул ﷺ Маккада мафқурани ёйдилар. У зот Макка жамияти Исломнинг жамиятда амал қилинадиган низом сифатида қабул қилинишига қарши туриб олганини кўргач, Мадина жамиятини тайёрлаб, сўнгра у ерда давлатни вужудга келтириб, Исломни татбиқ қилдилар, унинг Рисолатини ёйдилар. Умматни эса ўзларидан кейин Ислом даъватини ёйиш ва чизиб берган йўлларида юришга тайёрладилар. Бунга кўра, мусулмонларнинг Халифаси мавжуд бўлмаган ҳолатда Ислом даъватини ёйиш Исломга, Исломий ҳаётни қайта бошлашга даъват қилишни ўз ичига олмоғи лозим. Бу эса ўз-ўзидан амалга ошмай, Исломни татбиқ қиладиган, унинг Рисолатини бутун оламга ёядиган, Уммат ичида Исломий ҳаётни қайта бошлаш учун олиб бориладиган даъватни давлат тарафидан бутун оламга ёйиладиган даъват даражасига кўтарадиган, Ислом оламидаги маҳаллий даъватни оламшумул даъват савиясига етказадиган Ислом Давлатини вужудга келтириш учун фаол ишлаш билангина амалга оширилиши мумкин.

Исломга қилинаётган даъватда ақидаларни тўғирлаш, Оллоҳга боғланишни кучайтириш яққол кўзга ташланиб турмоғи, инсонларга уларнинг муаммоларининг ечимлари баён қилинмоғи лозим. Токи бу даъват ҳаётнинг барча соҳаларида тирик ва жонли бўлсин. Расул ﷺ одамларга Маккада бу оятни ўқиб берар эдилар:

تَبَّتْ يَدَا أَبِي لَهَبٍ وَتَبَّ ﴿١﴾

– „Абу Лаҳабнинг қўли қуруқ қолсин!“ [111:1]

Бир вақтнинг ўзида ушбу оятни ҳам тиловат қилар эдилар:

إِنَّهُ لَقَوْلُ رَسُولٍ كَرِيمٍ ﴿٤﴾ وَمَا هُوَ بِقَوْلِ شَاعِرٍ قَلِيلًا مَّا تُؤْمِنُونَ ﴿٥﴾

– „Бу - Оллоҳнинг улуғ эътиборга молик бўлган Расули (Оллоҳнинг элчиси)нинг сўзлари. Бу «шоир»нинг сўзлари эмас. Сизлар ҳеч нарсага ишонмайсиз“. [69:40-41]

Маккада уларга бу оятни ўқиб берар эдилар:

وَيْلٌ لِّلْمُطَفِّفِينَ ﴿١﴾ الَّذِينَ إِذَا اكْتَالُوا عَلَى النَّاسِ يَسْتَوْفُونَ ﴿٢﴾ وَإِذَا كَالُوهُمْ أَوْ وَزَنُوهُمْ يُخْسِرُونَ ﴿٣﴾

– „Нарсаларни ўлчаётганда бошқаларнинг ҳаққига хиёнат қиладиганларнинг ҳолига вой бўлур. Улар одамлардан ўлчаб олсалар, ўз ҳаққидан ҳам зиёда қилиб оладилар. Ўз нарсаларини бошқаларга ўлчаб ёки тортиб бергудек бўлсалар, уларнинг ҳаққига хиёнат қиладилар, уларга зарар етказадилар“. [83:1-3]

Одамларга ушбу оятни ҳам тиловат қилар эдилар:

إِنَّ الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَهُمْ جَنَّاتٌ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ ذَلِكَ الْفَوْزُ الْكَبِيرُ

– „Оллоҳ Таолога иймон келтириб, шу эътиқод талаб қиладиган эзгу ишларни амалга оширишга бел боғлаганлар учун остидан анҳорлар оқиб турадиган жаннат боғлари муҳайёдир. Бу энг буюк ҳақиқий зафардир“. [85:11]

Мадинада эса Расул ﷺ одамларга ушбу маънодаги оятларни ўқиб берар эдилар:

وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَآتُوا الزَّكَاةَ

– „Намозни ўз вақтида мукаммал адо қилинг! Закоати беринг!“ [2:43]

Шунингдек, уларга ушбу оятни тиловат қилар эдилар:

انْفِرُوا خِفَافًا وَثِقَالًا وَجَاهِدُوا بِأَمْوَالِكُمْ وَأَنْفُسِكُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ

– „Қўлга қурол олиб, оғирми-енгилми, отличми-пиёдами, ўрнингиздан қўзғалиб, молингиз билан, жонингиз билан Оллоҳ йўлида жиҳод қилинг!“ [9:41]

Уларга тиловат қилиб берар эдилар:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا تَدَايْتُمْ بَدِينِ إِلَىٰ أَجَلٍ مُّسَمًّى فَاكْتُبُوهُ

– „Эй Оллоҳга иймон келтирганлар! Агар муайян миқдорда муайян муддатга қарзлашадиган бўлсангиз, уни гувоҳ билан ёзиб, қайд қилиб қўйинг!“ [2:282]

Уларга ўқиб берар эдилар:

كَيْ لَا يَكُونَ دُولَةً لِّلِ الْأَغْنِيَاءِ مِنْكُمْ

– „Токи, бойлик сизнинг орангизда бойлар ўртасида, улар қўлида чекланиб қолмасин!“ [59:7]

Тиловат қилар эдилар:

لَا يَسْتَوِي الْأَصْحَابُ النَّارِ وَأَصْحَابُ الْجَنَّةِ أَصْحَابُ الْجَنَّةِ هُمُ الْفَائِزُونَ

– „Жаҳаннам соҳиблари жаннат соҳибларига тенг бўла олмайдилар. Жаннатга муяссар бўлувчилар ҳақиқий ғолиблардир.“ [59:20]

Шунинг учун ҳам Ислом даъвати одамларга ҳаёт муаммоларини ҳал қиладиган низомларни олиб чиқиши лозим. Чунки Ислом даъватининг ютуғи инсонни тўла, инсон сифатида муолажа қила оладиган, унда умумий инқилобни рўёбга чиқара оладиган ҳаётий ва жонли эканлигидадир.

Бу даъватни ёювчилар агар дилларига камолотга интилиш уруғини экмасалар, доимо ҳақиқатни изламасалар, ёпишиб қолган бегона тушунчалардан тозалаш учун билган нарсаларининг ҳар бирини доимо текшириб турмасалар, олиб чиқаётган фикрлари соф тиниқ сақланиб қолиши учун, яқин турса унга илашиб олиш эҳтимоли бўлган ҳар қандай фикрни ундан йироқлаштирмасалар масъулиятнинг уддасидан чиқа олмайдилар, олдиларига қўйилган вазифани бажара олмайдилар. Чунки фикрларнинг мусаффо ва тиниқлиги муваффақият ҳамда муваффақият давоматининг ягона гаровидир.

Ва ниҳоят, бу даъватни ёювчилар даъват масъулиятини Оллоҳ буюрган вазифа сифатида адо этмоқлари, қилган

ишлари учун бировдан мукофот умид қилмай, одамлардан миннатдорлик кутмай, Оллоҳнинг розилигини излашдан бошқа нарсани билмай, Унинг розилигига эришиш умиди билан хушнуд бўлиб, ёруқ юз билан бу вожиб масъулиятга талпинмоқлари лозимдир.

ИСЛОМ ҲАЗОРАТИ

Ҳазорат-дунёқараш билан маданият ўртасида кескин фарқ мавжуд. Дунёқараш ҳаёт ҳақидаги тушунчалар мажмуасидир. Маданият эса ҳаёт ишларида истеъмол қилинадиган ва сезгилар ёрдамида ҳис қилинадиган нарсаларнинг моддий шакллари дир. Дунёқараш ҳаётдаги нуқтаи назарга кўра ўзига хос бўлса, маданият хусусий ва умумий бўлиши мумкин. Масалан, ҳайкаллар каби дунёқарашдан келиб чиқадиган маданий шакллар хусусий бўлади. Илм-фан ва унинг ривожланиши ҳамда саноат ва унинг тараққиётидан дунёга келадиган маданий шакллар умумий бўлиб, улар муайян бир умматга хос бўлмай, балки саноат ва илм-фан каби оламшумул бўлади.

Дунёқараш ва маданият ўртасидаги бундай фарқ доимо мулоҳаза қилинмоғи лозим. Шунингдек, дунёқарашдан келиб чиқадиган маданий шакллар билан илм-фан ва саноатдан келиб чиқадиган маданий шакллар ўртасидаги фарқ ҳам мулоҳаза қилинмоғи лозим. Бу эса муайян маданиятни олишда унинг шакллари ҳамда бу шакллар билан унинг дунёқарашини ўртасидаги фарқни ажрата олиш учун зарур дир. Масалан, илм-фан ва саноатдан келиб чиққан Ғарб маданиятини олишдан ман қиладиган ҳеч қандай моне йўқ. Аммо Ғарб дунёқарашидан келиб чиқадиган Ғарб маданиятини ҳеч қандай ҳолатда олиш жоиз эмас. Чунки қурилган асосида ҳам, бу дунё ҳаётини тасвирлашда ҳам, инсоннинг бахт-саодатини тушунтиришда ҳам Ислом дунёқарашига зид бўлгани учун, Ғарб дунёқарашини олиш жоиз эмас.

Ғарб дунёқарашини динни ҳаётдан ажратиш ва диннинг ҳаётдаги таъсирини инкор қилиш асосига қурилган. Ундан «Динни давлатдан ажратиш» фикрати вужудга келган. Чунки динни ҳаётдан ажратадиган, унинг ҳаётда мавжудлигини инкор қиладиганларда динни давлатдан ҳам ажратиш керак, деган фикратнинг мавжуд бўлиши табиий ҳол д ир. Ҳаёт ва унинг низоми худди мана шу асосга қурилган. Аммо ҳаётни тасвирлашда эса, у соф манфаатдан иборат, деб тасвирланади. Чунки уларда манфаат барча ишларнинг ўлчовидир. Шунинг учун ҳам манфаатдорлик низомнинг ҳам, дунёқарашнинг ҳам асосидир. Яъни, манфаатдорлик тузум ва

дунёқарашдаги кўзга яққол ташланиб турадиган тушунчадир. Чунки у ҳаётни фақат манфаатдан иборат, деб тасвирлайди. Шу сабабли уларда бахт-саодат инсонга жисмоний лаззатларнинг мумкин қадар кўпроқ қисмини бериб, унга бу лаззат воситаларини муҳайё қилиб беришдан иборат. Шунинг учун Ғарб дунёқараши соф манфаатдорликдан иборат бўлган дунёқараш бўлиб, манфаатдан бошқа нарсани ҳисобга олмайди, манфаатдорликдан ўзга нарсани тан олмай, уни барча ишларнинг ўлчовига айлантириб олади. Руҳий жиҳат эса шахснинг ўзига тааллуқли бўлиб, жамоанинг унга ҳеч қандай алоқаси йўқ. У черков ва черков кишиларига чекланган. Шунинг учун Ғарб дунёқарашида ахлоқий, руҳий ёки инсоний қийматлар мавжуд бўлмай, балки фақат моддий ва манфаат қийматлари мавжуддир. Худди шунга асосланиб, инсонпарварлик ишлари «Қизил хоч» ва миссионерлик жамиятлари каби давлатдан ажратилган ташкилотларга бўйсундирилган. Соф фойдадан иборат моддий қийматдан бошқа ҳар қандай қийматлар ҳаёт майдонидан четлатилган. Хуллас, Ғарб дунёқараши ҳаёт ҳақидаги шундай тушунчалар мажмуасидир.

Ислом дунёқараши Ғарб дунёқараши асосидан мутлақо фарқ қиладиган асосга қурилган. Унинг ҳаётни тасвирлаши ҳам Ғарб дунёқарашининг ҳаётга берган тасвиридан ўзгачадир. Ислом дунёқарашидаги бахт-саодат тушунчаси Ғарб дунёқарашидаги тушунчадан тубдан фарқ қилади. Ислом дунёқараши Оллоҳга иймон келтириш, Оллоҳ борлиқ, инсон ва ҳаёт учун муайян низом белгилаб, шу қонунга мувофиқ уларни бошқаришига ишониш ва саййидимиз Муҳаммад ﷺни Ислом дини билан расул қилиб юборганига иймон келтириш асосига қурилган. Яъни, Ислом дунёқараши Ислом ақидаси асосига қурилган. Бу ақида эса Оллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, расулларига, охират кунига, қазо ва қадарнинг яхшилиги ҳам, ёмонлиги ҳам Оллоҳ Таолодан эканлигига иймон келтиришдан иборат. Демак, ақида дунёқарашнинг асосидир. Дунёқараш руҳий асосга қурилган.

Ислом дунёқарашида ҳаётнинг тасвирланиши эса, Ислом ақидасидан балқиб чиққан, ҳаётнинг ва инсоннинг ҳаётдаги ишларининг асоси бўладиган Ислом фалсафасида

гавдаланади. Бу фалсафа - модданинг руҳ билан қоришувидан, яъни барча амаллар Оллоҳнинг буйруқ ва тақиқлари воситасида юргизилишидан иборат бўлган фалсафа - ҳаёт тасвирининг асосидир. Инсоннинг амали моддadir. Инсон бир ишни ҳалол ёки ҳаром деган нуқтаи назардан амалга ошироқчи бўлган чоғида ўзининг Оллоҳга боғлиқ эканлигини идрок қилиши эса руҳдир. Бунинг натижасида модданинг руҳ билан қоришуви ҳосил бўлади. Шунга биноан, мусулмоннинг амалларини юргизувчи омил Оллоҳнинг буйруқ ва тақиқларидир. Амалларни Оллоҳнинг буйруқ ва тақиқлари воситасида юргизишдан кўзланган гоё эса Оллоҳ Таолонинг розилигига эришмоқдир, асло манфаатдорлик эмас! Айни бир ишни амалга оширишдан кўзда тутилган мақсад эса шу ишни амалга ошираётганда қўлга киритиш кўзланаётган қийматдир. Бу қиймат эса амалнинг турига қараб ҳар хил бўлади. Гоҳида бу қиймат соф моддий бўлиши мумкин. Буни фойда ҳосил қилиш учун тижорат билан шуғулланаётган савдогар мисолида кўриш мумкин. Унинг тижорати моддий амал. Инсон ўзининг Оллоҳга боғлиқлигини идрок қилиб туриши ўз тижоратини Оллоҳнинг розилигига эришиш умидида Унинг буйруқ ва тақиқларига мувофиқ равишда юргизишга мажбур қилади. Бу ишни амалга оширишдан кўзланган қиймат фойдадир. Бу моддий қийматдир.

Гоҳида қиймат руҳий бўлади. Намоз, рўза, закот ва ҳаж амаллари каби. Гоҳида қиймат ахлоқий бўлади. Ростгўйлик, омонатли бўлиш ва вафодорлик амаллари каби. Гоҳида қиймат инсонийликдан иборат бўлади. Чўкаётган одамни қутқариш ва муҳтожга ёрдам бериш амаллари каби. Инсон бирор амални қилмоқчи бўлса, ундаги қийматларни қўлга киритиш учун уларни ўз олдига мақсад қилиб олади. Бироқ, бу қийматлар амалларни юргизадиган омил бўла олмайди. Улар мўлжалланган олий армон ҳам бўла олмайди. Балки бу қийматлар амалдан кўзланган қиймат бўлиб, амалнинг турига қараб ҳар хил бўлади.

Бахт-саодат эса Оллоҳнинг розилигига эришмоқликдир, инсон эҳтиёжларини қондириш эмас. Чунки аъзолар эҳтиёжи ва ғаризаларнинг талабидан иборат бўлган инсоннинг барча табиий эҳтиёжларини қондириш инсон

ўзини сақлаб қолиши учун зарур бўлган воситадир. Эҳтиёжларнинг қондирилишидан бахт ва саодат вужудга келмайди. Ҳаётнинг тасвири мана шундан иборат. Бу тушунчалар ҳаётнинг тасвирланишида асос бўлади. Бу Исломи дунёқарашининг асосидир. Шунга асосан, Исломи дунёқарашини Фарб дунёқарашига мутлақо зиддир. Шунингдек, ундан келиб чиқадиган маданий шакллар ҳам Фарб дунёқарашидан келиб чиқадиган маданий шаклларга мос келмайди. Масалан, қўлда чизилган сурат маданий шаклдир. Фарб дунёқарашини барча мафтун этувчи аъзолари яққол кўришиб турадиган яланғоч аёл суратини маданий шакл деб ҳисоблайди. Бу унинг ҳаётда аёл ҳақидаги барча тушунчаларига мос келади. Шунинг учун ҳам буни ҳар бир Фарблик шахс маданий шакл сифатида фахрланиш мумкин бўлган санъат лавҳаси, деб ҳисоблайди. Агар тасвир санъат шартларини ўзида мукаммал мужассам қила олган бўлса, уни санъат намунаси деб эътибор қилади. Лекин бу шакл Исломи дунёқарашига ҳамда эҳтиёт қилиниши лозим бўлган номус сифатида аёл ҳақидаги тушунчаларига мутлақо зиддир. Шунинг учун ҳам бундай тасвир ман қилинади. Чунки у жинсий ғаризани қўзғатишга сабабчи бўлиб, оқибатда ахлоқий бузуқликка олиб боради. Шунингдек, мусулмон киши маданий шакл бўлмиш уй қурмоқчи бўлса, аёл уй ташқарисидагиларга енгил либосда кўринмаслигини ҳисобга олиб, уйнинг атрофини девор билан ўрайди. Фарблик эса, ўз дунёқарашига кўра, бу нарсани ҳисобга олмайди. Фарб дунёқарашидан келиб чиқадиган ҳайкал ва бошқалар каби маданий шакллар ҳам юқоридагилар каби дир. Шунингдек, либослар ҳам, агар кофирлиги эътибори билан кофирларнинг ўзига хос бўлса, мусулмон киши учун жоиз эмас. Чунки бундай ҳолда либослар муайян нуқтаи назарни ўзида мужассам этган бўлади. Кофирлар - кофирлиги эътибори билан эмас, балки бирор эҳтиёж ёки зийнат учун - муайян либосларда танилиб қолган бўлсалар, бундай либослар умумий маданий шакллардан ҳисобланаверади ва уларни истеъмол қилиш жоиздир.

Лаборатория ускуналари, тиббиёт ва саноат асбоблари, мебел, маиший буюмлар ва шу каби илм ва саноат тараққиётдан келиб чиқадиган маданий шакллар эса

оламшумул маданий шакллар бўлиб, уларни олишда ҳеч нарсага эътибор берилмайди. Чунки улар дунёқарашдан келиб чиққан эмас ва дунёқарашга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Бугунги кунда дунёда ҳукм суриб турган Ғарб дунёқарашига енгилгина назар ташлар эканмиз, бизга шу нарса аён бўладики, Ғарб дунёқарашини инсониятга хотиржамликни кафолатлаб беришга қодир эмас. Балки аксинча, тиконлар орасида олам тўлғанаётган ҳамда унинг ўтида қовурилаётган, кўз ўнгимизда рўй бериб турган бахтсизликларга сабабчи бўлди. Инсон фитратига зид равишда динни ҳаётдан ажратишни ўзига асос қилиб олган, умумий ҳаёт соҳаларида руҳий жиҳатга ҳеч қандай ўрин бермайдиган, ҳаётни фақат манфаатдан иборат деб, тасвирлайдиган, ҳаётда инсонни инсонга боғлайдиган восита соф манфаатдир, деб ҳисоблайдиган бундай дунёқараш фақат моддий бахтсизлик ва изтиробнигина келтириб чиқарди. Модомики бундай манфаат асос бўлар экан, уни талашиб табиийдир, унга эришиш йўлида курашиш табиийдир, башарият орасида алоқаларни ўрнатиш йўлида кучга таяниш табиийдир. Шунинг учун ҳам бу дунёқараш вакилларида мустамлакачилик табиий, ахлоқ эса тумтароқ бўлади. Чунки ягона манфаатгина ҳаётнинг асоси бўлиб қолаверади. Шунинг учун ҳам ҳаёт майдонидан руҳий қийматлар бадарға қилингани каби, олийжаноб ахлоқий қийматларнинг ҳаётдан қувғин қилиниши, ҳаётнинг ўзи ҳам талашиб-тортишиш, кураш, тажовуз қилиш ва мустамлакачилик асосига қурилиши табиийдир. Бугунги кунда оламда тарқалган башарият кўнглидаги руҳий инқирозлар, доимий беқарорлик ва ҳар тарафга қулоч ёйган ёвузликлар бу дунёқараш оқибатларининг ёрқин далилидир. Чунки мана шу дунёқараш бутун оламда ҳукмрондир. Айни шу дунёқараш шундай даҳшатли ва инсоният учун хатарли бўлган натижаларга олиб келди.

VI милодий асрдан XVIII милодий аср охирларига қадар оламда ҳукмрон бўлган Ислом дунёқарашига назар ташлар эканмиз, биз учун шу нарса аён бўладики, Ислом дунёқарашини асло мустамлакачи бўлган эмас. Унинг табиатида мустамлакачиликнинг ўзи йўқ. Чунки у ҳеч қачон мусулмонлар билан бошқаларни ажратмаган. Ҳукмронлик

асносида унга бўйсунган барча халқларга адолатни кафолатлаган. Зеро у моддий қийматдан тортиб, рухий, ахлоқий ва инсоний қийматларгача барчасини рўёбга чиқарадиган рухий асосга қурилган дунёқарашдир. У ҳаётда энг асосий аҳамиятни ақидага беради. Ҳаётни Оллоҳнинг буйруқ ва тақиқлари асосида юргизилиши лозим, деб тасвирлайди. Бахт-саодатнинг маъноси эса Оллоҳнинг розилигига эришмоқлик, деб билади. Ислом дунёқараши - ўтмишда ҳукмрон бўлгани каби - ҳукм сура бошлаган чоғда, оз фурсат ичида бутун оламдаги инқирозларнинг муолажаларига кафолат бериб, бутун инсоният учун фаровонликни таъминлайди.

ИСЛОМ НИЗОМИ

Ислом инсоннинг ўз Яратувчиси, ўзи ва бошқа инсонлар билан қиладиган алоқаларини тартибга солиш учун Оллоҳ саййидимиз Муҳаммад ﷺга нозил қилган диндир. Инсоннинг ўз Яратувчиси билан бўладиган алоқаси ақидалар ва ибодатларни, унинг ўзига бўлган алоқаси ахлоқ, емак-ичмак ва либосларни, бошқа инсонлар билан бўладиган алоқаси эса муомала ва жазо чораларини ўз ичига олади. Ислом ҳаётнинг барча ишлари учун мўлжалланган мабдадир. У илоҳиёт дини эмас. Унинг коҳинликка ҳеч қандай алоқаси йўқ. У ҳар қандай автократия (диний истибдод)га чек қўяди. Исломда дин кишилари жамоаси ва дунё кишилари жамоаси деб номланадиган гуруҳлар йўқ. Балки Исломга эътиқод қиладиган барча инсонлар мусулмонлар деб номланади, уларнинг барчаси дин олдида баробардирлар. Шунинг учун ҳам унда руҳонийлар ва замонавий кишилар бўлмайди. Исломдаги руҳий жиҳат эса, жонли ва жонсиз нарсалар Яратувчининг яратган махлуқлари эканлиги ҳамда Унинг амри билан бошқариб турилишидадир. Чунки борлиқ, инсон ва ҳаётга, уларнинг атрофидаги ва уларга тааллуқли бўлган нарсаларга чуқур назар солиб, бундан хулосалар чиқариш инсонга бу нарсаларнинг барчасида сезилиб турадиган, мушоҳада қилиш мумкин бўлган нуқсон, ожизлик ва муҳтожликни яққол кўрсатиб беради. Бу эса ушбу нарсалар Яратувчининг махлуқлари бўлиб, Унинг амри билан бошқариб турилганига, инсон эса ҳаётда умр кечириб борар экан, унга ғаризалари ва узвий эҳтиёжларини тартибга солиб турадиган низом зарур эканлигига қатъий далолат қилади. Бу низом инсон тарафидан ҳосил бўлмайди. Чунки у ожиз ва ҳамма нарсани била олмайди. Унинг тартиб ҳақидаги тушунчалари тафовут, ихтилоф ва зиддиятларга гирифтор бўлиб туради. Бундай тушунчадан инсонни бахтсизликка олиб борувчи зиддиятли низом вужудга келади. Шунинг учун ҳам бу низом сўзсиз Оллоҳ Таоло тарафидангина олиниши лозим. Шунинг учун ҳам инсон барча амалларини Оллоҳ тарафидан юборилган низом билан юргизмоғи лозим. Бироқ, бу низом билан иш юргизиш ундан келадиган фойдага асосланадиган бўлса, унинг Оллоҳ Таоло

тарафидан белгиланган низом эканлигига асосланмаса, у ҳолда бу низомда руҳий жиҳат бўлмайди. Шунга биноан, барча амалларда руҳ мавжуд бўлиши учун инсон ўзининг Оллоҳга боғлиқлигини идрок қилиши асосида ҳаётдаги барча амалларини Оллоҳнинг буйруқ ва тақиқлари ёрдамида тартибга солмоғи лозим. Яъни, аввало инсон ўзининг Оллоҳга алоқадорлигини идрок этмоғи лозим. Сўнг мана шу Оллоҳга алоқадорлиги ҳақидаги идрокига биноан барча амалларини Оллоҳнинг амр ва наҳийлари ёрдамида юргизади. Ана шундагина амалларни қилаётганида руҳ вужудга келади. Чунки руҳ инсон ўзининг Оллоҳга алоқадорлигини идрок этмоғидир. Руҳнинг модда билан қоришуви эса, амални бажараётган чоғда Оллоҳга боғлиқлик ҳақидаги идрокнинг мавжуд бўлишидир. Демак, амал моддадир. Амални бажармоқчи бўлган пайтда Оллоҳга боғлиқликни идрок қилиб туриш руҳдир. Шунга кўра, ўша алоқани идрок қилишга биноан амални Оллоҳнинг буйруқ ва тақиқлари ёрдамида юргизиш модданинг руҳ билан қоришувидир. Бундан келиб чиқадики, мусулмон бўлмаган шахс амалларини Қуръон ва Суннатдан ишлаб чиқилган шариат аҳкомлари ёрдамида юргизса ҳам, амалларини руҳ билан идора этган бўлмайди. У шахсда модданинг руҳ билан қоришуви ҳосил бўлмайди. Чунки у Исломга иймон келтирган эмас ва Оллоҳга боғлиқликни идрок этган эмас. Балки унга ёқиб қолгани учун шариат аҳкомларини низом сифатида қабул қилди-да, унинг ёрдамида амалларини тартибга солди. Мусулмон эса бунинг аксидир. Унинг ўз амалларини Оллоҳнинг буйруқ ва тақиқларига мувофиқ равишда амалга ошириши ўзининг Оллоҳга боғлиқлигини идрок қилиши асосига қурилган. Амалларини Оллоҳнинг буйруқ ва тақиқлари ёрдамида юргизишдан кўзланган ғояси фақат низомдан фойдаланиш эмас, балки Оллоҳнинг розилигига эришмоқдир. Шунга биноан, нарсаларда руҳий жиҳатнинг мавжуд бўлиши ва амалларни бажараётганда руҳнинг мавжуд бўлиши зарурдир. Бундан ташқари, барчага доимо аён бўлиши лозимки, руҳий жиҳат нарсалар уларни яратган Яратувчининг махлуқи эканлигини англатади. Яъни, руҳий жиҳат яратилмишнинг Яратувчига бўлган алоқасидир.

Руҳ эса мана шу алоқани идрок қилиш демакдир, яъни инсон ўзининг Оллоҳ Таолога алоқадорлигини идрок этмоғидир. Руҳий жиҳат ва руҳ мана шундан иборат. Энг тўғри тушунча мана шудир. Бундан бошқаси шубҳасиз нотўғри тушунчадир. Борлиқ, ҳаёт ва инсонга теран ва ёрқин, ибратли назар солиш энг тўғри натижаларга ва ушбу энг тўғри тушунчага олиб келади.

Баъзи динларнинг назарида борлиқда ҳис қилиш мумкин бўлган ва ҳис қилиш мумкин бўлмаган - ғайбий нарсалар мавжуд. Инсонда руҳий юксалиш ва жисмоний талаб мавжуд. Ҳаётнинг эса моддий жиҳати ва руҳий жиҳати мавжуддир. Ҳис қилинадиган нарсалар ғайбий нарсалар билан зиддиятдадир. Руҳий юксалиш жисмоний талаблар билан келиша олмайди. Модда эса руҳдан ажралгандир. Шунинг учун ҳам бу икки томон - уларнинг назарида - бир-биридан ажралган. Чунки бу иккисининг ўртасидаги зиддият уларнинг табиатидаги асосий ҳолатдир, яъни уларни бир-бирига қовуштириб бўлмайди. Тарозу палласида бири оғир келса, иккинчиси енгил бўлиб қолаверади, шунинг учун охирадни хоҳловчилар руҳий жиҳатни танласин! Мана шу фикрдан насронийлик динида икки ҳокимият - руҳонийлар ҳокимияти ва замонавийлар ҳокимияти вужудга келди. «Шоҳнинг ҳаққини шоҳга, Парвардигорнинг ҳаққини Парвардигорга бер!» шунинг қабилидандир. Руҳоний ҳокимият эгалари диндорлар ва қоҳинлар эди. Улар ҳаёт майдонида руҳонийлар салтанати замонавийлар салтанатидан нуфузлироқ бўлиши учун замонавийлар ҳокимиятини ҳам ўз қўлларига олишга доимо ҳаракат қилар эдилар. Замонавийлар ҳокимияти билан руҳонийлар ҳокимияти ўртасидаги низо мана шундан келиб чиққан эди. Охири диндорлар руҳоний ҳокимиятда мустақил қилиниб, замонавийлар ҳокимиятига аралашмайдиган бўлдилар. Бу билан дин ҳаётдан ажратиб юборилди. Бунинг сабаби дин қоҳинликдан иборат эканлиғидир. Ушбу динни ҳаётдан ажратиш капитализм мабдасининг асосидир. У Фарб дунёқарашининг асоси ва Фарб мустамлакачилиги бутун дунёга тарқатаётган, даъват қилаётган фикрий етакчиликдир. Бу мафкурани Фарб ўзининг сақофат таянчига айлантириб,

унинг асосида мусулмонларнинг Исломга бўлган эътиқодини бузмақчи бўлади. Чунки у Исломни насронийлик динига умумий таққослаш йўли билан таққослайди. Кимки ушбу «Динни ҳаётдан ажратиш» ёки уни давлатдан ёки сиёсатдан ажратиш даъватини ёяр экан, у ажнабий мафкурага тобе, кофирлар орқали бошқарилаётган қўғирчоқ ва - яхши ният биланми, ёмон ният биланми - мустамлакачиликнинг гўмашталаридан биридир. У ё Исломдан мутлақо беҳабар ёки унинг душманидир.

Ислом назарида эса сезгилар идрок қила оладиган нарсалар моддий нарсалардир. Руҳий жиҳат улар Яратувчи тарафидан яралган маҳлуқлар эканлигидир. Руҳ эса инсон ўзининг Оллоҳга боғлиқлигини идрок этишидир. Шунга кўра, моддий жиҳатдан ажралган ҳолда руҳий жиҳат мавжуд бўлмайди. Инсонда эса руҳий иштиёқлар ва жасаднинг талаблари бўлмайди. Балки унда аъзолар эҳтиёжлари ва ғаризалар мавжуд бўлиб, уларни қондириш лозим. Тадайюн (диндорлик) ғаризаси ўша ғаризаларнинг биридир. Бу ғариза инсон вужудидаги табиий ожизликдан келиб чиқадиган Яратувчига ва мавжудотни бошқариб турувчи зотга муҳтожлигида кўринади. Бу ғаризаларни қондириш на руҳий ва на моддий жиҳат деб номланади, у фақат ғаризани қондиришдир, холос. Аммо бу узвий эҳтиёжлар ва ғаризалар Оллоҳ тарафидан юборилган низом асосида Оллоҳга боғлиқликни идрок этишга биноан қондирилса, бу иш руҳ билан амалга оширилган бўлади. Агар ҳеч қандай низомсиз ёки Оллоҳдан бошқа тарафидан тузилган низом асосида қондирилса, инсонни бахтсизликка олиб борадиган соф моддий қондирилиш бўлиб қолади. Масалан, нав ғаризаси ҳеч қандай низомсиз ёки Оллоҳдан бошқа тарафидан тузилган қонун асосида қондирилса, бахтсизликка сабабчи бўлади. Агар Оллоҳ Таоло тарафидан белгиланган никоҳ қонуни воситасида Ислом аҳкомлари асосида қондирилса, хотиржамлик берадиган никоҳга айланади. Диндорлик ғаризаси ҳеч қандай низомсиз ёки Оллоҳдан бошқалар тарафидан тузилган низом асосида бутларга ёки инсонларга сиғиниш билан қондирилса, бу ширк ва куфр бўлади. Агар Ислом аҳкомлари асосида қондирилса, бу ибодат

ҳисобланади. Шунинг учун ҳам нарсалардаги руҳий жиҳат риюя қилиниши, барча амаллар - инсон ўзининг Оллоҳга боғлиқлигини идрок этгани ҳолда - Оллоҳнинг буйруқ ва тақиқлари асосида, яъни руҳ билан амалга оширилмоғи лозимдир. Шунга кўра битта амалда икки нарса бўлмайди. Балки битта нарса, яъни амалнинг ўзи мавжуд. Аммо бу амалнинг соф моддий ёки руҳ билан амалга оширилган, деб сифатланиши зотан шу амалнинг ўзидан эмас, балки унинг Ислом аҳкомлари асосида ёки уларсиз амалга оширилишидан келиб чиқади. Масалан, мусулмон жангда ўз душманини қатл этиши жиҳод ҳисобланади, бунинг учун савоб олади. Чунки бу амал Ислом аҳкомлари асосида амалга оширилди. Мусулмоннинг бегуноҳ инсонни - мусулмонми ёки мусулмон эмасми - ноҳақ ўлдирishi жиноят ҳисобланади, у бу иши учун жазоланади. Чунки бу амал Оллоҳнинг буйруқ ва тақиқларига зид ишдир. Бу икки амал ҳам битта нарса, яъни қатлдир. У инсон тарафидан содир қилинаётир. Демак, қатл руҳ билан амалга оширилса ибодат, руҳсиз амалга оширилса жиноят бўлади. Шунинг учун ҳам мусулмон барча амалларини руҳ билан амалга оширмоғи лозимдир. Моддани руҳ билан қориштириш мумкингина эмас, балки вожиб ишдир. Моддани руҳдан ажратиш, яъни ҳар қандай амални Оллоҳга боғлиқликни идрок этиш асосида, Унинг буйруқ ва тақиқлари ёрдамида идора этилишдан ажратиб қўйиш асло жоиз эмас. Мана шунинг учун руҳий жиҳат моддий жиҳатдан ажратилган ҳолатларни гавдалантирадиган ҳар қандай кўринишларга чек қўйилмоғи зарурдир. Исломда диний арбоблар йўқ. Унда коҳинлик маъносигаги диний ҳокимият ҳам, диндан ажралган дунёвий ҳокимият ҳам йўқдир. Балки Ислом дин бўлиб, унинг таркибида давлат мавжуддир. Давлат, намоз аҳкомлари каби, шаръий аҳкомдир. У - Ислом аҳкомларини ижро этиш ва унинг даъватини ёйишнинг тариқатидир. Диннинг руҳий маънода чеклаб қўйилгани, сиёсат ва ҳокимиятдан четлатилганини англатадиган барча ҳолатлар бекор қилиниши вожибдир. Шунга кўра, руҳий жиҳатларни назорат қиладиган муассасалар бекор қилинади. Масжидларни бошқариб турадиган диний идоралар бекор

қилиниб, уларни маориф идоралари бошқаради. Шаръий маҳкамалар ва низомий маҳкамалар бекор қилиниб, адлия фақат Ислом билан ҳукм чиқарадиган ягона вужудга айлантирилади. Чунки Ислом ҳокимияти яхлит ва ягона ҳокимиятдир.

Ислом ақида ва тузум (низом)лардан иборат. Ақида - Оллоҳга, Унинг фаришталари, китоблари, расулларига, охираат кунига ҳамда қазо ва қадарнинг яхшию ёмони Оллоҳ Таолодан эканлигига иймон ва ишонч билдирмоқдир. Ислом Оллоҳга, Муҳаммад ﷺнинг пайғамбарлигига ва Қуръони Каримга иймон келтирмоқ каби ақл идрок қила оладиган ишларда ақидани ақл асосига бино қилди. Муғайяботларда, яъни қиёмат кунни, фаришталар, жаннат ва жаҳаннам каби ақл идрок қилиши мумкин бўлмаган ишларда эса ақидани шундай асосга қурдики, уларнинг манбаси ақл билан исбот қилинган бўлсин. Ақл билан собит бўлган манба эса Қуръони Карим ва ҳадиси мутавотирдир. Ислом ақлни манотут-таклиф (яъни, шариат олдида мукаллаф ва маъсул бўлишнинг асосий шартин) қилиб қўйди.

Тузумлар эса инсоннинг ишларини тартиб-интизомга солиб турувчи шариат аҳкомларидан иборатдир. Ислом низоми бу ишларнинг барчасини ўз ичига олса-да, бироқ уларни умумий шаклда, умумий маънолар билан ўз ичига олди, тафсилотларни эса татбиқ ишлари ижро этилаётганда умумий маънолардан ишлаб чиқиладиган қилиб қолдирди. Қуръони Карим ва ҳадиси шариф кенг йўналишларни ўз ичига олди, яъни инсоннинг - инсон сифатида - барча ҳаётини ишларининг ечимлари учун умумий маъноларни ўз ичига олиб келди. Асрлар давомида, маконлар ўзгаришига қараб, содир бўладиган муаммоларнинг жузъий аҳкомларини ўша умумий маънолардан ишлаб чиқишни мужтаҳидларга қолдирди.

Муаммоларни муолажа қилишда Исломнинг ягона йўли бор. Ислом мужтаҳид олдида шундай вазифа қўяди. У рўй берган муаммони теран тушуниб олгунча уни атрофлича ўрганади. Сўнгра бу муаммога боғлиқ бўлган шариат нусусларини ўрганади, ва ниҳоят, бу шаръий нусуслардан ўша муаммонинг ечимини ишлаб чиқади. Яъни, бу

масаланинг шаръий ҳукмини шаръий далилларидан ишлаб чиқади. Мужтаҳид бундан бошқа йўл тутиши асло мумкин эмас. Мужтаҳид муаммони ўрганиб чиқар экан, уни инсонга тегишли муаммо сифатидагина ўрганмоғи лозим, бошқа бирор нуқтаи назардан эмас. Уни иқтисодий, ижтимоий ва ҳокимиятга тааллуқли муаммо ва ҳоказолар сифатида эмас, балки - бу ҳақдаги Оллоҳнинг ҳукмини билиш учун - шаръий ҳукмга муҳтож бўлган масала сифатидагина ўрганади.

ШАРЪИЙ ҲУКМ

У бандалар амалларига тааллуқли бўлган Шореъ (шариат эгаси - Оллоҳ)нинг хитобидир. Шаръий ҳукм - Қуръони Карим ва ҳадиси мутавотир каби **қатъий** собит бўлган ёки мутавотир бўлмаган ҳадис каби **занний** (тахминий) собит бўлган бўлади. Агар субути (собит бўлганлиги) қатъий бўлса, унга яна назар ташланади - унинг далолати (маъноси) ҳам қатъий бўлса, у ўз ичига олган ҳукм қатъий бўлади. Барча фарз намозларининг ракаатлари каби. Чунки улар ҳадиси мутавотирда келган. Яна судхўрликнинг ҳаромлиги, ўғрининг қўли кесилиши, зинокорнинг дарраланиши каби. Чунки булар ҳам қатъий аҳкомлар бўлиб, улар тўғрисидаги ҳақиқат аёндр. Булар ҳақида қатъий битта фикрдан ўзга фикр мавжуд эмас.

Агар Шореънинг хитобининг субути қатъий, далолати занний (тахминий) бўлса, у ўз ичига олган ҳукм занний бўлади. Жизя ояти каби. Бу оятнинг субути қатъий, лекин унинг тафсилотидаги далолати заннийдир. Бу масалада Ҳанафия мазҳаби уни жизя деб номлаб, берилаётганда уни бераётган одамда хорлик аломати зоҳир бўлиб туришини шарт қилади. Шофиъия мазҳаби эса унинг жизя деб номланишини шарт қилмайди. Балки «қўшимча закот» номи билан йиғиб олинса бўлаверади, хорлик аломати зоҳир қилинишига ҳам зарурат йўқ. Ислом аҳкомларига бўйсунинининг ўзи кифоя, дейди.

Аммо Шореънинг хитоби мутавотир бўлмаган ҳадис каби субути занний бўлса, у ўз ичига олган ҳукм ҳам занний бўлади. Хоҳ далолати қатъий бўлсин - шаввол ойида олти кун рўза тутиш каби, чунки бу суннат билан собит бўлган, хоҳ далолати занний бўлсин - ерни ижарага бериш ман қилиниши каби, бу ҳам суннат билан собит бўлган.

Шаръий ҳукм Шореънинг хитобидан тўғри ижтиҳод қилиш ёрдамида тушуниб олинади. Шунинг учун ҳам мужтаҳидларнинг ижтиҳодигина шаръий ҳукмни изҳор қилиши мумкин. Шунга биноан, ҳар бир мужтаҳидга нисбатан Оллоҳнинг ҳукми унинг ижтиҳоди олиб борган ва тўғри бўлиши керак, деб ўйлаган ҳукмдир.

Мукаллаф бирор масалада барча шартлари топилган ҳолда ижтиҳод қилишга яроқли бўлса ва шу масалада

ижтиҳод қилиб, ижтиҳоди бу ҳақдаги бир ҳукмга олиб борса - барча иттифоқ қилганки - у ўзининг гумони вожиб қилган ҳукмга хилоф равишда бошқа бирор мужтаҳидга тақлид қилиши жоиз эмас. Ўзининг гумонини тарк қилиши ҳам жоиз эмас, магар тўрт ҳолатдагина жоиз:

Биринчиси: Агар ўз ижтиҳодида суянган далили заиф бўлиб, унинг далилидан бошқа мужтаҳиднинг далили кучлироқ бўлса. Бундай ҳолатда ижтиҳоди олиб борган ҳукмни дарҳол тарк қилиб, далили кучлироқ ҳукмни олиши вожиб.

Иккинчиси: Агар бошқа мужтаҳиднинг унга нисбатан воқедан кўпроқ хабардор ёки ҳодисаларни бир-бирига боғлашга қодирроқ эканлиги ҳамда далилларни яхшироқ тушуниши ёки далиллардан кўпроқ хабардор эканлиги зоҳир бўлса. Бундай ҳолатда ўз ижтиҳоди олиб борган ҳукмни тарк қилиб, ўзининг ижтиҳодидан кўра ишончлироқ бўлган ўша мужтаҳид ижтиҳодига тақлид қилиши жоиз.

Учинчиси: Агар мусулмонлар манфаати учун мусулмонларни бирлаштириш ирода қилинган раъй мавжуд бўлса. Бундай ҳолатда мужтаҳид ўз ижтиҳоди олиб борган ҳукмни тарк қилиб, мусулмонларни бирлаштириш ирода қилинган ҳукмни олиши жоиз. Шу шарт биланки, Усмон  билан байъатлашиш чоғида юз берган вазият каби бўлса.

Тўртинчиси: Агар ўз ижтиҳоди олиб борган ҳукмга зид бўлган шаръий ҳукмни Халифа табанний қилса. Бундай ҳолатда ўз ижтиҳоди олиб борган ҳукмга амал қилишни тарк қилиб, Имом (Халифа) табанний қилган ҳукмга амал қилиши вожиб. Чунки саҳобаларнинг ижмои шунга иттифоқ бўлганки: «Имом (Халифа)нинг амри ихтилофни бартараф қилади» ва «Имомнинг амри барча мусулмонларга нуфузlidir».

Агар ижтиҳод қилишга яроқли бўлган киши ижтиҳод қилмаса, у бошқа мужтаҳидларнинг бирига тақлид қилиши жоиздир. Чунки саҳобаларнинг ижмои шунга иттифоқ бўлганки, мужтаҳид ижтиҳод қилмай бошқа мужтаҳидларнинг бирортасига тақлид қилиши жоиздир.

Кимки ижтиҳод қилишга яроқли бўлмаса, у муқаллидир. Муқаллид икки хил бўлади: муттабиъ ва омий. Муттабиъ ижтиҳодда шарт бўлган баъзи илмларга эга шахсдир. У

далилини билгандан кейингина мужтаҳидга тақлид қилади. Мана шундагина муттабиъ учун Оллоҳнинг ҳукми ўзи эргашган мужтаҳиднинг сўзи бўлади. Омий эса ижтиҳодда эътибор қилинадиган баъзи илмларга эга бўлмаган шахсдир. У далилини билмаган ҳолда мужтаҳидга тақлид қилади. Бундай омий одам мужтаҳидларнинг сўзига тақлид қилиб, улар истинбот қилган аҳкомларга амал қилиши лозим. Унга нисбатан шаръий ҳукм ўзи тақлид қилаётган мужтаҳид истинбот қилган ҳукмдир. Шунга биноан шаръий ҳукм ижтиҳодга лаёқати бор мужтаҳид истинбот қилган ҳукмдир. Шаръий ҳукм унга нисбатан Оллоҳнинг ҳукми бўлиб, мужтаҳид бу ҳукмга хилоф иш тутиб, бошқага тақлид қилиши мутлақо жоиз эмас. Шунингдек, у истинбот қилган ҳукм унга тақлид қилаётган одамга нисбатан ҳам Оллоҳнинг ҳукми бўлиб, тақлид қилувчи ҳам бу ҳукмга хилоф амал қилиши жоиз эмас.

Муқаллид бирор ҳодисанинг ҳукмида мужтаҳидларнинг бирига тақлид қилиб, бу масалада унинг сўзига амал қилган бўлса, амал қилгандан сўнг бу ҳукмда ушбу мужтаҳиддан бошқасига мурожаат қилишга мутлақо ҳаққи йўқ. Аммо бошқа ҳукмда бу мужтаҳиддан бошқасига тақлид қилиши жоиздир. Чунки саҳобаларнинг ижмои воқе бўлганки, муқаллид бирор масаланинг ҳукмини ҳар қандай олимдан сўраб билиши мумкин. Аммо муқаллид, масалан, Шофиъий мазҳаби каби, муайян бир мазҳабни ўзи учун танлаб олиб: «Мен унинг мазҳабидаман ва унга амал қиламан», - деса, у ҳолда бунинг тафсилоти бор: тақлид қилаётган мазҳабида амал қилиб турган ҳар қандай масалада бошқага тақлид қилишга мутлақо ҳаққи йўқ. Агар бирор муайян масалада ҳали амал қилмаган бўлса, бу масалада бошқага тақлид қилишига монелик йўқ. Аммо мужтаҳид ўз ижтиҳоди билан бир масаланинг ҳукмига етиб борса ва ижтиҳоди олиб борган ҳукми тарк қилиб, бошқа мужтаҳидга тақлид қилса ҳам жоиз, шу шарт биланки - байъатлашиш чоғида Усмон  ҳолатларида рўй берган вазият каби - бу иш мусулмонларни битта фикрга бирлаштириш учун хизмат қилса.

ШАРЪИЙ АҲКОМЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Шаръий аҳкомлар фарз, ҳаром, мандуб, макруҳ ва мубоҳдан иборат. Шаръий ҳукм бажаришни талаб қилган хитоб билан ёки тарк қилишни талаб қилган хитоб билан ифодаланади. Агар у бажариш талаб қилинган хитоб билан ифодаланиб, бажариш қатъий талаб қилинган бўлса, бундай шаръий ҳукм фарз ва вожиб бўлади. Бу иккиси ҳам бир маънодадир. Агар бажариш талаб қилинган ҳолда, талаб қатъий бўлмаса, шаръий ҳукм мандуб бўлади. Агар тарк қилиш талаб қилинган хитоб билан ифодаланиб, тарк қилиш қатъий талаб қилинган бўлса, ҳаром ва маҳзур бўлади. Бу иккиси бир маънодадир. Тарк қилиш талаб қилинган ҳолда, талаб қатъий бўлмаса, ҳукм макруҳ бўлади. Шунга биноан фарз ва вожиб - уларни бажарган одам мақтовга сазовор бўладиган, тарк қилган одам тарк қилгани учун жазога гирифтор бўладиган амаллардир. Ҳаром эса қилган одам мазаммат қилинадиган, яъни тарк қилган одам мақтовга сазовор бўладиган, қилган одам эса шу ишни қилгани учун жазога гирифтор бўладиган амалдир. Мандуб - қилган одам мақтовга сазовор бўладиган, тарк қилган одам мазаммат қилинмайдиган, яъни қилгани учун савоб оладиган, тарк қилгани учун жазоланмайдиган амалдир. Макруҳ - тарк қилган одам мақтовга сазовор бўладиган ёки бажаргандан кўра тарк қилган афзалроқ амалдир. Мубоҳ эса Шореънинг хитобига далолат қиладиган самъий далил (Қуръон, ҳадис ва саҳобалар ижмои) бўлиб, уни бажариш ва тарк қилиш ихтиёрий эканлигини ифодалайдиган амалдир.

СУННАТ

Суннат луғатда йўл демакдир. Шариатда эса Набий ﷺ дан нафл (қўшимча) сифатида нақл қилинган ҳукмларга қўлланиб, суннат намозларининг ракаатлари каби суннат, яъни фарзга қўшимча, деб номланади. Суннат деб номланишнинг маъноси унинг Набий ﷺ тарафларидан, фарз эса Оллоҳ тарафидан буюрилган ҳукм, дегани эмас. Балки суннат ҳам, фарз ҳам Оллоҳ тарафидан буюрилган. Расул ﷺ эса Оллоҳ томонидан бўлган барча буйруқларни етказувчидир. Чунки у зот «ўз ҳаво-хоҳишига қараб гапирмайди. Унинг сўзлари унга ваҳий қилинаётган Ваҳийдан ўзга сўзлар эмас!» Суннат Набий ﷺ тарафларидан суннат сифатида нақл қилинган бўлса-да, бироқ у нафл (фарзга қўшимча) сифатида нақл қилинган ва суннат дея номланган. Худди шунингдек, фарз фарз сифатида нақл қилиниб, фарз деб номланган. Масалан, бомдод намозининг икки ракаат фарзи Набий ﷺ дан тавотур йўли билан фарз сифатида нақл қилинган. Бомдоднинг икки ракаат суннати ҳам Набий ﷺ дан тавотур йўли билан нафл сифатида нақл қилинган. Бу иккаласи ҳам Расул ﷺ нинг шахсан ўзларидан эмас, балки Оллоҳ Таоло тарафидан буюрилган. Демак, буйруқ ибодатларда фарз ва нофила, бошқа амалларда эса фарз, мандуб ва мубоҳ деб қабул қилинган. Нофила айти мандубнинг ўзи бўлиб, нофила деб номланган бўлса-да, аксар ҳолларда суннат деб ифодаланади.

Шунингдек, суннат сўзи Расул ﷺ дан содир бўлган, Қуръондан деб ҳисобланмайдиган шаръий далилларда ҳам истеъмол қилинади. Бунга Набий ﷺ нинг сўзлари, ишлари ва тақрир-сукутлари кирази.

РАСУЛ (АЛАЙҲИС-САЛОТУ ВАС-САЛОМ) ИШЛАРИДАН НАМУНА ОЛИШ

Набий ﷺ тарафларидан содир бўлган ишлар икки қисмдан иборат. Табиий ишлар ва табиий бўлмаган ишлар. Ўтириш, туриш, ейиш, ичиш ва шу каби табиий ишларнинг Расул ﷺга нисбатан ҳам, у зотнинг умматларига нисбатан ҳам мубоҳ эканлигида ҳеч қандай ихтилоф йўқ. Шунинг учун ҳам бу амаллар мандубга крмайди.

Табиий бўлмаган ишлар эса Расул ﷺга ҳеч ким шерик бўла олмайдиган, у зотнинг ўзларига хос ишлар ёки у кишининг ўзларига хос бўлмаган ишлардан иборат. Рўзани узлуксиз давом эттириш, яъни рўзада кундузни кечага улаб юбориш, тўрттадан ортиқ аёлларни никоҳга олиш ва шу каби - Расул ﷺнинг ўзларига хос ишлар эканлиги исботланган хусусиятларда - биз учун у кишига шерик бўлиш жоиз эмас. Бу ишлар Расул ﷺнинг ўзларига хос хусусиятлари эканлиги ижмо билан собит бўлган. Шунинг учун ҳам бу ишларда Расул ﷺдан намуна олиш жоиз бўлмайди.

Аmmo Расул ﷺнинг қилган ишлари бизга муайян амал қандай ижро этилишини баён қилиб бериш учун бўлган, деб билинган ишлар эса шубҳасиз далилдир. Бу эса гоҳида у зотнинг очиқ айтган сўзларидан билинади. Масалан, Расул ﷺнинг қуйидаги сўзлари каби: «Менинг қандай намоз ўқиганимни кўрган бўлсангиз, ўшандай намоз ўқинг»; «Барча маросимларингизни мендан олинг». Бу сўзлар Расул ﷺнинг ушбу қилган ишлари у кишининг изларидан боришимиз учун бизга берилаётган баён ва кўрсатмалар эканлигини билдиради. Баён учун қилинган амал гоҳида ҳолатнинг қарина (ишора)сидан билиб олинади. Бу эса Оллоҳ Таолонинг:

فَاقْطِعُوا أَيْدِيَهُمَا

– „Қўлларини кесинглар!“

[5:38]

деган буйруғи қандай ижро қилинишини баён қилиб, ўғрининг қўлини кафт бўғинидан кесиб кўрсатганлари

каби ҳолат ишорасидан тушуниб олинади. Гоҳида қилган ишларидаги хоҳ сўз билан, хоҳ ҳолат ишораси билан ифода этилган бундай баён далилнинг ифодасига кўра вожиб, мандуб ёки мубоҳлигида баён қилинаётган ҳукмга тобедир.

Баён учун эканлигига далолат қиладиган бирор маъно ва ифодага эга бўлмаган, на инкор ва на исбот маъноси англашилмайдиган амалларда эса қурбат (Оллоҳга яқин бўлиш) мақсади зоҳир бўлиб туради, ёки бундай мақсад зоҳир бўлмайди. Агар қурбат қасди зоҳир бўлиб турадиган амал бўлса - чошгоҳда ўқиладиган намоз суннати каби - уни қилган, унга амал қилган киши савобга эга бўлса, бу амални тарк қилган киши жазоланмайди. Агар ана шундай амалда қурбат мақсади зоҳир бўлиб турмаса, ундай амал мубоҳ туркумига киради.

ШАРЪИЙ АҲКОМЛАРНИНГ ТАНЛАБ ТАЙИН ҚИЛИНИШИ (ҚОНУНИЙЛАШТИРИЛИШИ)

Мусулмонлар саҳобалар асрида шаръий аҳкомларни бевосита ўзлари Китоб ва суннатдан олар эдилар. Қозилар одамлар орасидаги келишмовчиликларни ажрим қилар эканлар, ўзларига рўбарў бўлган ҳар бир ҳодиса ҳақидаги шаръий ҳукмни бевосита ўзлари ишлаб чиқар эдилар. Ҳокимлар ҳам, Амирул-мўмининдан волийларгача ва улардан қуйидагилар ҳам, ҳукм юритиш асносида ўзлари дуч келган ҳар бир муаммонинг муолажаси учун шаръий аҳкомларни истинбот қилиш билан бевосита ўзлари шуғулланар эдилар. Масалан, Абу Мусо ал-Ашъарий ва Шурайҳ. Уларнинг иккаласи ҳам аҳкомларни истинбот қилиб, ўз ижтиҳоди билан ҳукм чиқарадиган қозилар эди. Муъоз ибн Жабал Расул ﷺнинг ҳаётлик даврларида волий эди ва ҳукмларни ўзи истинбот қилиб, ўз вилоятида ўз ижтиҳоди билан ҳукм юритар эди. Абу Бакр ва Умар ҳам халифалик даврларида ҳукмларни бевосита ўзлари истинбот қилиб, ҳар бири ўзи истинбот қилган ҳукм билан одамлар устидан ҳукм юритар эди. Муовия ва Амр ибн Ос ҳам ҳар бир ҳукмни бевосита ўзлари истинбот қилиб, ўз ижтиҳодлари бўйича ишлаб чиққан ҳукмлар билан ўз вилоятларида одамлар устидан ҳукм юритишар эди. Волийлар ва қозилардаги бундай ижтиҳодларнинг мавжуд бўлиши билан бирга Халифа махсус шаръий ҳукмни табанний (танлаб олиб тайин) қилар ва одамларни шу ҳукмга амал қилишга буюрар эди. Улар, ўз навбатида, шу ҳукмга амал қилишни лозим деб билиб, дарҳол ўз раъйлари ва ижтиҳодларини тарк этар эдилар. Чунки шаръий ҳукм шунга буюрадики, «Имом (халифа)нинг буйруғи зоҳирда ҳам, ботинда ҳам нуфузlidir». Жумладан, Абу Бакр уч талоқ деб айтилганда бир талоққа ҳисоб қилинишини ва Исломга илгарироқ киргани ёки шунга ўхшаш бошқа сифатлардан қатъий назар, мусулмонлар орасида бойликни тенг тақсимлаш ҳақидаги ҳукмларни табанний қилган. Мусулмонлар бу ҳукмларда унга эргашганлар. Қозилар ва волийлар ҳам шу ҳукмлар

асосида ҳукм юритганлар. Умар халифаликка келгач, бу икки ҳодисада Абу Бакрнинг раъйига хилоф равишда бошқа раъйни табанний қилиб, уч талоқ деб бир марта айтилгандаёқ уч талоқ ҳисобига ўтиши лозим, деб амр қилди. Бойликни эса Исломга илгарироқ кирганлиги ва эҳтиёжига қараб, тенгликни эмас, афзалликни танлаб тақсим қилишни табанний қилди ва бу ишларда мусулмонлар унга эргашдилар. Қозилар ва волийлар ҳам шу ҳукмлар билан ҳукм қилдилар. Сўнгра Умар жангда ўлжага олинган ерларни байтул-молда ўлжага олинган мулк сифатида сақланишини шаръий ҳукм маъносида табанний қилди. Бу ҳукмга кўра, ер жангчиларга ҳам ва бошқа мусулмонларга ҳам тақсим қилиб берилмай, ўз эгаларининг қўлида қолиши лозим бўлар эди. Бу ишда ҳам волийлар ва қозилар унга эргашдилар, унинг табанний қилган ҳукмига асосан юрдилар. Ижмо, яъни саҳобаларнинг иттифоқи шунга келиб тўхтаган эдики, имом (халифа) муайян ҳукмларни табанний қилиб, унга амал қилишга буюриш ҳуқуқига эга. Мусулмонлар эса, табанний қилинган ҳукмлар уларнинг ижтиҳодига зид бўлса ҳам, бу ҳукмларга итоат қилишга мажбурдирлар. Машҳур шаръий қоидалар ҳам мавжуддир, хусусан: «Султон рўй бераётган муаммоларга қараб, уларга тааллуқли ҳукмларни ишлаб чиқишга ҳақлидир»; «Имомнинг амри ихтилофни бартараф этади»; «Имомнинг амри зоҳирда ҳам, ботинда ҳам нуфузlidir». Шунинг учун кейинги халифалар ҳам муайян ҳукмларни табанний қилишда давом этдилар. Масалан, Ҳорун ар-Рашид иқтисод соҳасида «ал-Харож» китобини табанний қилиб, одамлардан бу китобда келтирилган ҳукмларга амал қилишни қатъий талаб қилган эди.

ИСЛОМДА АХЛОҚ

Ислом - Оллоҳ Таоло саййидимиз Муҳаммад ﷺ га инсоннинг яратган Яратувчиси билан, ўз шахсига нисбатан ва бошқа инсон фарзандлари билан бўладиган алоқаларини тартибга солиш учун нозил қилган дин, деб таъриф берилган. Инсоннинг ўз Яратувчиси билан бўладиган алоқаси ақида ва ибодатларни ўз ичига олади, ўз шахсига нисбатан бўладиган алоқаси ахлоқ, емак-ичмак ва кийиниш масалаларини ўз ичига олади, бошқа инсонлар билан бўладиган алоқалари эса муомалот ва жазо чораларини ўз ичига олади.

Ислом инсоннинг барча муаммоларини ҳал қилиб беради. У инсонга ажралмас бир бутун вужуд сифатида қарайди. Шунинг учун унинг муаммоларини ягона тариқат билан ҳал қилади. Ислом ўз низомини руҳий асос устига қурди. Бу асос ақидадир. Шундан руҳий жиҳат унинг дунёқараши, давлати ва шариатининг асоси бўлиб қолди.

Ислом шариати ибодат, муомалот ва жазо низомлари каби низомларни теранлик билан баён қилиб берган бўлса-да, ахлоқ учун алоҳида батафсил низомни баён қилмади. Балки ахлоқ аҳкомларини Оллоҳнинг буйруқ ва тақиқлари деган эътиборда муолажа қилиб, бошқалардан ажралиб турадиган, алоҳида аҳамият бериш керак бўлган соҳа, деган эътибор билан унинг тафсилотига киришмади. Аксинча, ахлоқ аҳкомларининг тафсилотларига қаралса, улар бошқа ҳукмларнинг тафсилотидан кўра жуда ҳам оз эканлиги аён бўлади. Ислом фикҳда ҳам ахлоқ учун ўзига хос алоҳида боб ажратмаган. Шунинг учун шаръий аҳкомларни ўзида мужассам этган фикҳ китобларининг бирортасида «Ахлоқ боби» деб номланган бобни учратмайсиз. Фуқаҳо ва мужтаҳидлар ҳам ахлоқий аҳкомларга баҳс ва истинбот мақсадида эътиборларини қаратмаганлар.

Ахлоқ жамият қурилишига ҳаргиз таъсир кўрсата олмайди, чунки жамият ҳаёт қонунлари асосига қурилиб, унга асосан туйғулар ва фикрлар таъсир кўрсатади. Хулқ эса жамият қурилишига ҳам, тараққий этиши ёки емирилишига ҳам таъсир эта олмайди. Балки таъсир кўрсатувчи омил ҳаёт ҳақидаги тушунчалардан пайдо

бўладиган умумий урфдан иборатдир. Жамиятни бошқарадиган куч хулқдан иборат бўлмай, балки унда татбиқ қилинаётган қонунлар ҳамда одамлар ўзида мужассам этган фикрлар ва туйғулардан иборатдир. Зотан хулқ эса фикрлар ва туйғулардан пайдо бўлиб, тузум татбиқининг натижасидир.

Шунга биноан, жамиятда ахлоққа даъват этишни ёйиш жоиз эмас, чунки ахлоқ Оллоҳ Таоло буйруқларининг натижаси бўлиб, ақидага ҳамда умумий шаклда Исломни татбиқ қилишга даъват этишдан ҳосил бўлади. Ахлоққа даъват этилса, ҳаёт ҳақидаги Ислом берадиган тушунчалар тескари акс этиши, одамларни жамиятнинг ҳақиқати ва таянчларини тушунишдан узоқлаштириб юборилиши ҳамда ҳаёт тараққий этишининг ҳақиқий воситаларидан ғафлатда қолишга олиб борадиган айрим фазилатлар билан маст қилиб қўйилиши мумкин.

Шунинг учун Исломга қилинадиган даъватни ахлоққа даъват этишга айлантириш хатарлидир. Чунки бундай ҳолат Ислом даъвати ахлоқий даъватдан иборат, деган хаёлни вужудга келтириб, Ислом ҳақидаги фикрга асосланган тасаввурни ўчириб, одамларнинг Исломни тушунишларига тўсқинлик қилади. Шунингдек, уларнинг эътиборини Исломнинг татбиқ қилинишига олиб борадиган ягона йўлдан - Ислом Давлатини қуришдан бошқа тарафга буриб юборади. Ислом шариати инсоннинг ўз шахсига нисбатан қиладиган алоқасини ахлоқий сифатларга тааллуқли шаръий аҳкомлар билан муолажа қилар экан, буни ибодат ва муомалот каби муайян низом кўринишида шакллантирмай, бу соҳада ростгўй ва омонатли бўлиш, гирром ва ҳасадгўй бўлмаслик каби Оллоҳ буюрган муайян қийматларни рўёбга чиқаришни мулоҳаза қилди. Ахлоқ ягона-биргина нарсдан ҳосил бўлади. У ҳам бўлса олийжаноблик ва турли фазилатлар каби ахлоқий қийматларни ҳосил қилишга ундайдиган Оллоҳнинг буйруғидан иборат. Омонат хулқ бўлиб, Оллоҳ унга буюрган. Уни амалга ошираётганда ундаги ахлоқий қийматга риоя қилиниши вожибдир. Шунга қараб, омонат воситасида ахлоқий қиймат рўёбга чиқади-да, сўнгра уни

ахлоқ деб номлаш мумкин бўлади. Амаллар натижасида ёки муомалотни амалга ошираётганда риоя қилиниши вожиб бўлгани учун ҳосил бўлаётган сифатлар, яъни намознинг натижаси ўлароқ вужудга келадиган ифбат ёки савдодаги ростгўйлик каби сифатларнинг вужудга келишидан бевосита ахлоқий қиймат ҳосил бўлиб қолмайди. Чунки бундай амалга киришаётганда асосий мақсад ахлоқий қийматни амалга ошириш эмас эди. Амаллар натижасида ва риоя қилиш вожиб бўлгани учун вужудга келадиган бундай сифатлар Оллоҳга ибодат қилаётган ва муомалот билан шуғулланаётган ҳолатдаги мўмин одамнинг ахлоқий сифатларидир, холос. Чунки мўмин одам биринчи мисолда намоздан руҳий қийматни ҳосил қилиш, иккинчисида эса тижоратдан моддий қийматни ҳосил қилишни ўз олдига мақсад қилиб олган бўлиб, бир вақтнинг ўзида ахлоқий сифатларни ҳам ўзида мужассам этади.

Шариат яхши хулқ деб ҳисобланадиган сифатларни ҳам, ёмон хулқ деб ҳисобланадиган сифатларни ҳам баён қилиб, яхши хулққа тарғиб қилди ва ёмон хулқдан қайтарди. Ростгўйлик, омонатдорлик, очиқ юзлилик, ҳаё, ота-онага яхшилик қилиш, қариндошлар билан доимо яхши муносабатда бўлиш, мусибат ва қайғули ҳолатларда кўнгил сўраш, инсон ўзи ёқтирган нарсани дўстига ҳам илиниши каби сифатларга тарғиб қилиб, бу тарғиб ва шу каби эзгуликларни Оллоҳнинг буйруқларига итоат этишга чорлаш, деб ҳисоблади. Бу сифатларнинг акси бўлган ёлғон гапириш, хиёнат, ҳасад, беҳаёлик ва шу кабилардан қайтарди. Бундай тақиқ ва шу каби жирканчликлардан қайтаришни Оллоҳ тақиқ этган амаллардан қайтариш, деб ҳисоблади.

Ахлоқ ушбу шариатнинг бир жузъи, Оллоҳнинг буйруқ ва тақиқларининг бир қисми бўлиб, ҳар бир мусулмон Исломига тўла амал қилиб, Оллоҳнинг буйруқларини камолига етказиб бажариши учун уни ўз шахсиятида тўлиқ мужассам этмоғи лозимдир. Лекин бутун бир жамиятда ахлоқнинг мужассам бўлишига эришмоқ фақат Исломи туйғулар ва фикрларни вужудга келтириш йўли билан амалга оширилади. Ахлоқ муайян бир жамоада рўёбга

чиқарилса, у ўз-ўзидан ҳар бир шахсда ҳам шаклланиб боради. Ахлоқнинг мужассам бўлишига эришмоқ бевосита ахлоққа даъват қилиш билан амалга ошмайди. Бу аниқ бир тушунчадир. Билъакс, юқорида унга ишора қилинганидек, Исломнинг ўзига хос туйғулари ва фикрларини вужудга келтириш билан эришилади. Лекин бу аввало муайян бир гуруҳни мукамал Ислом билан тарбияламоқни талаб этади. Бу гуруҳдаги шахслар ўз ташвиши билан яшайдиган мустақил шахслар каби эмас, балки жамоанинг ажралмас бир қисмидан иборат бўлмоғи даркор. Токи улар жамиятда мукамал Ислом даъватини майдонга олиб чиқиб, Исломнинг ўзига хос туйғулари ва фикрларини вужудга келтирсинлар. Бунинг натижасида одамлар Исломга гуруҳ-гуруҳ бўлиб кириб келар экан, ўз-ўзидан ахлоқ майдонига ҳам гуруҳ-гуруҳ бўлиб кириб кела бошлайди. Теранроқ фикр юритиш лозимки, бу сўзимиз Оллоҳнинг буйруқлари ва Исломнинг татбиқ этилишида ахлоқ қанчалик аҳамиятли эканини ҳамда илоҳий буйруқлар ва Ислом татбиқининг асло ажралмас зарурати эканини англатади ва ҳар бир мусулмон ўз шахсиятида чиройли хулқларни мужассам этмоғи зарур эканлигини таъкидлайди.

Оллоҳ Таоло Қуръони Каримнинг кўпгина сураларида инсон ўзида мужассам этиши ва доимо интилиши вожиб бўлган сифатларни баён қилган. Бу сифатлар эътиқод, ибодат, муомалот ва ахлоқдан иборат бўлиб, бу тўрт сифат барчаси яхлит бир мажмуага айланмоғи лозим.

Оллоҳ Таоло «Луқмон» сурасида шундай дейди:

وَإِذْ قَالَ لُقْمَانُ لِابْنِهِ وَهُوَ يَعِظُهُ يَا بُنَيَّ لَا تُشْرِكْ بِاللَّهِ إِنَّ الشِّرْكَ لَظُلْمٌ عَظِيمٌ ﴿١٣﴾ وَوَصَّيْنَا الْإِنْسَانَ بِوَالِدَيْهِ حَمَلَتْهُ أُمُّهُ وَهَنَا عَلَى وَهْنٍ وَفَصَّالَهُ فِي عَامَيْنِ أَنْ اشْكُرْ لِي وَلِوَالِدَيْكَ إِلَيَّ الْمَصِيرُ ﴿١٤﴾ وَإِنْ جَاهَدَاكَ عَلَى أَنْ تُشْرِكَ بِي مَا لَيْسَ لَكَ بِهِ عِلْمٌ فَلَا تُطِعْهُمَا وَصَاحِبِهُمَا فِي الدُّنْيَا مَعْرُوفًا وَاتَّبِعْ سَبِيلَ مَنْ أَنَابَ إِلَيَّ ثُمَّ إِلَيَّ مَرْجِعُكُمْ فَأُنَبِّئُكُمْ بِمَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿١٥﴾ يَا بُنَيَّ إِنَّهَا إِنْ تَكُنْ مِثْقَالَ حَبَّةٍ مِنْ خَرْدَلٍ فَتَكُنْ فِي صَخْرَةٍ أَوْ فِي السَّمَاوَاتِ أَوْ فِي الْأَرْضِ يَأْتِ بِهَا اللَّهُ إِنَّ اللَّهَ لَطِيفٌ خَبِيرٌ ﴿١٦﴾ يَا بُنَيَّ أَقِمِ الصَّلَاةَ وَأْمُرْ بِالْمَعْرُوفِ وَانْهَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَأَصْبِرْ عَلَى مَا أَصَابَكَ إِنَّ ذَلِكَ مِنْ عَزْمِ الْأُمُورِ ﴿١٧﴾ وَلَا تُصَعِّرْ خَدَّكَ لِلنَّاسِ وَلَا

تَمْشِ فِي الْأَرْضِ مَرَحًا إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ كُلَّ مُخْتَالٍ فَخُورٍ ﴿١٨﴾ وَأَقْصِدْ فِي مَشْيِكَ
وَأَغْضُضْ مِنْ صَوْتِكَ إِنَّ أَنْكَرَ الْأَصْوَاتِ لَصَوْتُ الْحَمِيرِ ﴿١٩﴾

– „Эсланг, Луқмон ўғлига панд-насиҳат қилар экан, деган эди: «Эй, ўғилчам, Оллоҳга ширк келтирмагин! Чунки ширк келтириш катта зулmdir». Биз инсонга ота-онасини (яъни, уларга яхшилик қилишни) амр этдик. Онаси унга ожизлик устига ожизлик билан ҳомиладор бўлди (яъни, она қорнидаги ҳомила каттарган сари онанинг ҳоли қуриб, заифлаша борур). Уни (кўкракдан) ажратиш (муддати) икки йилдан (келур). (Биз инсонга буюрдикки), «Сен Менга ва ота-онангга шукр қилгин! Ёлғиз Ўзимга қайтажаксан!» Агар улар (яъни ота-онанг) сени ўзинг билмаган нарса-ларни Менга шерик қилишга зўрласалар, у ҳолда уларга итоат этма! Уларга (гарчи кофир бўлсалар-да), дунёда яхши муомалада бўлгин ва ўзинг Менга ижобат-тавба қилган кишиларнинг йўлига эргашгин! Сўнгра (яъни, қиёмат кунида) Ўзимга қайтурсизлар, бас, Мен сизларга қилиб ўтган амалларингизнинг хабарини берурман. (Луқмон деди): «Эй ўғилчам, шак-шубҳа йўқки, агар хардал уруғидек (бир зарра яхши ёки ёмон амал қилинадиган) бўлса, бас, у (амал) бирон харсанг тош ичида ё осмонларда ёки ер ости-да бўлса, ўшани-да Оллоҳ келтирур. Зеро, Оллоҳ сергак ва огоҳдир. Эй ўғилчам, намозни тўқис адо эт, яхшиликка буюр ва ёмонликдан қайтар ҳамда ўзингга етган (бало)-ларга сабр қил! Албатта, мана шу ишларнинг мақсадга мувофиғидир. Одамлардан (мутакаббирлик билан) юзингни ўгирмагин ва ерда кибру ҳаво билан юрмагин. Чунки Оллоҳ барча кибр-ҳаволи, мақтанчоқ кимсаларни суймас. Юрганингда ўртача югин ва овозингни паст қилгин, чунки овозларнинг энг ёмони эшаклар овозидир»“.

[31:13-19]

Оллоҳ Таоло «Фурқон» сурасида шундай дейди:

وَعِبَادُ الرَّحْمَٰنِ الَّذِينَ يَمْشُونَ عَلَى الْأَرْضِ هَوْنًا وَإِذَا خَاطَبَهُمُ الْجَاهِلُونَ قَالُوا سَلَامًا
وَالَّذِينَ يَبِيتُونَ لِرَبِّهِمْ سُجَّدًا وَقِيَامًا ﴿٦٤﴾ وَالَّذِينَ يَقُولُونَ رَبَّنَا اصْرِفْ عَنَّا عَذَابَ
جَهَنَّمَ إِنَّ عَذَابَهَا كَانَ غَرَامًا ﴿٦٥﴾ إِنَّهَا سَاءَتْ مُسْتَقَرًّا وَمُقَامًا ﴿٦٦﴾ وَالَّذِينَ إِذَا أَنْفَقُوا لَمْ
يُسْرِفُوا وَلَمْ يَقْتُرُوا وَكَانَ بَيْنَ ذَلِكَ قَوَامًا ﴿٦٧﴾ وَالَّذِينَ لَا يَدْعُونَ مَعَ اللَّهِ إِلَهًا آخَرَ وَلَا

يَقْتُلُونَ النَّفْسَ الَّتِي حَرَّمَ اللَّهُ إِلَّا بِالْحَقِّ وَلَا يَزْنُونَ مَنْ يَفْعَلْ ذَلِكَ يَلْقَ أَثَامًا ﴿٦٨﴾ يُضَاعَفُ لَهُ الْعَذَابُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَيَخْلُدُ فِيهِ مُهَانًا ﴿٦٩﴾ إِلَّا مَنْ تَابَ وَآمَنَ وَعَمِلَ عَمَلًا صَالِحًا فَأُولَئِكَ يُبَدِّلُ اللَّهُ سَيِّئَاتِهِمْ حَسَنَاتٍ وَكَانَ اللَّهُ غَفُورًا رَحِيمًا ﴿٧٠﴾ وَمَنْ تَابَ وَعَمِلَ صَالِحًا فَإِنَّهُ يَتُوبُ إِلَى اللَّهِ مَتَابًا ﴿٧١﴾ وَالَّذِينَ لَا يَشْهَدُونَ الزُّورَ وَإِذَا مَرُّوا بِاللَّغْوِ مَرُّوا كِرَامًا ﴿٧٢﴾ وَالَّذِينَ إِذَا ذُكِّرُوا بِآيَاتِ رَبِّهِمْ لَمْ يَخِرُّوا عَلَيْهَا صُمًّا وَعُمْيَانًا ﴿٧٣﴾ وَالَّذِينَ يَقُولُونَ رَبَّنَا هَبْ لَنَا مِنْ أَزْوَاجِنَا وَذُرِّيَّاتِنَا قُرَّةَ أَعْيُنٍ وَاجْعَلْنَا لِلْمُتَّقِينَ إِمَامًا ﴿٧٤﴾ أُولَئِكَ يُجْزَوْنَ الْعُرْفَةَ بِمَا صَبَرُوا وَيُلَقَّوْنَ فِيهَا تَحِيَّةً وَسَلَامًا ﴿٧٥﴾ خَالِدِينَ فِيهَا حَسُنَتْ مُسْتَقْرَأً وَمُقَامًا ﴿٧٦﴾

– „Раҳмоннинг (суюкли) бандалари ерда тавозе билан юрадиган, жоҳил кимсалар (бемаъни) хитоблар қилган вақтида ҳам «Омон бўлинглар», деб жавоб қиладиган кишилардир. Улар кечаларни Парвардигорга сажда қилиб ва (жойнамоз устида) тик туриб, бедор ўтказадиган кишилардир. Улар: «Парвардигоро, Ўзинг бизлардан жаҳаннам азобини даф қилгин. Дарҳақиқат, унинг азоби кетмас-мангу (азоб)дир. Дарҳақиқат, у энг ёмон қароргоҳ ва энг ёмон жойдир», дейдиган кишилардир. Улар инфоқ-эҳсон қилганларида исроф ҳам, хасислик ҳам қилмаслар, (балки эҳсонлари) ана ўша (хасислик билан исрофнинг) ўртасида - муътадил бўлур. Улар Оллоҳ билан бирга бошқа бирон илоҳга илтижо қилмаслар ва Оллоҳ (ўлдиришни ҳаром қилган) бирон жонни ноҳақ ўлдирмаслар ҳамда зино қилмаслар. Ким мана шу (гуноҳлардан биронтасини) қилса, уқубатга дучор бўлур. Қиёмат куниди унинг учун азоб бир неча баробар қилинур ва у жойда хорланган ҳолида мангу қолур. Магар ким тавба қилса ва иймон келтириб, яхши амаллар қилса, бас, Оллоҳ ана ўшаларнинг ёмонлик-гуноҳларини яхшилик-савобларга айлантириб қўюр. Оллоҳ мағфиратли, меҳрибон бўлган зотдир. Ким тавба қилиб, яхши (амаллар қилса), бас, албатта у Оллоҳнинг (ризо-мағфиратига) қайтган бўлур. Улар (яъни, Раҳмоннинг суюкли бандалари) ёлғон гувоҳлик бермаслар ва лағв (беҳуда сўз ё амал) олдидан ўтган вақтларида олийжаноблик билан (яъни, ундан юз ўгирган ҳолларида) ўтурлар. Уларга Парвардигорларининг оятлари эслатилган

вақтда у (оят)ларга гунг ва кўр ҳолларида ташланмайдилар, (балки уларни англаб-билиб амал қилурлар). Улар: «Парвардигоро, Ўзинг бизларга жуфти ҳалолларимиздан ва зурриётларимиздан шод-хуррамлик ҳадя этгин ва бизларни тақводорларга пешво қилгин», дейдиган кишилардир. Ана ўшалар сабр-қаноат қилганлари сабабли (жаннатдаги) юксак даражалар билан мукофотланурлар ва у жойда (фаришталар томонидан) салом ва омонлик билан қарши олинурлар. Улар ўша жойда мангу қолурлар. У энг гўзал қароргоҳ ва энг гўзал макондир“ [25:63-76]

Оллоҳ Таоло «Исро» сурасида шундай дейди:

وَقَضَىٰ رَبُّكَ أَلَّا تَعْبُدُوا إِلَّا إِيَّاهُ وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَانًا إِمَّا يَبْلُغَنَّ عِنْدَكَ الْكِبَرَ أَحَدُهُمَا أَوْ كِلَاهُمَا فَلَا تَقُلْ لَهُمَا أُفٍّ وَلَا تَنْهَرْهُمَا وَقُلْ لَهُمَا قَوْلًا كَرِيمًا ﴿٢٣﴾ وَاحْفَظْ لَهُمَا صِحَابَ الدُّلَىٰ مِنَ الرَّحْمَةِ وَقُلْ رَبِّ ارْحَمْهُمَا كَمَا رَبَّيَانِي صَغِيرًا ﴿٢٤﴾ رَبُّكُمْ أَعْلَمُ بِمَا فِي نُفُوسِكُمْ إِن تَكُونُوا صَالِحِينَ فَإِنَّهُ كَانَ لِلأَوَّابِينَ غَفُورًا ﴿٢٥﴾ وَآتَ ذَا الْقُرْبَىٰ حَقَّهُ وَالْمِسْكِينَ وَابْنَ السَّبِيلِ وَلَا تُبَذِّرْ تَبْذِيرًا ﴿٢٦﴾ إِنَّ الْمُبْذِرِينَ كَانُوا إِخْوَانَ الشَّيَاطِينِ وَكَانَ الشَّيْطَانُ لِرَبِّهِ كَفُورًا ﴿٢٧﴾ وَإِنَّمَا تُعْرَضْنَ عَنْهُمْ إِبْتِغَاءَ رَحْمَةٍ مِنْ رَبِّكَ تَرْجُوهَا فَقُلْ لَهُمْ قَوْلًا مَيْسُورًا ﴿٢٨﴾ وَلَا تَجْعَلْ يَدَكَ مَغْلُولَةً إِلَىٰ عُنُقِكَ وَلَا تَبْسُطْهَا كُلَّ الْبَسْطِ فَتَقْعُدَ مَلُومًا مَحْسُورًا ﴿٢٩﴾ إِنَّ رَبَّكَ يَبْسُطُ الرِّزْقَ لِمَنْ يَشَاءُ وَيَقْدِرُ إِنَّهُ كَانَ بِعِبَادِهِ خَبِيرًا بَصِيرًا ﴿٣٠﴾ وَلَا تَقْتُلُوا أَوْلَادَكُمْ حَسْبَةَ إِمْلَاقٍ نَحْنُ نَرْزُقُهُمْ وَإِيَّاكُمْ إِنَّ قَتْلَهُمْ كَانَ خِطْئًا كَبِيرًا ﴿٣١﴾ وَلَا تَقْرَبُوا الزَّوْجَ إِذْهُ كَانَ فَاحِشَةً وَسَاءَ سَبِيلًا ﴿٣٢﴾ وَلَا تَقْتُلُوا النَّفْسَ الَّتِي حَرَّمَ اللَّهُ إِلَّا بِالْحَقِّ وَمَنْ قُتِلَ مَظْلُومًا فَقَدْ جَعَلْنَا لَوْلِيهِ سُلْطَانًا فَلَا يَسْرِفُ فِي الْقَتْلِ إِنَّهُ كَانَ مَنْصُورًا ﴿٣٣﴾ وَلَا تَقْرَبُوا مَالَ الْيَتِيمِ إِلَّا بِالَّتِي هِيَ أَحْسَنُ حَتَّىٰ يَبْلُغَ أَشُدَّهُ وَأَوْفُوا بِالْعَهْدِ إِنَّ الْعَهْدَ كَانَ مَسْئُولًا ﴿٣٤﴾ وَأَوْفُوا الْكَيْلَ إِذَا كِلْتُمْ وَزِنْتُمْ بِالْقِسْطَاسِ الْمُسْتَقِيمِ ذَلِكَ خَيْرٌ وَأَحْسَنُ تَأْوِيلًا ﴿٣٥﴾ وَلَا تَقْفُ مَا لَيْسَ لَكَ بِهِ عِلْمٌ إِنَّ السَّمْعَ وَالْبَصَرَ وَالْفُؤَادَ كُلُّ أُولَئِكَ كَانَ عَنْهُ مَسْئُولًا ﴿٣٦﴾ وَلَا تَمْشِ فِي الْأَرْضِ مَرَحًا إِنَّكَ لَنْ تَخْرِقَ الْأَرْضَ وَلَنْ تَبْلُغَ الْجِبَالَ طُولًا ﴿٣٧﴾ كُلُّ ذَلِكَ كَانَ سَيِّئُهُ عِنْدَ رَبِّكَ مَكْرُوهًا ﴿٣٨﴾

– „Парвардигорларингиз ёлғиз Унинг Ўзига ибодат қилишларингизни ҳамда ота-онага яхшилик

қилишларингизни амр этди. Агар улар (ота-онангиз)нинг бирови ёки ҳар иккиси қўл остингда кексалик ёшига етсалар, уларга қараб «Уфф!» тортма ва уларнинг (сўзларини) қайтарма! Уларга (доимо) яхши сўз айт! Улар учун меҳрибонлик билан хорлик қанотини паст тут - хокисор бўл! Ва: «Парвардигорим, мени (улар) гўдаклик чоғимдан тарбиялаб-ўстирганларидек, Сен ҳам уларга раҳм-шафқат қилгин», деб (ҳақларига дуо қил)! (Эй инсонлар), Парвардигорингиз дилларингиздаги сирларингизни жуда яхши билгувчидир. Агар сизлар яхши бўлсангизлар, (яъни ота-онангизнинг ҳуқуқларини таниб, уларга меҳрибон бўлсангизлар, албатта Оллоҳ билмасдан қилган гуноҳларингизни мағфират қилур). Зеро, У тавба қилгувчиларни мағфират этувчи бўлган зотдир. (Эй Муҳаммад), қавм-қариндошга, мискин ва йўловчига (хайр-эҳсон қилиш билан) ҳақларини адо этинг ва исрофгарчиликка йўл қўйманг! Чунки исроф қилгувчилар шайтонларнинг дўстлари бўлган кимсалардир. Шайтон эса Парвардигорига бутунлай кофир бўлгандир. Агар сиз Парвардигорингиз томонидан бўладиган марҳаматдан умидвор ҳолингизда (ҳозир қўлингизда бўлмагани сабабли хайр-эҳсон қилиш имконини топмай), улардан (яъни қавм-қариндош, мискин ва йўловчилардан) юз ўгирадиган бўлсангиз, у ҳолда уларга юмшоқ сўз айтинг! (Бахиллик билан) қўлингизни бўйнингизга боғлаб ҳам олманг. (Исрофгарчилик қилиш билан) уни бутунлай ёзиб ҳам юборманг. Акс ҳолда маломат ва надоматда қоласиз. Шубҳасиз, Парвардигорингиз Ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини кенг қилур ва (Ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини) танг қилур. Албатта, У бандаларидан огоҳ ва (уларни) кўриб тургувчи бўлган зотдир. (Эй инсонлар), болаларингизни йўқчиликдан қўрқиб ўлдирмангизлар, уларга ҳам, сизларга ҳам Биз Ўзимиз ризқ берурмиз. Уларни ўлдирмоқ, шак-шубҳасиз, катта хатодир. Зинога яқинлашманглар! Чунки (бу) бузуқлик - энг ёмон йўлдир. Оллоҳ (ўлдиришни) ҳаром қилган жонни (яъни, қатл этилишга мустаҳиқ бўлмаган жонни ноҳақ ўлдирмангиз, магар ҳақ шаръий қонун) билангина ўлдиришларингиз

мумкиндир. Кимки мазлум бўлган ҳолида (яъни, ноҳақ) ўлдирилса, Биз унинг эгаси-вориси учун (қасос олишга) салтанат-ҳуқуқ бергандирмиз. Бас, у (қотилни) ўлдиришда ҳаддан ошмасин (яъни, қотилнинг ўрнига бошқа бировни ўлдирмасин, ё бир кишининг муқобилига икки кишини ўлдирмасин ёки қотилни ўлдиришда унинг қулоқ-бурнини кесмасин)! Зеро, у (Оллоҳ томонидан қотилнинг устига) голиб қилинган зотдир. Етимнинг молига - то у балоғат ёшига етгунича - яқинлашманглар, магар энг чиройли йўсинда (унга бирон зиён етказмасдан яқинлашинглар-тасарруф қилинглар). Аҳдга вафо қилинглар, зеро, аҳд-паймон (қиёмат куни) масъул бўлинадиган ишдир. (Ўрталарингиздаги олди-берди, савдо-сотикдан бирон нарсани) ўлчаган вақтларингизда ўлчовни тўла-тўқис қилинглар ва тўғри тарозидан тортинглар! Мана шу энг яхши ва чиройли ечим-ҳукмдир. (Эй инсон), ўзинг аниқ билмаган нарсага эргашма! Чунки қулоқ, кўз, дил - буларнинг барчаси тўғрисида (ҳар бир инсон) масъул бўлур (яъни, эшитган, кўрган ва ишонган ҳар бир нарсаси учун киши қиёмат кунда жавоб беради). Ер юзида кибр-ҳаво билан юрмагин! Чунки сен (оёқларинг билан) ҳаргиз ерни тешиб, (унинг тубига) кетолмайсан ва бўй-бастда тоғларга етолмайсан. (Бас, бу қадар ожиз экансан, нечун кибру ҳаво қилурсан?!). Буларнинг барчаси Парвардигорингиз наздида макруҳ бўлган гуноҳлардир“.

[17:23-38]

Ушбу уч суроадаги оятларнинг ҳар бири мукамал бир лавҳа бўлиб, турли сифатларни баён қилади. Булар орасидан мусулмоннинг сурати жилваланиб, Ислоом асосида тарбияланган Исломиё шахс бошқалардан ажралиб турадиган ўзининг шахсий қиёфасида ёрқин гавдаланади. Бу оятларда баён қилинган турли сифатлар Оллоҳ Таолодан содир бўлган буйруқ ва тақиқлар эканлиги мулоҳазадан четда қолмаслиги лозим. Жумладан, бу оятлар ичида ибодат, муомалот ва ахлоққа тааллуқли бўлган аҳкомлар мавжуд бўлгани каби эътиқодга тааллуқли аҳкомлар ҳам мавжуддир. Шунини мулоҳаза қилиш лозимки, ушбу оятлар ахлоқий сифатларнинг ўзига чекланиб қолмай, ахлоқни ўз ичига олгани каби эътиқод, ибодат ва муомалотни ҳам ўз

ичига олган. Ушбу сифатлар Исломиё шахсни вужудга келтирадган сифатлардир. Ахлоқнинг ўзига чекланиб қолинса, мукамал инсон ва исломий шахсни вужудга келтириб бўлмайди. Ахлоқдан кўзланган гоё амалга оширилиши учун у Ислום ақидасидан иборат бўлган руҳий асосга қурилган бўлиб, инсоннинг ахлоқ билан шаклланмоғи ҳам айни шу ақида асосига қурилмоғи лозимдир. Шунга биноан, мусулмон - гарчи рост сўзни сўзлаётганда ахлоқий қийматни амалга оширишни олдига мақсад қилиб олса-да, бироқ ростгўйлик сифатини ўзида мужассам этар экан, зотан Оллоҳ «ростгўйлик»ка амр этгани учунгина уни ўзида мужассам этади. Хулоса шуки, ахлоқ зотан унинг ўзига эътибор бериб эмас, балки Оллоҳ инсонга уни ўз шахсиятида мужассам этишга амр этгани учунгина ўзлаштирилади.

Шунинг учун мусулмон ахлоқий сифатларни ўзида мужассам этиб, улар Оллоҳдан тақво қилишга чамбарчас боғлиқ сифатлар бўлгани учун ҳам итоат билан уларни амалга оширмоғи даркор. Ахлоқ алоҳида муайян буйруқ ва тақиқлардан иборат бўлишидан ташқари, ибодат натижаси ўлароқ:

إِنَّ الصَّلَاةَ تَنْهَى عَنِ الْفَحْشَاءِ وَالْمُنْكَرِ

– „Намоз фаҳш ва мункар амаллардан қайтаради“ [29:45] вужудга келиши ҳам, муомалотларда риюя қилиниши вожиб бўлган ҳолатлардан - «Дин муомаладир» ҳадиси каби - вужудга келиши ҳам мумкин. Бу эса мусулмоннинг шахсида ахлоқни яна ҳам барқарор қилиб, унинг ажралмас сифатига айлантиради. Шунга кўра, ахлоқ мустақил сифатлардан иборат бўлган ҳолда ҳаётнинг бошқа низомлари билан уйғунлашиб бориши мусулмон шахсинг ҳақиқий баркамол бўлиб етилишини кафолатлайди. Қолаверса, хулқни ўзида мужассам этиш ҳаёт майдонида бу хулқ фойда етказгани ёки зарар келтиргани учун эмас, балки Оллоҳ Таолонинг амрига жавобан, тақиқларига сўзсиз итоат этиш маъносида амалга оширилади. Бу эса, модомики, мусулмон манфаат ортидан қувмай, Ислумни бутунича ўз ҳаётига татбиқ этишда сабот билан яшар экан, унинг шахсида чиройли ахлоқни доимий ва барқарор бўлиб

боришига хизмат қилади. Чунки хулқдан кўзланган мақсад манфаатпарастлик эмас, аксинча, манфаатпарастлик хулқдан нарида бўлмоғи вожибдир. Демак, хулқдан кўзланган мақсад моддий, инсоний ва руҳий қиймат эмас, балки фақат ахлоқий қийматдир. Мазкур қийматларнинг хулққа дахлдор бўлиши жоиз эмас. Токи улар хулқ амалга оширилаётганда ёки ўзлаштирилаётганда изтироб рўй беришига сабабчи бўлмасин. Огоҳлантириб қўйиш зарурдирки, моддий қиймат хулқдан узоқда бўлиши, хулқ манфаат ва фойда излаб бажарилишидан эҳтиёт бўлиш вожибдир. Бу хулқ учун хатарлидир.

Хулоса шуки, ахлоқ жамиятнинг таянчларидан эмас, балки шахснинг таянчидир. Шунинг учун жамият ахлоқ воситасида эмас, балки Исломнинг ўзига хос фикрлари ва туйғулари ҳамда Ислом тузумини татбиқ этиш билангина тузалади. Ахлоқ шахснинг таянчларидан бўлса-да, бироқ ёлғиз унинг ўзи таянч вазифасини ўтай олмайди - бундай бўлиши жоиз ҳам эмас - балки у билан бирга шахсда эътиқод, ибодат ва муомалот ҳам мавжуд бўлиши лозим. Шунинг учун эътиқоди ғайриисломий бўлиб, ахлоқи чиройли бўлган одамдан ибрат олинмайди. Чунки у бундай ҳолатда кофир ҳисобланади. Ваҳоланки, куфрдан ортиқ гуноҳ йўқ. Шунингдек, ахлоқи чиройли бўлиб туриб, ибодатларни адо этмайдиган ёки муомалаларида шариат аҳкомларига мувофиқ тасарруф юритмайдиган одамнинг ҳам эътибори йўқдир. Шундан келиб чиқадики, шахсни тарбиялашда эътиқод, ибодат, муомалот ва ахлоқнинг биргаликда мавжуд бўлишига риоя қилиниши лозим. Фақат ахлоқнинг ўзига аҳамият бериб, қолган сифатларни тарк этиш шаръан жоиз эмас. Бундан ҳам муҳимроғи, эътиқодга қаноат ҳосил қилмай туриб, бошқа ҳеч бир нарсага аҳамият бериш жоиз эмас. Ахлоқдаги энг асосий жой аввало унинг Ислом эътиқоди асосига қурилмоғи, қолаверса ахлоқ Оллоҳ Таолонинг буйруқ ва тақиқларидан иборат эканлигига асосланиб, мўмин уни ўз шахсида мужассам этмоғи вожибдир.

Мундарижа

Иймон йўли	3
Қазо ва қадар	16
Ислом мафкураси	27
Ислом даъватини ёйиш кайфияти	68
Ислом ҳазорати	75
Ислом низоми	81
Шаръий ҳукм.....	88
Шаръий аҳкомларнинг турлари.....	91
Суннат.....	92
Расул (алайҳис-салоту вас-салом) ишларидан намуна олиш.....	93
Шаръий аҳкомларнинг танлаб тайин қилиниши (қонунийлаштирилиши).....	95
Исломда ахлоқ	97